

455

Ўттинч тўққизинчи йил чиқиши
Зулҳижжа 1445ҳ
Июл 2024м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Вароъ

Ал-Вароъ сўзи

**Фаластинни озод қилиш масаласи
билан Халифаликнинг сўзсиз қайтиши
ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик**

**Фазо: яҳудийча ха-
ёллар уруши ва буюк
яҳудий давлати
орзуси**

20

**Фазода содир бўлаётган
ҳодисалар Фарб оламини
ларзага солиб, қалқитиб
юборди**

34

**Қилич ишлатиш керак
бўлган пайтда кўз ёшлари
энг ёмон қуролдир...
Фазо мисолида**

40

**Яҳудийларнинг
суннатда айтил-
ган хусусият-
лари**

**Яширин ҳамкорлик... Босқинчи
билан Саудия ўртасида ўнлаб
йиллар давомида бўлиб келган
яқинлашувнинг баъзи муҳим
босқичлари**

87

82



455

Ўттиз тўққизинчи
йил чиқиши
Зулҳижжа 1445ҳ
Июл 2024м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибгу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Фаластинни озод қилиш масаласи билан Халифаликнинг сўзсиз қайтиши ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик 3
- Ҳазо: яҳудийча хаёллар уруши ва буюк яҳудий давлати орзуси 20
- Ҳазода содир бўлаётган ҳодисалар Ғарб оламида ларзага солиб, қалқитиб юборди 34
- Қилич ишлатиш керак бўлган пайтда кўз ёшлари энг ёмон қуролдир... Ҳазо мисолида 40
- Антисемитизм ва унинг Фаластин масаласига алоқаси (2) 46
- Икки Ҳарам замини хавф остида!... 57
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 67
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 74
- **Жаннат боғлари:** Яҳудийларнинг суннатда айтилган хусусиятлари 82
- **Сўнги сўз:** Яширин ҳамкорлик... Босқинчи билан Саудия ўртасида ўнлаб йиллар давомида бўлиб келган яқинлашувнинг баъзи муҳим босқичлари 87
- Американинг RAND корпорацияси: Қўшма Штатлар қуёши сўнмоқдами?... 88



وَاللَّهُ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

ФАЛАСТИННИ ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАСИ БИЛАН ХАЛИФАЛИКНИНГ СЎЗСИЗ ҚАЙТИШИ ЎРТАСИДАГИ ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚЛИК

Солиҳ Абдураҳим – Жазоир

2023 йил 7 октябрда Ҳабога қилинган уруш бир неча ишларни очиб берди. Уларнинг энг муҳимлари жумласига қуйидагилар киради:

– Яҳудий вужудига дунёнинг барча бурчакларидан – айниқса бу вужуднинг асосий ҳимоячиси бўлган АҚШдан – Ғарбнинг қўллаб-қувватлови келишига қарамай, бу вужуд Ғарб у ҳақида оммавий ахборот воситалари ва бошқалар орқали пайдо қилган қувватга эга эмас. Бу бир сиёсий алдов бўлиб, Ғарб бундан мусулмонларни руҳан синдиришни кўзлаган ва ҳануз кўзламоқда. Яъни «Ислом Уммати заифлашиб, хорликнинг энг тубига етиб келди, Ислом Уммати ўлди ёки ўлим ёқасида, яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришдан бошқа чора йўқ», деган фикрни сингдирмоқчи. Бу эса яҳудий вужудидан устун келиш имкониятини шунчаки тасаввур қилишни ҳам жуда қийин ишга айлантиради. Уни ҳарбий йўл билан мағлуб этиш ёки йўқ қилиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энди унинг орқасида турган бутун Ғарб кучларини мағлуб этиш ҳақида нима деб ўйлаш мумкин?!». Бу эса мусулмонларнинг мустамлакачи душман капиталистик Ғарб кучларига тўлиқ таслим бўлишини, калитларни топшириб, бўйсуншини англатади. Аслида ҳақиқат тамоман бунинг аксидир. Чунки бу уруш бунинг аксини исботлади ва бутун Умматда жиҳод руҳини жонлантирди. Бу уруш яҳудий вужудига Ғарб томонидан қанчалик ёрдам кўрсатилмасин, фақат бир гуруҳ мужоҳидлар ёки мусулмон армияларнинг баъзи бир қисмигина бу қўрқоқ вужудни битта жангдаёқ йўқ қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Бунинг учун ушбу армиялар иродаси малай ҳукмдорлар чангалидан озод бўлиши шарт. Бу масаладаги асосий нуқта мана шудир!! Мана,

бизлар Ислом Умматининг бутун ер кўррасининг барча жойларида ягона Уммат ва унинг асло ўлмайдиган тирик Уммат эканлиги ҳақидаги очиқ ҳақиқатга гувоҳ бўлмоқдамиз!

– Бу уруш яҳудий вужудининг Фаластин заминида на яҳудийлар, на бошқалар учун ҳақиқий фаровонлик давлати эмаслигини кўрсатди. Аксинча, у Ислом ва мусулмонларнинг душмани бўлган Ғарб томонидан ўз манфаати йўлида аниқ вазифаларни бажариш учун яратилган ваҳший, функционал, гибрид бир вужуд бўлиб, унга хусусан Америка ҳомийлик қилади. Яҳудий вужуди Ғарбнинг энг муҳим мустамлакачилик қуролларидан бири бўлиб, Ғарб у орқали мусулмон юртлар устидан ўзининг нуфузи ва ҳукмронлигини давом эттиради, уларнинг бойлик ва ресурсларини талон-тарож қилади. Бу ишлар минтақанинг итоаткор, малай ҳукмдорлари билан тўлиқ келишган ҳолда амалга оширилади. Бўлинишни давом эттириш орқали минтақани бўйсундириш ва унинг бирлашишига тўсқинлик қилишда ҳам, шунингдек, мусулмонларни бирлаштирувчи Халифалик давлатини барпо этиб, мусулмон юртлардан мустамлакачиларни қувиб чиқарадиган кучнинг қайта шаклланишига йўл қўймасликда ҳам яҳудий вужуди Ғарбга жуда қўл келади. Ғазадаги уруш эса буларнинг барчасини фош қилди. Зеро, мусулмонларнинг Халифалик қулагандан кейинги аҳволи шуни кўрсатдики, уларнинг ҳукмдорлари душман сафига ўтиб олишди.

– Бу уруш яна яҳудий вужуди ташкил топганидан бери унинг мавжудлиги ва давомийлиги Америка иродасига боғлиқлигини кўрсатди. Уни ақидапараст, илмоний-секулярист, бузғунчи, сионист ва адоватли яҳудийлардан иборат ақл бовар қилмайдиган даражада пасткаш, адоватли жиноятчи тўда бошқаради. Улар ўз ҳомийларини масхара қилиб, шантаж қилишади. Бу уларнинг Аллоҳ Таоло Ўз Китобида уларни сифатлаган хиёнат, хорлик ва хасислик каби сифатларини, уларга хорлик ва мискинлик битиб қўйилганини, улар Аллоҳнинг ғазабига учрашганини очиқ беради. Бу жиноятчи вужуднинг сиёсий доираси шу даражада заифки, бу урушдан олдин ошкор бўлмаган эди. Шубҳасиз бу уруш унинг келажаги учун даҳшатли оқибатларга олиб келади. У шундай бир из қолдирадими, бутун дунёда, айниқса, мусулмон юртларда сон-

саноқсиз қўзғолон ва можароларни алангалатиши мумкин. Бу эса бутун адолатсиз халқаро тизимнинг емирилишига, шу тариқа Ислом Умматининг Ғарбдаги душманлари чангалидан озод бўлишига, шунингдек, яҳудий вужудининг завол топишига олиб келиши мумкин.

Бироқ, шубҳасиз, Ғазодаги Фаластин аҳлига қарши нафақат ҳозирги, балки олдинги ва кейинги барча урушлар натижасида яққол намоён бўлган энг муҳим нарса шу бўлдики, Фаластин муаммоси ва уни озод этиш масаласи бутун муслмон диёрларида Халифаликни қайта барпо қилиш зарурлиги ва муқаррарлиги масаласи билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу масала дастлаб Ғарбнинг Ислом Умматига қарши олиб борган ва 1924 йили Халифалик қулатилиб, бекор қилиниши билан якунига етган кураши тўлқинида пайдо бўлган. Усманий Халифалик давлатини тугатмасдан олдин Шомни, шу жумладан, Фаластинни босиб олиш мумкин эмас эди. Халифалик қулатилганидан кейин йирик давлатлар, хусусан, Британия Фаластин аҳолисини кўчириб, унинг ерларини 1948 йилда муслмон юртлар марказида (Исроил) вужудини барпо қилиш орқали муслмонларга ашаддий душман бўлган кимсаларга топширди. Бу Исломни ҳокимиятдан четлатиш, муслмон юртларини парчалаш, Ислом Уммати йўқ қилинмаса ҳам унинг устидан назоратни кучайтириш орқали исломий халқларни бўйсундиришга қаратилган мустамлакачилик лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Ушбу фитна кўламини тушунтириш учун қуйидагиларни айтамыз:

Бир неча аср олдин Европада диннинг ҳаётдан ажратилиши тарихий бурилиш нуқтаси бўлиб, бу илмоний-секуляристлик ғояга асосланган давлатлар пайдо бўлишига ва бу давлатларда янги ҳазорат ва турмуш тарзининг шаклланишига олиб келди. Юртларимизда диннинг давлатдан ажратилиши Уммат ҳаётида мункар бидъатни пайдо қилди. Бу ҳалокатли зарба Халифалик давлатини йўқ қилиш орқали Исломни ҳокимиятдан четлатишда ўз ифодасини топди. Амалий воқеликда намоён бўлган нарса муслмонларнинг халқаро кураш майдонидан ва жаҳон саҳнасидан чиқарилиши бўлди. Чунки муслмонлар Ислом келганидан бери ҳукм юритиш, сиёсат ва давлат

ишларини бошқаришда Халифалик тузумидан бошқа тузумни билмас эдилар.

Европада диннинг давлатдан ажратилиши таназзулдан чиқиш чораси бўлди. Бу барча соҳаларда муфаккирлар, олимлар, сиёсатчи ва ижодкорлар учун бошланғич нуқта бўлиб, ундан Европа жамиятларида черков ва руҳонийлар ҳукмронлигидан тўлиқ озод бўлишга асосланган кенг қамровли уйғониш келиб чиқди. Мусулмон юртларда Ислом ақидасига асосланган давлатнинг (Халифалик давлатининг) барбод бўлиши барча соҳалардаги даҳшатли таназзулларни келтириб чиқарди. Насронийлик ақидаси олдин ҳам, ҳозир ҳам ақл қабул қилмайдиган зиддиятларни ўз ичига олгани сабабли насронийлар янги ақидани қабул қилиши зарур эди. Бундан Европада бир томондан дин, иккинчи томондан ақл ва илм ўртасида, яъни руҳонийлар билан файласуф ва муфаккирлар ўртасида машҳур зиддият юзага келди. Натижада, тўғри ёки ботиллигидан қатъий назар, динни ҳаётдан ва жамоат ишларидан четлатиш юзага келди. Чунки унинг асоси ақл ҳулосалари ва илм-фан кашфиётлари билан тўқнаш келар эди. Бунинг натижасида бутун Ғарб дунёсида гувоҳи бўлаётганимиз ўзига хос ҳазорат ва маданият юзага келди. Бу нарса содда инсон кўзига Ғарбни асрлар давомида Шарқдан устун қилиб кўрсатадиган бўлди. Европадаги ҳолат мана шу. Мусулмон юртларидаги ҳолатга келсак, динни давлат ва сиёсатдан ажратиш Ислом Уммати ташкил топган ва одамлар учун чиқарилганидан бери мусулмонларга етган энг катта фожиага олиб келди. «Уларнинг ечимлари бизнинг муаммоларимизга айланди», деган гап нақадар ҳақдир!! Агар мусулмонлар Исломнинг асоси, яъни ақидаси ақлга қурилганини англаб етсалар, бу фарқни тушуниш қийин эмас. Бу ерда ақл билан ҳам, илм-фан қарорлари билан ҳам мутлақо зиддият йўқ. Бу зиддият Ислом ҳазоратида умуман мавжуд эмас. Шунинг учун ғарбликлар сиёсат деб атаган нарса бизнинг наздимизда диндир. Бундан маълум бўладики, бу икки ҳазорат ўртасида умуман ўхшашлик йўқ. Чунки муаммо асосда ётади.

Аммо мусулмонларнинг ўз юртларида динни сиёсатдан ажратиш натижасида эришган нарсалари маҳрумлик, таназзул, қолоқлик, тартибсизлик, вайронагарчилик, хорлик

ва мустамлака бўлишдан иборат бўлди. Динни сиёсатдан ажратиш мусулмонлар ишларини ғамхўрлик билан бошқарадиган Халифалик давлатининг йўқ бўлишидан бошқа нарсани англатмайди. Бу, шунингдек, ер ва ор-номусдан, муқаддас жойлар ва эришилган ютуқлардан айрилиш, барча соҳаларда бутун куч-тоқатларнинг издан чиқиши демакдир. Бугунги кундаги Умматнинг аҳволи шудир. Ҳақиқатда ҳам шундай эмасми?!

Шу жиҳатдан, Уммат орасида фикрий ва сиёсий фаолият олиб бориш муҳим экани ҳамда ушбу фикрий ва сиёсий фаолиятни олиб борадиган ақалли битта сиёсий ҳизбнинг мавжуд бўлиши зарур ва вожиблиги келиб чиқади. Зеро, бу фаолият Ғарб пайдо қилган ушбу тескари воқеликка қарши туриш учун ҳамда ўзилган нарсаларни боғлаш ва Умматни Аллоҳ у учун ирода қилган ўзининг ҳақиқий ролига қайтариш орқали ишларни тўғри йўналишга солиш учун олиб борилади... Ҳизб ут-Таҳрир мана шунинг учун ташкил топди. У 1953 йилда ташкил топганидан бошлаб, Ғарбнинг мусулмон юртларида қилган қилмишларини, бундан Уммат бошига тушган фожиа ва қийинчиликларни фикр ва эътиқод даражасида рад этишга киришди. Шунингдек, у сиёсий кураши ва фаолияти тариқатининг бир қисми сифатида мусулмон юртлардаги Ғарб мустамлакачилигига қарши курашишга киришди. Ҳизб Умматни қарамликдан озод қилишни, Ғарбнинг Ислому Умматига бўлган кўп қиррали таъсирига барҳам беришни, уни мустамлакачи кофир чангали, ёвузликлари, залолатга бошловчи нопок ғоялари ва сохта ҳазоратидан қутқаришни мақсад қилди. Тўғрироғи, мусулмон юртларда Ислому бошқарувдан четлатилиб, у мусулмонлар онги ва ишларидаги шаклий урф-одатларга, яъни қуруқ ибодат ва шахсий ахлоқларга айланиб қолганидан кейин, Ислому Умматида кенг қамровли уйғонишни пайдо қилишни, уни буюк Ислому Унинг шариати камситилишидан келиб чиққан барча нарсалардан тозалашни ўз олдига мақсад қилди. Буни дин ва сиёсатни ажратиш Умматдаги мусибатнинг боши, муаммонинг ўзаги ва касалликнинг манбаи эканини англаб етган ҳолда амалга оширди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَحُكْمَ الْجَهْلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوفُونَ﴾

**«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари
комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм
қилгувчи ким бор?!»** [Моида 50]

Ҳизб курашининг тамал тоши Ғарбдан келган ушбу жирканч секуляризмга қарши туриш ва Ғарбнинг мустамлакачилик режаларини фош қилиш бўлди. У мусулмонларни бирлаштирган ва уларнинг яхлитлигини ҳимоя қилган Халифалик давлати қулатилиши натижасида Уммат бошига тушган Исломнинг бошқарувдан четлатилиш фожиасидан бошлаб Ғарб малайлари бутун юртлар бўйлаб амалга ошираётган ишларни ҳам фош қилди. Чунки мусулмонлар ўтган асрнинг бошидан бери биринчи марта душманлари ҳукмронлиги остида қолдилар. Шундай экан, бундан каттароқ мусибат борми?!

Давлат завоқ топганидан кейин бошга болта тушиб, аксар мусулмонлар ўзларининг оғир қайғу ва улкан хавф қаршисида эканликларини англаб етгач, уларнинг орасида «озодликка олиб борадиган йўл қандай бўлади?», «Исломни ҳаёт воқесига қайтариш йўли қандай?», деган саволлар пайдо бўлди. Лекин бу сафар мусулмонлар давлатларини йўқотгач, қайғу оғир бўлди, бало-мусибатлар кўпайди ва муаммо жуда мураккаблашди. Шундай қилиб, душманлар фитналари икки баравар ортди ва мустамлакачи кофирлар мавжуд вазиятни, қарамлик ва мағлублик ҳолатини мустаҳкамлаш учун фитнанинг янги босқичига, яъни хоин ва малай ҳукмдорлар кучига таянишга ўтишди. Чунки улар Усманий давлат заифлашган даврда, яъни Франция ҳужумидан кейин Мисрда Муҳаммад Али ва ундан олдинги бошқа ҳукмдорлар даврида бунинг ўз мевасини берганини кўришган эди.

Бу мустамлакачилик услуби эди. Айниқса, Ислом юртларининг аҳолиси, бойлик ва имкониятлари ҳар бир қароқчи ва ўғри учун очиқ бўлиб қолганидан кейин мустамлакачи Америка ўлжадан, яъни бу юртлар бойликларидан ўз ҳиссасини олиш учун иккинчи жаҳон урушидан сўнг европаликлар билан курашга кирганида айти шу услубга таянди. Американинг 1952 йилда Кинона заминини, унинг ортидан бошқа юртларни давлат тўнтариши уюштириш орқали инглизлардан тортиб ола бошлаши тасодиф эмас.

Бундан олдин нажас сионистларнинг Фаластин заминидан 1948 йилдан бошлаб Уммат кўксига санчилган заҳарли ханжар бўлиши учун давлатга эга бўлиши ҳам ажабланарли эмас. Халифалик давлатини йўқ қилиш орқали мусулмонлар Фаластин заминидан четлатилганидан кейин яҳудий давлати «халқаро ҳамжамият» томонидан, ҳатто мустамлакачи мусулмон юртларда пайдо қилган вужудлар томонидан тан олинди ва қўллаб-қувватланди. Бундан мақсад Ислом Уммати устидан назоратни кучайтириш, устунликни таъминлаш, гегемонликни давом эттириш ва ғалабани абадийлаштириш эди. Ҳақиқат шуки, Ҳазога қарши бир неча ойдан буён давом этаётган бу уруш Ҳарб билан бўлаётган курашнинг бир босқичи ёки бекати холос.

Бироқ, айнан шу шароитларда, кофирларнинг мусулмонларга қарши ҳийла-найранглари кўпайиб, уларнинг фитналари давлат қулагандан олдинги ва қулаган вақтдагидан бир неча бор кучайганидан кейин, Ислом Умматининг қоқ юрагида Ҳизб ут-Таҳрир ташкил топди. Чунки кураш авжига чиққан эди. Ҳизб Аллоҳнинг тавфиқи ва марҳамати билан мусулмон юртлардаги фожиа ва офатлар асоси ҳамда йўқотишлар, бўлинишлар, тарқоқлик, хорлик, қашшоқлик, ёмон бошқарув, қолоқлик ва вайронагарчилик сабабчиси Исломни бошқарувдан четлатиш орқали динни сиёсатдан ажратиш эканлигига ишонч ҳосил қилди. Бу ҳаётнинг барча жабҳаларида, хусусан, бошқарув ва иқтисодда одамларнинг ишларини Ислом аҳкомларига мувофиқ бошқарадиган давлатнинг йўқлигини англатади. Бу давлатнинг қайтиши фақат Умматнинг фикрий ва сиёсий жиҳатдан уйғонишига боғлиқ. Ҳизб яна шунга ишонч ҳосил қилдики, кофирларнинг мусулмонларни алдаши ва уларга ҳийла-найранг қилиши ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш тугаши билангина ниҳоясига етади. Аммо мусулмонларнинг замондан бирор лаҳза, яъни Уммат ҳаётининг бирор лаҳзасида кофир ва мунофиқлардан иборат ботил аҳлига алданмаслигига келсак, бу бошқа масала. Чунки бу мусулмонларнинг асосий масалаларини қанчалик англашларига ва ҳаётдаги мавжудликлари маъносини қанчалик билишларига боғлиқ. Шунингдек, бу уларнинг Исломни қанчалик тушунишларига, динини маҳкам ушлашларига ва

давлатини сақлаб қолишларига ҳам боғлиқ. Исломга зарба бериш ва мусулмонларни алдаш учун кофирлар тузган режалар нақадар кўп-а?!

Масалан, яқин тарихда Ислом ва мусулмонлар душмани бўлган Британиянинг мисли кўрилмаган ҳийла-найрангларни ишлатиб Усманий Халифалик давлатига барҳам беришга муваффақ бўлганини кўрамиз. Унинг ҳийлаларидан бири шу бўлдики, у яҳудий малай Мустафо Камолни натижалари олдиндан тайёрлаб қўйилган саҳналаштирилган жанглардаги сохта ғалабалар орқали араб ва турк мусулмонлар назарида «тенгсиз қаҳрамон»га ва «буюк нажоткор»га айлантирди. Шунинг учун бир гуруҳ онгли мўминларни ҳисобга олмаганда, мусулмонлар Истанбулдаги Халифалик қасрининг қулатилишида унга эргашдилар. Яна унинг энг самарали ҳийла-найрангларидан бири у давлат қулатилганидан кейин мусулмонлар зеҳнига жамиятни ислоҳ қилиш йўли сифатида шахсни ислоҳ қилишга интилиш ғоясини сингдирди. Бундан мақсад, зеҳнларни сиёсатдан ҳамда биринчи навбатда тезлик билан Халифалик давлатини қайта барпо этиш вожиблигидан буриш эди. Бу эса, на ақлан ва на шаръан Уммат ишларини ислоҳ қилишнинг йўли эмас эди. Чунки Умматнинг аҳволини ислоҳ қилиш ва жамоат ишларини тўғрилаш Уммат ўзлиги асосида давлатни барпо қилиш орқали амалга оширилиши муқаррар. Зеро, одамларнинг барча ишларини шаръий аҳкомларга мувофиқ шу давлат бошқаради. Шаръан бунга олиб борадиган йўл шахсларни ибодат ва ахлоқ орқали ислоҳ қилиш эмас, балки, Халифаликни барпо этиш учун мусулмонларнинг сиёсий жиҳатдан уюшишларидир. Унинг ҳийла-найрангларидан яна бири шуки, у 1916 йилда биринчи жаҳон уруши пайтида арабларга «золим» турклардан мустақилликни ваъда қилиб, «буюк араб қўзғолони»да уларни Усманий Халифалик давлатига қарши қўллаб-қувватлади. Бу қўзғолонга ўша пайтда Макка ва Ҳижоз ҳокими бўлган Шариф Ҳусайн Умматнинг энг ашаддий душмани бўлган инглиз давлатининг буйруғи билан бошчилик қилди. Бунинг натижасида Умматнинг фожиага, ҳалокат ва хорликка учраши ва мустамлакага айланиши юз берди. Бу Усманий давлатни тугатиш жараёни инглизлар қўллаган энг самарали шайтоний услублардан бири эди. Агар

мусулмонларда бироз ақидаларидан келиб чиққан сиёсий онг бўлганда эди, душманлари тузган пухта режанинг қурбонига айланмаган бўлардилар.

Душманлар томонидан яратилган ва бизни бошқа ишлар билан бир қаторда ушбу аянчли аҳволга олиб келган фитна ҳалқаларидан бири 1905 йил Нарманда бўлиб ўтган Кемпбел конференцияси бўлиб, унинг сессиялари Британия консерваторларининг яширин таклифи билан 1907 йилгача давом этди. Бундан мақсад, энг катта ютуқларни қўлга киритиш ва уларни имкон қадар узоқроқ муддат сақлаб қолиш эди. Конференцияда Британия, Франция, Голландия, Белгия, Испания ва Италия қатнашди. Ушбу конференция натижасида Европа давлатлари «Кемпбел ҳужжати» номли яширин ҳужжатни қабул қилишди. Унда белгиланишича, Ўрта Ер денгизи мустамлакачилиқнинг Шарқни Ғарб билан боғловчи ва унинг Осиё ва Африкани боғлайдиган табиий йўлақларининг муҳим артериясидир. Бу минтақага дини ва тили битта бўлган, унда ягона Уммат яшайдиган битта давлат, яъни Усманий Халифалик давлати эгалик қиларди. Шунинг учун конференцияда минтақа халқларини бўлинган, жоҳил ва қолоқ ҳолда сақлашга қарор қилинди. Дунё давлатлари уч турга бўлинди: Биринчи: насроний Ғарб ҳазоратини қабул қилган давлатлар. Конференцияда қатнашган Европа давлатларининг бу давлатлар олдидаги бурчи уларни қўллаб-қувватлаш эканлиги белгиланди. Иккинчи: насроний Ғарб ҳазорати доирасига кирмайдиган, лекин Ғарб билан уларнинг ўртасида ҳеч қандай ҳазорий тўқнашув бўлмаган давлатлар. Конференцияда қатнашган Европа давлатларининг бу давлатлар олдидаги бурчи уларни тўхтатиб қолиш ҳамда уларни Европа давлатларига ва уларнинг устунлигига хавф туғдирмайдиган даражада қўллаб-қувватлаш эканлиги белгиланди. Учинчи тоифадаги давлатларга келсак, улар насроний Ғарб ҳазорати доирасига кирмайдиган, улар билан Ғарб ўртасида ҳазорий тўқнашув мавжуд бўлган ҳамда Ғарбга ва унинг устунлигига хавф туғдирадиган давлатлар. Конференцияда қатнашган Европа давлатларининг бу давлатлар олдидаги бурчи уларни қўллаб-қувватлов, илм-фан ва техник билимлардан маҳрум қилиш, ҳеч қайси соҳада

қўллаб-қувватламаслик, шунингдек, Халифалик давлати қулатилганидан кейин (бу конференция Халифалик қулатилишидан деярли йигирма йил олдин ўтказилган) уларнинг ўртасида бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай иттифоқчилик йўналишига қарши курашиш эканлиги белгиланди. Шу боис, сиёсий, иқтисодий, маданий ва географик жиҳатдан тўлиқ бўлинишни амалга ошириш учун Фаластин яҳудийларга топширилганидан кейин, бу заминда мусулмонларга душман бўлган давлатни пайдо қилиш орқали мусулмон юртларнинг Осиё қисмини Африка қисмидан бўлиб ташлаш таклиф қилинди.

Европа давлатлари бу тавсияларни мисли кўрилмаган тарзда амалга оширишга муваффақ бўлишди. Бу мусулмонлар давлати тугатилганидан кейин уларни бевосита мустамлака қилиш, ғарбликларнинг мусулмонлар давлати тугатилганидан кейинги босқич учун махсус тайёрланган малайлар воситасида билвосита мустамлака қилишга ўтиши орқали амалга оширилди.

Шубҳасиз, кофир ғарбнинг давлат заволи топганидан кейинги ҳийла-найранглари қаторига сохта мустақилликлар (миллий давлатлар), реалистик ҳаракатлар, Араб давлатлари Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Бутун жаҳон Ислом Лигаси, Ҳижоз ва Нажддаги Сауд оиласи бошқаруви ва булардан бошқа саноқсиз алдовларни киритиш мумкин.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин мусулмонлар давлати йўқ бўлиб турган бир пайтда минтақага Америка мустамлакачилиги келгач, у ҳам саноқсиз ҳийла-найранглари ишга солди. У Ислом Умматини бўйсундириш ва уни доим оғир аҳволида қолдириш учун унга қарши олиб борган курашида шу ҳийла-найранглarga таянди. У, шунингдек, халқаро рақобатчилари, айниқса, Ислом ва мусулмонларни ёмон кўрувчи Британия билан бўлган курашда ҳам шу ҳийла-найранглари ишга солди. Чунки Британия мусулмон юртлардаги янги мустамлакачиликка қарши яширин курашда ўз тарафдорлари ва малайлари орқали ўзининг нуфузини ва манфаатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. У буни ўзининг минтақадаги барча воситалари ва нуфузи, ундаги оқсуяклик, ёвузлик, топқирлик ва маккорлик билан амалга оширди. Чунки у Иккинчи Жаҳон урушидан кейин

Ўзининг заифлиги туфайли очиқдан-очиқ қаршилиқ кўрсатишга қудрати етмай қолган. Лекин Ҳизб ут-Таҳрир содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлган ва шу бугунгача хабардор бўлиб келмоқда. Айтиш мумкинки, Ҳизб АҚШнинг келишидан олдин минтақага ҳукмронлик қилганлар, яъни инглизлар, улардан кейин бошқа европаликлар, французлар, италияликлар ва бошқалар орасидаги яширин курашни кўра билишда тенги йўқ эди. Ўша европаликлар юртларимизда ишларимизни бизнинг фойдамизга эмас, балки ўзларининг фойдасига ҳал этишда қулатилган Халифалик ўрнини эгаллаб олишган эди. Шубҳасиз, америкаликлар ва инглизлар орасидаги бу яширин тўқнашув аксар мусулмон юртларида манфаатлар устида кураш кетаётганидан дарак беради. Улар бу курашда қўл остидаги воситалар, малайлари ва издошлари, жумладан ҳукмдорлар ҳамда армия, партиялар ва ташкилотлар етакчилари, олимлар, тадқиқот марказлари, газета-журналлар ва фазовий каналлар ходимларидан фойдаланишади. Мусулмон юртларида олиб борилаётган бу манфаат талаш тўқнашувларида мусулмонларнинг моллари, ор-номуслари ва қонлари ажнабийларнинг хизматида бекордан исроф бўлмоқда. Худди бугун Яман, Ироқ, Судан, Ливия ва Кўрфаз минтақалари, қўйинги, барча жойлардаги бундай тўқнашувларда бўлаётгани каби. Британия бу минтақаларда заифлашиб, синган эди. У ўшандан бери то бугунгача ўзининг аввалги қудрати ва кибрлигини қайтариб олишга фурсат кутмоқда.

Айни шу кунларда АҚШ сиёсий услуб ва алдовларда ниҳоясиз ҳийла-найрангларга таянмоқда. Унинг бу ҳийла-найранглари мусулмон юртларидаги мавжудлиги ва нуфузининг ниҳоясига етиши билангина тугайди ва Аллоҳнинг изни ила унинг ниҳоясига етиши яқиндир! Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир алдовдир. Асосан золим ва мутакаббир кучларни, биринчи навбатда Американи, сўнг Европани ифодалаган «Халқаро Ҳамжамият» ғояси ҳам алдовдир. Аслида бу ғарбнинг инсониятга, хусусан, Ислом ва мусулмонларга қарши катта фитнаси. «Терроризмга қарши кураш» фикри, Американинг бир неча ўн йиллардан буён Сурия режимига, шунингдек, Техрондаги мулалар режимига

«адовати», «Сурия халқининг дўстлари» фикри, Сурия ва Ироқ курдларига берган ваъдалари, буларнинг барчаси алдов ва ёлғондир. Шунингдек, Эрдоганнинг ўзи ҳам, Сурияда ўйнаган роли ва унинг Туркиядаги йўли ва режими ҳам, Мисрдаги Сисий ва ундан олдингилар режими ҳам, Судандаги Башир бошқаруви ҳам Американинг алдовидир. Шу кунларда золим ҳукмдорлар ва хоин малайлар орқали мусулмон юртларда Америка лойиҳаларига хизмат қилиш учун мусулмонлар ўртасида бўлинишни ёйишга қаратилган жирканч мазҳабпарастлик ҳам Американинг энг муҳим услуб ва ҳийла-найрангларидан биридир.

Шу ўринда бир-биримизга: Қачонгача мусулмонлар Ғарбнинг ҳийла-найрангларига алданиб юрадилар?! – деган саволни ташлашимиз вақти келмадими?! Ғарбликларнинг жиноятлари мусулмонлар кўз ўнгида турган бир пайтда, ҳар доим мусулмонлар орасидан Ғарбни қўллаб-қувватловчилар ва бу юртлардаги режаларини Уммат ҳисобига амалга оширувчилар топилишининг сири нимада?! Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصْرَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَمَنْ

يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

«Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» [Моида 51]

﴿إِنَّمَا يَنْهَىٰكُمْ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ قَتَلُواكُمْ فِي الدِّينِ وَأَخْرَجُوكُم مِّن دِيَارِكُمْ وَظَاهَرُوا عَلَىٰ

إِخْرَاجِكُمْ أَن تَوَلَّوهُمْ وَمَنْ تَوَلَّهُمْ فَأُوْلَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Аллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан уришган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан – улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидир»

[Мумтаҳана 9]

Британия, Америка, Франция, Чор Россияси, Совет Иттифоқи ва постсовет Россия, яҳудий давлати, ҳатто Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар мусулмонлар ва бошқаларга нисбатан

даҳшатли, ақлга сиғмайдиган жиноятларни содир этишди. Дарвоқе, уларнинг ўнлаб йиллардан буён Ислом Умматига ва муслмон юртларга қарши содир этиб келаётган жиноятлари, жумладан, муслмонларни бўлиб парчалаш, кўчириш, қирғин ва қувғин қилиш каби ишлар ақли ва кўзи бор кишилар учун сир эмас.

Шубҳа йўқки, бу саволнинг узил-кесил жавоби муслмонлар қалъаси, яъни Халифалик давлатининг йўқлигидадир. Шубҳасиз, диндан ва Ислом мабдасидан узоқлашиш сабабли Умматда пайдо бўлган сиёсий онгсизлик унинг таназзулга учраб, қулашига олиб келди. Ушбу жирканч жиноятдаги катта улуш Британия ва Европа давлатларига тегишлидир. Ҳизб ут-Таҳрир Уммат учун Халифаликнинг кучли ва нуфузли бўлиб қайта барпо этилишидан бошқа нажот йўқлигини англаган ҳолда, ўзи ташкил топган кундан бошлаб бугунгача Халифаликни қайта барпо этишга қатъий қарор қилиб келди. Ҳизбнинг мустамлакачи Ғарб ва унинг хавфсизлик хизмати, шунингдек, малай ҳукуматлар томонидан фикрий, сиёсий ва хавфсизлик жиҳатидан қаршиликка учраши табиий эди. Ҳизбга қаршилиқ қилиш уни барча платформалардан (айниқса, оммавий ахборот воситаларидан) тўсишгагина чекланиб қолмади, балки Ислом юртлари ва бошқа жойлардаги барча платформаларга у ҳақида гапириш тақиқланди. Камдан-кам ҳолларни истисно қилганда, унинг номини тилга олмасликка буюрилди.

Биз муслмонлар Халифалик қулатилганидан кейин Ғарбнинг яна бир ҳийла-найрангига алдандик, бу ҳийла олдин айтиб ўтилганларидан ҳам кучлироқдир. Бу ҳийла қуйидаги алдовдан иборат: «Мустақил давлатларимиздаги ҳукмдорлар ўзимиздан. Ғарб уларни васвасага солиб, ўзининг манфаатлари учун ўзига оғдириб олган, холос. Шу сабабдан ўз халқлари ҳисобидан унинг манфаатларига хизмат қиладиган бўлиб қолишган. Уммат фаровонлиги ва ишларининг тартибга келиши ўша ҳукмдорларнинг йўлга тушиб олишларига боғлиқ. Нажот уларга бўйсуниб, тўғрироғи, уларга шерик бўлиш ва уларни инкор этмасликдадир. Чунки бу билан жонлар саломатлиги, мамлакатлар хавфсизлиги ва ватан барқарорлиги

таъминланади. Шу сабабли уларга қарши чиқиб, ҳокимиятдан ағдаришлик тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади».

Даҳшатли ҳақиқат шуки, бу ҳукмдорларнинг барчасини бошиданоқ мустамлакачи кофир ғарб пайдо қилди, етиштирди ва уларни ушбу роллар, яъни исломий халқларни бошқариш учун тайёрлади. Бунинг учун бу халқларни миллий тузилмалар қафасига, яъни муслмонлар учун шаръан ундан бошқа давлат бўлмаслиги керак бўлган Халифалик вайроналари устида пайдо қилинган қарам давлатлар қафасига солиб қўйди. Умматнинг аччиқ ҳақиқати ва унинг ғайриоддий, ачинарли аҳволи ҳақидаги бу тушунча ҳақида Ҳизб ут-Таҳрир гапириб келмоқда ҳамда бу тушунчадан келиб чиққан талабларни бажаришга ҳаракат қилмоқда. Яъни зарур бўлган ишлар ва ўнлаб йиллардан буён Ислом Умматида талаб этилаётган ўзгартиришлар ҳақида гапириб келмоқда. Ҳизб биладики, малай ҳукмдорлар ҳақида юқорида қайд этилган алдовлар ўша малайларнинг қўғирчоғи бўлган ёлланма уламоларга ҳам худди шундай даражада тааллуқлидир. Бу ёлланма уламолар ўзлари эгаллаб турган мансаб, яъни ўзларига юклатилган ролларни бажаришда ўша ҳукмдорларга тобедирлар. Қамоққа олинган Уммат ўнлаб йиллар давомида бу ҳукмдорлар ва уларнинг издошлари ғамхўрлиги остида барча даражадаги даҳшатли таназул ва ниҳоятда нотинч шароитларни бошдан кечираётгани ажабланарли эмас.

Улар шу йўл билан ғарбга хизмат қилишмоқда. Улар фикру туйғуси билан Уммат душманлари сафида, махфий ва ошкора хиёнат йўлига юриб кофир давлатларга хизмат қилишмоқда. Уларнинг ғарбдаги хўжайинлари билан яқин алоқада эканликларини ҳисобга олганда, уларни малайликдан ва кофирга бўйсунушдан юз ўгиришга, шунингдек, дарҳол Ислом билан ҳукм юритиб, шариатни татбиқ этишга мажбурлаш имконсиздир. Шаръан уларни мажбурий равишда қулатишдан бошқа чора йўқ. Бу эса, уларнинг ўрнига динни барпо этувчи кишиларни ўрнатиш мақсадида муслмонларнинг Аллоҳ Таолонинг буйруғига жавобан, сиёсий жиҳатдан Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари асосида уюшишлари орқали амалга ошади. Бу Уммат орқали, душман сафидаги эмас, балки муслмон армиялар сафидаги куч эгалари бўлган ўғлонларнинг нусрат

бериши орқали амалга ошади. Бизларга бирлигимиз, куч-қудратимиз ва азизлигимиз асоси бўлган динимиз билан ҳукм юритадиган кишини, яъни мусулмонлар халифасини барпо этиш учун ўз армиямиз сафидаги аҳли қувват йигитларимизнинг нусрат қўлини чўзишлари билан амалга ошади.

Улар шу тарзда душманлар билан тил бириктириб, Ислом ва мусулмонлар душманига хизмат қилишар экан, Ислом Уммати учун улардан яхшилик кутиш тўғрими?! Ҳолбуки, уларнинг барчаси кофир ғарбнинг ўзларига юкланган вазифаларига содиқ малайларидир.

Бироқ, буларнинг барчаси мусулмон юртларидаги ҳукмдорлар томонидан содир этилаётган бўлса-да, ҳатто айна пайтда аскарлар аксар мусулмон юртларидаги мавжуд режимларни қўриқлаш ролини адо этаётган бўлса-да, бу Уммат армиялари сафидаги ўғлонларнинг биздан эмаслигини англамайди. Чунки улар аслини олганда, ғарбга боғланган золим ва малай ҳукмдорларга садоқат кўрсатишларида фикрий ва сиёсий жиҳатдан алданган. Шунинг учун уларнинг компаси йўналишини тўғрилаш керак. Бунинг баёни қуйидагича:

Ҳақни ботилга, ботилни ҳаққа айлантирувчи носоғлом реализмнинг оқибатларидан бири шуки, реалистлар Росулulloҳ ﷺнинг давлатни барпо этиш борасидаги тариқатларига, яъни шаръий аҳкомга риоя қилувчи исломий ҳаракат ва ҳизбларни инкор этишади. Улар ушбу ҳаракат ва ҳизбларнинг ҳарбий қаноти йўқлигида айблашади.

Ҳақиқатда эса, ушбу реалистик ҳаракатларнинг аксарияти мустамлакачи кофир мусулмон диёрларга Халифаликнинг қайтишига йўл қўймаслик учун қўйган барча тузоқларга тушишди. Жанг қилишни давлат барпо этишнинг йўли сифатида қабул қилиниши мана шу тузоқлардан биридир. Чунки бу, аксарият ҳолларда, мусулмон юртлардаги аскарларга қаршилик кўрсатиш ва мунтазам армиялар билан тўқнашишдан бошқа нарсани англамайди. Бундан ташқари – ва бу энг муҳими – улар бу билан малай режимлар тузоғига ҳам тушиб қолишди. Чунки энди режимлар буюк жиҳод фарзини – гарчи у мусулмон юртларни кофирлар хавфидан ҳимоя қилиш бўлса ҳам – бажаришни зиммасига олишмайди. Энди жанг қилиш ёки

унга алоқадор бирон бир иш амалдаги ҳукмдорларга ва ҳатто бугунги кунда ушбу давлатлардаги мавжуд муслмон армиялар қўмондонларига юкланмайди. Шубҳасиз, бу даҳшатли хато! Бу уларни бу вазифадан озод қилишга, шунингдек, аскарлари муслмонлардан иборат мунтазам армиялар ўрнига қуролли қанот ва батальонлар ташкил қилишга ўхшайди.

Бу билан ушбу реалистик ҳаракатлар муслмон юртларнинг барча қитъаларида мустамлакачилар истаган аччиқ воқеликни ўрнатди. Бу аччиқ воқелик бугунги кунда муслмон жамиятлардаги ҳарбий куч манбаи бўлган армиялар ҳақида «Улар биздан эмас, аксинча, Ғарбдаги душманларга боғланган ҳукмдорларнинг сирдош дўстларидир. Шунинг учун улардан ҳеч нарса кутилмайди. Уларнинг вазифаси малай режимларни муслмонлар ғазабидан ҳимоя қилишдир, шунингдек, Умматнинг ҳақиқий душмани бўлмиш кофир Ғарб билан бўлган курашида қандайдир қарама-қаршилик юз берса, муслмонларни қирғин қилиш, қонини тўкиш билан бўлса ҳам уларнинг қулашига йўл бермасликдир. Бу муслмон юртларда ўнлаб йиллар давомида бир неча бор содир бўлди», деган садони беради. Бундай тушунчага кўра, бу армиялар бошқа тарафдадир.

Аслида эса, иш бундай эмас. Чунки армиялар сафидаги барча аскарлар Умматнинг барча ўғлонлари каби муслмонлардир. Бироқ, улардаги иймон чўғини алангалатиш фикр ва сиёсат билан Умматни уйғотиш учун ҳаракат қилаётганлар зиммасида. Масалан, миллатчилик ва ватанпарварлик каби ёт ғояларга зарба бериш орқали бошқа муслмонлар орасида Ислом жасоратини уйғотишга ҳаракат қилинганидек, Исломга асосланган сиёсий онгни ёйиш орқали уларда ҳам Ислом жасоратини уйғотишга ҳаракат қилиниши керак. Чунки Умматдаги муаммо фикрий ва сиёсийдир. Армиялар мустамлакачилар пайдо қилган миллий давлатлардаги кофирларга содиқ ва малай ҳукмдорлар режимларини қўриқлаш учун эмас, балки ҳақни ва ўзлари мансуб бўлган муслмон халқларни қўллаб-қувватлаш сари ҳаракатга келишга чақирилиши лозим. Бугун олдимизда муслмон жамиятлардаги кучлар мувозанатини Ислом давлатини барпо этиш томон ўзгартириш вазифаси турибди.

Зеро, туб ўзгаришни ва Уммат озодлигини кафолатловчи давлат Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлатидир. Аслида бу Ғарб қўрқаётган нарсадан ҳам қўрқинчлироқдир. Мижжа қоқмай, тиним билмай ишлаётган асбоб-анжомлари орқали унинг юз беришидан сақланаётган энг ваҳимали иш ҳам Ғарб учун мана шудир. □

ҒАЗО: ЯХУДИЙЧА ХАЁЛЛАР УРУШИ ВА БУЮК ЯХУДИЙ ДАВЛАТИ ОРЗУСИ

Доктор Муҳаммад Жийлоний

Ғазо, Рафаҳ ва Шимолий Фаластинда яҳудий вужуди олиб бораётган уруш Ҳамас томонидан 2023 йил 7 октябрда бошланган «Ақсо тўфони» амалиётига жавоб ва қасос эканига ҳеч ким ишонмайди. Уруш бошида яҳудий вужудига нисбатан ҳамдардликлар бўлганига қарамай, кейинроқ давлатлар, муассасалар, касаба уюшмалари, университетлар ва якка шахслардан иборат халқаро ҳамжамият яҳудий вужудини геноцид хатти-ҳаракатларида айблай бошлади. Болалар, аёллар ва қарияларни қирғин ва қатл қилиш, мактаб, шифохона ва масжидларни вайрон қилиш каби уруш жиноятларини содир этгани учун амалда қораланди. Яҳудийларнинг бу хатти-ҳаракатлари ва жиноятлари «Ақсо тўфони» амалиётига интиқом бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам душман бош вазири ҳарбий жиноятчи сифатида қораланди. У фашист Гитлерга ва серб Милошевичга қиёсланди. Яҳудий вужуди бугунги кунга қадар жинойий урушни тўхтатишга қаратилган уринишларни рад этмоқда ва бундай ҳаракатлардан ўзини олиб қочмоқда. Хўш, ушбу шафқатсиз уруш ва қабиҳ жиноятнинг асл сабаблари нима? Кутилаётган натижалар қандай?

1 – Фаластинда яҳудий вужудини пайдо қилиш турткилари ва сабаблари

Фаластинда яҳудий вужудини тузиш Британия ташқи ишлар вазири Балфур декларациясига бориб тақалади. Декларация матнида сионистик яҳудий ҳаракатига Фаластинда Фаластин аҳли билан шерикликдаги миллий ватан бериш масаласи айтилган ва Фаластин аҳлининг асл фуқароларига нисбатан ҳеч қандай камситиш аломатлари кўринмаслиги шарт қилинган. Миллатлар Лигаси Балфур резолюциясини қабул қилиб, вакил давлат Британияга амалда яҳудийларни Фаластинга кўчишларини енгиллатишни тавсия қилди. Британия яҳудийларни кўчишга рағбатлантиришни, кўчиш ва Фаластинда жойлашишни қулайлаштиришни ўзига мақсад қилиб қўйди. У Фаластин ҳукумати чиқарадиган ҳужжатларга иброний тилини ҳам қўшимча қилди. Шундай қилиб яҳудийларни Фаластинга кўчиб кетишга ундаш мақсадида Иккинчи жаҳон урушидан

ҳамда европалик яҳудийлар орасида уларни қирғин қилиш тўғрисида ваҳима тарқатишдан фойдаланилди. Бу Британия хоҳлаган, яҳудийлар ва фаластинликларни ўз ичига оладиган, сионистик ҳаракатга сиёсий раҳбарликни таъминлайдиган давлатнинг пойдевори эди. Яҳудий вужудини расман тузиш ва уни БМТга тақдим этишдан олдин Америка бу масаланинг Оқ китоб деб аталган бошқа бир ечимини тақдим этди. Бу ечим БМТнинг 181-сонли резолюциясини ўз ичига олган бўлиб, унга кўра Фаластинда икки давлат ташкил қилинади. Бири яҳудийларга тегишли бўлиб, у Фаластин ерларининг 42 %ини эгаллайди, иккинчиси фаластинликларга тегишли бўлиб, 56 % ер майдонини эгаллайди. Қолган 2 % ер халқаро майдон саналиб, у ерларга Қуддус ва Байт Лаҳм киради. Яҳудийлар ва сионистик ҳаракатлар бу резолюцияни бўлажак давлатларининг биринчи босқичи сифатида қабул қилган бир пайтда араблар, жумладан Араб давлатлари лигаси уни рад этди. Арабларнинг бу резолюцияни рад этишларининг асосий сабаби уларнинг биринчи лойиҳа соҳиби Британияга қарамлигидир. Чунки Британия Америка лойиҳасида ўзининг минтақадаги манфаатлари ва нуфузига таҳдидни кўрди.

2 – Дастлабки кўчириш

Фаластинда ҳарбий истило ҳамда Британия ва унга қарам давлатлар, яъни Миср, Иордания ва Фаластин томонидан уюштирилган фитна орқали (Исроил) деб аталмиш янги вужуд ташкил қилинди. Бунга яна (Исроил) давлатини тузиш ҳақидаги БМТ резолюцияси ҳам сабаб бўлди. Катта давлатлар ва БМТ бу янги вужудни тан олди. Бу вужуд Ғазо ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан ташқари Фаластин ерларининг катта қисмини эгаллади. Ғазо эса, идорий жиҳатдан Мисрга қўшиб юборилди. Ўша вақтда Миср Британия нуфузи остида бўлиб, унга қирол Форук ҳукмронлик қиларди. Иордан дарёсининг ғарбий соҳили Британия истилоси ва нуфузига бўйсунган, Ҳошимий Иордания мамлакати деб аталмиш Шарқий Иорданияга қўшиб юборилди. Яҳудий вужуди ўз олдига 750000дан ортиқ фаластинликни Ғарбий Соҳил, Ғазо, Ливан, Сурия ва Иорданияга кўчириб юборишни мақсад қилиб қўйди. Шунда яҳудийлар босиб олинган Фаластинда аксар аҳолини ташкил этади. 1948 йил кўчирилганларга «қочоқлар» номи берилди. Қочқинлар лагерларига кўчирилганларнинг ишлари

билан шуғулланиш учун махсус «Қочқинларга ёрдам бериш агентлиги» тўзилди. Яҳудийлар бошиданоқ Фаластиндаги аҳоли таркиби яқин вақтлар оралиғида фаластинликларнинг фойдасига ўзгаришини, кучлироқ тахминга кўра 2050 йилга бориб фаластинликлар сони яҳудий давлати аҳолисининг ярмидан ошишини англаб етишган. Ушбу кенг кўламдаги тез ўзгариш яҳудийларнинг тинчини бузган, уларни доим қўрқувга солган. Ғазо уруши мобайнида уларнинг етакчилари буни яққол эътироф этишди: «Албатта биз олиб бораётган бу уруш ҳаёт-мамонт масаласидир, бу уруш бизни ё бор ёки йўқ қилади».

3 – Иккинчи кўчириш

1967 йил яҳудий вужуди Фаластиннинг қолган ерини, яъни Ғазо ва Ғарбий Соҳилни ҳам босиб олди. Бундан иккинчи кўчириш келиб чиқди. Ғарбий Соҳил ва Ғазодан 250 мингдан зиёд киши кўчирилди. Улар орасида 1948 йилги қочқинлар ҳам бор эди. 1967 йил июн урушидан кейин кўчирилганларга 1948 йилги қочқинлардан ажралиб туришлари учун «эмигрант» номи берилди. Эмигрантларнинг аксарият қисми Иорданияга кўчирилди. 1993 йилги Осло келишувидан кейин Ғарбий Соҳил ва Ғазо сектори бошқаруви расман Фаластин маъмуриятига топширилди. Бу минтақаларда босқинчилар армияси доимий ёки вақтинча бўлишдан қатъий назар бу минтақалар умуман олганда босқинчи ҳукмронлигига бўйсунар эди. Кейинчалик Ҳамас ҳаракати Ғазодаги сайловлар натижасига кўра ҳокимиятга келди ва бу Ғазода Ҳамаснинг нуфузга эга бўлишини таъминлади. 2014 йил босқинчи яҳудий ўз қўшинларини Ғазо секторидан бир томонлама ва ҳеч қандай келишувсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мақсад, гарчи у ерда қўшини бўлмаса ҳам, расмий ва амалий жиҳатдан секторнинг ишғолчиси бўлиб қолавериш.

Босқинчилар Ғарбий Соҳилда 700 мингдан ортиқ яҳудий жойлаштирилган ярим доимий турар-жойлар қуришди. Бу турар-жойлар Ғарбий Соҳилдаги Фаластин маъмуриятига бўйсунмасди. Шундай қилиб, яҳудий вужуди Фаластин аҳолисини ўз ерларидан икки марта кўчиришга эришди. Ҳозирда Фаластин ерларидан ташқарига кўчирилган фаластинликлар сони 3 миллиондан ортади. Ғарбий Соҳилдаги Фаластин аҳолиси мулкларини зўрлик билан тортиб олиш ва у

ерларга турар-жойлар қуриш натижасида Ғарбий Соҳилга қарашли 20 %дан озроқ ер майдони қолди, холос.

Яҳудий вужуди Фаластин ерларини денгиздан дарёгача тўлалигича (Исроил) давлати деб ҳисоблайди. Маҳаллий ва халқаро сиёсий шароитлар, хусусан, минтақада нуфуз учун олиб борилган Британия-Америка кураши Фаластин ерида, гарчи қисман бўлса ҳам, фаластинликларнинг вужуди бўлишини тақозо этди. Шунинг учун барча фаластинликларни бирданига кўчириб юбориш амалга оширилмади.

4 – Учинчи кўчириш

Ҳозирда фаластинликларни учинчи бор кўчириш ҳақидаги гап яна кўтарилди. Унга кўра, Фаластинда қолганларнинг катта қисми – 1948 йил босиб олинган ҳудудларда бўладими ёки 1967 йил босиб олинган ҳудудлардами – кўчирилиши кўзда тутилган. Яҳудий вужуди бутун Фаластин заминида ўз давлатини барпо этиш ва қолган фаластинликларни ҳам у ердан сиқиб чиқариш мақсадига эришиш учун ҳаракат қилишдан тўхтамайди. 2022 йил 7 октябрда «Гаарец» газетаси «2023 Накба сценарийси: икки кунда 200 минг арабни (Исроил)дан қувиб чиқариш» номли мақола нашр қилди. Мақолада айтилишича, «Ликуд етакчилари ва яҳудий қўшинлари (Исроил) арабларини кўчириб юбориш борасидаги режаларини яширишмайди». Бен Гвир «(Исроил) ерларидан (Исроил) душманларини сиқиб чиқариш» учун ишлайдиган «кўчиришни рағбатлантириш миллий ҳайъати» тузишга ваъда берди. Доктор Майкл бен Ари «яҳудийлар сўйилганда томларда рақсга тушадиган Уммул Фаҳм арабларини кўчириб юборишни рағбатлантиришга ҳаракат қилажagini эълон қилди». «Гаарец» газетаси кўчириш операцияси режасини эълон қилди. Унга кўра, мудофаа қўшини ҳузурида икки кунда 200 мингдан зиёд кишини кўчириб юбориш механизми мавжуд. Операция Сурия ва Ливанда урушлар келтириб чиқаришдан бошланади. Натижада (Исроил) Ҳизбуллоҳ томонидан ракета ва учувчисиз самолётлардан қилинган ҳужумларга дучор бўлади. Яҳудий армияси ҳаракатланиб, араб қишлоқларидан ўтаётганда унинг машина ва техникалари араб фуқаролар томонидан Молотов коктейли ва тошлар билан қилинган ҳужумларга дучор бўлади. Натижада, яҳудий кучлари ўзларининг босқинчи армияси ҳаракатларига тўсқинлик

қилмаслиги баҳонасида мажбурий кўчириш ишларини олиб боради. Икки кун ичида 200 минг фаластинлик Ғарбий Соҳилга кўчирилади. Накба сценарийсига кўра, кўчириш жойи кўпроқ Жанин лагери бўлиши мумкин. Гаарецда нашр этилган мақола муфассал бўлиши шарт эмас, лекин у босиб олинган Фаластиндаги яҳудий етакчиларининг фикрлаши ва ниятларини ҳамда кўчириш уларнинг доимий ғояси эканини очиб беради. Энг охирида фаластинликлар Иорданияга кўчирилиши эҳтимолдан холи эмас. 2023 йил 6 январда Хавфсизлик Кенгаши кулуарларида содир бўлган воқеа – яҳудий элчисининг Иорданиянинг Ғарбий Соҳилни босиб олганлиги ҳақидаги иддаоси яҳудий вужудининг истак ва ниятларини очик ва расмий турда изҳор этиши дебочаси эди. Шундан кейин яҳудий вужудидаги вазир Иорданиянинг катта қисмини ўз ичига олган (Исроил) харитасини кўрсатган эди.

Кейин, Американинг миллиондан ортиқ ғазоликларнинг ғазодан мажбуран кўчирилишини маъқулламаслигини қайта-қайта эълон қилиши бу яҳудий вужудининг бу урушдаги мақсадларини яққол кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Бу мақсадларнинг энг муҳими Фаластинни аҳолисидан бўшатиш ва бутун Фаластин заминида яҳудий давлатини қуриш ҳамда Фаластинни соф яҳудий давлати деб санашдан иборатдир. Американинг «мажбурий» кўчиришни рад этишини эълон қилишига қарамай, Байден 2023 йил 7 октябрдан сўнг яҳудий вужудига қилган биринчи ташрифи чоғида яҳудий давлатининг ортида эканини очиқчасига таъкидлаган эди: «Мен (Исроил)да яҳудий давлатини барпо этилишини қўллаб-қувватлайман». Бундан ташқари, Американинг ўзи таъкидлаётганидек, у мажбурий кўчиришга қарши, мутлақ кўчиришга эмас. Шубҳасиз, бундай сўз ва ибораларни танлаш ҳам сиёсий алдов қуролларидандир.

Албатта фаластинликларни учинчи марта кўчириш шунчаки ташвиқот эмас, балки, у жиддий фикрлашдир. Айниқса, яҳудий етакчилари Америка Эрон ва Ироқдан инглиз таъсирини йўқ қилиб, Саудияда ўзининг кучли нуфузини яратиб олишга ҳамда Туркияни ҳам ўзига жалб қилишга муваффақ бўлганидан кейин янги Яқин Шарқни қуриш жараёнини бошлашини билишади. Демак, яҳудийлар вақт уларнинг фойдасига ишламаётганини кўришмоқда. Улар ўз давлатларининг яҳудийлигини сақлаб

қолиш учун зарур бўлган ишларни қилишни, Ғазо ва Ғарбий Соҳил қирғоқларида ҳамда ичкаридаги фаластинликлардан кутиладиган ҳар қандай хатардан халос бўлиш учун керакли бўладиган барча чора-тадбирларни қўллашни лозим деб билишади.

5 – Икки давлат ечими: Америкача тасаввур

1967 йил июн урушидан кейин Хавфсизлик Кенгаши Британия элчиси Лорд Карадон ишлаб чиққан 242-резолуцияни эълон қилди. Резолуция яҳудий қўшинларини босиб олган айрим ерлардан олиб чиқиб кетишни таъкидлайди. Бироқ, бу ерлар қайси ерлар эканини ҳам, қўшинларни олиб чиқиб кетиш учун лозим бўлган вақтни ҳам аниқ кўрсатмайди. Шунинг учун бу резолуцияни ижро этишдан ҳеч нарса чиқмади. 1969 йил Америка 242-сонли резолуцияга муқобил вариантни тақдим этди. Кейинчалик бу резолуция «Рожерс лойиҳаси» номи билан машҳур бўлди. Бу лойиҳа доирасида икки давлат ечимини қайта жорий этиш назарда тутилган. Бироқ, бу таклиф Британия ва минтақадаги унинг малайлари позицияси билан яна бир бор тўқнаш келди. Америка 1973 йилги урушдан кейин икки давлат масаласини ҳал этишни яна бир бор таклиф қилди. Ўшанда Америка Мисрни босқинчи яҳудий давлати билан қарама-қаршиликдан олиб чиқишга муваффақ бўлган эди.

Америка қайтадан икки давлат масаласини ҳал этишга шароитлар муносиб деб топди. Президент Байден бошчилигидаги америкалик расмийлар уруш тугагандан кейин икки давлат ечими устида бевосита ишлаш лозимлигини таъкидлашди. Буни босқинчи яҳудий давлати ҳар доим рад этиб келади. Фаластин давлати барпо этилишини ўзининг мавжудлигига доимий таҳдид деб билади.

Америка олдин бу икки давлатнинг ўзига хослиги ва чегаралари бўйича хусусиятларини аниқ белгиламаган эди. Аммо энди у яҳудийларнинг давлати яҳудий бўлиши керак деган фикрда улар билан ҳамфикр эканини очиқ айта бошлади. Яъни фуқаролари фаластинликлар бўлган бошқа бир давлат муқобилида бу давлатнинг фуқаролари фақат яҳудийлар бўлади. Давлатнинг яҳудийлиги бу босқинчи вужуднинг асосий талабига айланди. Бундай давлатни эълон қилиш ва у ҳақда ҳар-хил йўллар билан, очиқчасига гапириш аниқ бўлиб қолди.

Айниқса, босқинчи вужуднинг демографик таркиби 20-30 йил ичида фаластинликлар фойдасига бўлгач. Байден яна бир бор демократик яҳудий давлатига урғу берди ва ҳатто Яқин Шарқдаги барқарорликни тан олинган яҳудий давлати мавжудлиги билан боғлади. Унинг ташқи ишлар вазири ҳам буни қайта-қайта такрорлади. Яъни Ғазо уруши илгари яширин бўлган баъзи нарсаларни эълон қилиш учун қулай шароит яратди. Шунингдек, яҳудий вужуди ҳам ўз давлатининг ўзлари истаган чегаралари ҳақида аста секин очиқ айта бошлади. Фаластинликларнинг 1948 йил босиб олинган қисмидан кўчирилиши ҳақидаги гаплар Гаарец мақоласида очиқ муҳокама қилинган бўлиб, бу ҳақда юқорида, мақоланинг 4-бандида сўз юритилди. Ғазога қилинган ҳужум асносида такрор ва такрор айтилаётган Ғазо аҳлини Синайга, Ғарбий Соҳил аҳлини Шарқий Иорданияга кўчириш ҳақидаги сўзлар яҳудийларнинг режаларига очиқ далолатдир. Бундан ушбу режаларни амалда ижро қилишдан тўсиш учун унинг қаршисида турадиган ҳақиқий куч йўқлиги кўринади. «AmmonNews» хабарига кўра, Фаластин маъмурияти раиси Маҳмуд Аббос бундай деган: «Ғарбий Соҳил аҳолисини Шарқий Иорданияга кўчирилишидан хавотирдаман». Аббоснинг хавотирини ўринсиз деб бўлмайди. Америкага келсак, у кўчиришни рад этишини эълон қилган пайтда кўчиришнинг мажбурий ёки ихтиёрийлигини ўзи хоҳлагандай изоҳлаш учун «мажбурий кўчириш» сўзини қўшади. Шунингдек, у Ғазони қайта босиб олиниши ва буни рад этиши ҳақида гапирганда, унга «узоқ муддатли ишғол» иборасини қўшади. Шарҳловчилар нима деса десинлар. Бироқ, маъно шарҳловчининг эмас, сўзловчининг қалбида бўлади.

Гоҳо Иордания ва Фаластин доираларида Иордания Фаластин учун муқобил ватан эканлиги ҳақида такрорланаётган гаплар бу масала глобал разведка ва воқеалар ривожини назорат қилувчи органлар коридорларида муҳокама қилинаётгани ҳақидаги маълумотларнинг мунтазам сизиб чиқишидан бошқа нарса эмас.

Хуллас, бугунги кунда яҳудий вужуди модомики, унда кўп сонли фаластинлик араблар мавжуд экан ва 2050 йилга бориб уларнинг сони 50 %дан ортар экан, «Икки давлат ечими»ни кескин рад этади. Икки жуғрофий бирликда, яъни яҳудий

вужудининг ғарбий қанотидаги Ғазода, шарқий қанотидаги Ғарбий Соҳилда фаластинликларнинг мавжудлигини ўзлари учун таҳдид деб билишади. Шунинг учун Нетаняху давом этаётган урушни йўқотишлар ҳажмига қарамай, яҳудий вужудининг мавжудлигига алоқадор тақдирий уруш деб оқламоқда. Эҳтимол яҳудийларнинг ўз вужудларини яҳудийлаштириш ва Фаластин аҳолисини на давлат ичида ва на икки қанотида мавжуд бўлишига йўл қўймаслик ўта зарурлиги ҳақидаги қараши Американи бу вужудга ўз урушида арқонни узун ташлайдиган ва унга ҳафталар ёки ундан ҳам кўпроқ муҳлат берадиган қилиб қўйгандир. Токи Америка ўзи интилаётган нарсага эришсин, эҳтимол шунда у икки давлат ечимини амалга оширишда муваффақият қозонади.

Американинг икки давлат ечими зарурлиги ҳақидаги талаби, БМТ кулуарларида Фаластин давлатини тан олиш ҳақида бўлаётган гаплар шубҳасиз, Американинг яҳудий вужуди ва Фаластин масаласига алоқадор стратегиясини яққол намоён этмоқда. Фаластинни тан олиш ҳақидаги гаплар 2024 йил 20 майда Норвегия, Швеция ва Ирландияда ҳам айтилган эди. Яҳудий вужуди томонидан олганда Америка бу давлатни арконлари мукамал, ўзининг аниқ чегарасига ва ўзлигига эга, ўз вужудининг мавжуд бўлиши учун аниқ ғояга эга ҳамда Яқин Шарқ минтақасининг ажралмас бўлаги бўлган давлат сифатида кўришни истайди. Аммо иккинчи давлат Фаластинга келсак, шубҳасиз Америка бу давлатнинг барпо бўлишини ва унинг чегаралари ва жуғрофий ўрни белгилангандан кейин халқаро ташкилотларда қонунийлаштирилишини Фаластин заминида яҳудий давлати барпо этилгандан буён Фаластин муаммоси деб аталаётган нарсага чек қўйиш деб билади. Шунда Фаластин – яҳудий вужуди ичида бўладими, Сурия, Ливан, Иордания каби фаластинликлар кўчирилган давлатларда бўладими, Ғазо ва Ғарбий Соҳил ҳудудида бўладими ёки араб дунёсидан ташқаридаги кўчирилган давлатларда бўладими – барча фаластинликларнинг давлати бўлади. Яъни бу давлат Фаластин давлати сифатида ташкил этилиши ва Фаластин халқи, айниқса Фаластин маъмурияти ва унинг қошидаги «Фатҳ» ва бошқа нуфузли ташкилотлар, Ғазо ва Ғарбий Соҳилдаги Ҳамас, «Жиҳод» ва бошқа қаршилик ҳаракатлари томонидан қабул қилиниши лозим. Шундай қилиб, Иордания, Сурия, Ливан,

Ғазо, Ғарбий Соҳил ва дунёнинг турли бурчакларидаги лагерлардаги фаластинликларнинг қочқинлик мақоми бекор қилинади.

Фаластин аҳли яҳудий вужуди давлатини тўлиқ тан олиш эвазига Фаластин давлати барпо этилишини қабул қиладими? Шу пайтгача, қаршилиқ ҳаракати ва Фаластин маъмуриятидаги барча гуруҳлар томонидан қабул қилинмаганлигига ҳеч қандай ишора йўқ. Тўғрироғи, барча Фаластин гуруҳлари, бу давлатнинг чегараси, ўзлиги ва мустақиллигини белгиламаган ҳолда, уни тан олишга қарор қилган давлатлар қарорларини олқишлашди.

Яҳудийларга келсак, улар Фаластин деб аталмиш давлатда фаластинликлар учун бир вужуд бўлишини қабул қилмасликда қаттиқ туришибди. Эҳтимол, яҳудийлар бу билан яҳудий давлати куч билан ёки аҳолисини кўчириш билан ўзига қўшиб олиш учун ҳаракат қилаётган ерда, яъни Ғазо ва Ғарбий Соҳилда ташкил этиладиган давлатни назарда тутган бўлиши мумкин. Лекин яҳудий вужуди Иорданияда тўлиқ Фаластин давлатининг барпо этилишига асло қарши чиқмайди. Шунингдек, аҳоли пунктлари қурилган энг катта қисми узиб ташлангандан кейин Ғарбий Соҳилнинг қолган қисмида тикланишига ҳам қарши чиқмайди. Айниқса, агар бу давлат Иордания билан федерал ёки конфедерал иттифоқ орқали чамбарчас боғланган бўлса. Зеро, иккала ҳолатда ҳам бундай давлат ҳокимиятнинг ҳеч қандай шаклига эга бўлмайди.

Хуллас, Америка яҳудий вужуди қонунийлигини тасдиқлаш ва уни янги Яқин Шарқ тизимининг ажралмас қисмига айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, қочқинлар лагерларидаги Фаластин аҳлини сиғдира оладиган, фаластинликлар учун давлат шаклидаги бир вужуд ташкил қилишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан қочқинлар масаласи ва Фаластин заминига қайтиш ҳуқуқи барҳам топади. Фаластинга қайтиш талаби бундай ечимда Фаластин аҳли қабул қилган Фаластин давлатига қайтишни талаб қилиш билан шарҳланади. Бу давлатнинг Ғарбий Соҳилдан қолган қисмида, Иордания билан конфедератив бўлган қисмда ёки муқобил ватанга айланган Иорданияда бўлишининг фарқи йўқ. Икки давлат ечими шундай шаклда бўлади: бири жуда кучли яҳудий давлати, иккинчиси жуда заиф, иродасиз Фаластин давлати. Бу

ечим Фаластин аҳли учун ҳалокат, муслмонлар учун шармандалик ва босқинчиликнинг ўзидан ҳам кўра ёмонроқ мусибат бўлади.

Бутун Фаластин заминида ёки унинг катта қисмида яҳудий вужудини тан олишдан маккор, очкўз ва фирибгар яҳудийлар (Исроил) ерларида фаластинликларнинг мавжудлиги аслида ноқонуний, улар Фаластин деб аталган (Исроил) ерини босиб олишган, деган гапларни тарқатишда фойдаланишади! Бунга ўхшаш сценарийни босқинчи яҳудий вужудининг ҳарбий вазирларидан бири таклиф қилган эди. Унинг даъво қилишича, Иордания Ғарбий Соҳилни ўзига қўшиб олиши орқали уни босиб олган. Яҳудийлар эса, уни Иордания истилосидан озод қилишган. Эҳтимол, яҳудийлар Иорданиядан ва ўз давлати вакили бўлган фаластинликлардан товон пули талаб қилиши ҳам мумкин. Буни яҳудийлардан кутса бўлади.

6 – Америка ва янги Яқин Шарқ лойиҳаси

Америка яҳудий вужуди барпо этилганда уни араб давлатлари, жумладан Фаластин тан олиши – бу вужуднинг ирқи ва дини яҳудий, тили иброний бўлган бир вақтда – дини Ислом, тили ва миллати араб бўлган давлатлар орасида табиий равишда асло қабул қилинмаслигини жуда яхши билади. Шунинг учун янги геосиёсий имтиёзга эга бўлган янги сиёсий тузум лозим бўлди. Байден: «Яҳудий вужудини минтақа давлатларининг барчаси тан олмаса ва у билан муносабатларни нормаллаштирмаса, Яқин Шарқда асло барқарорлик бўлмайди», деган вақтда Америка худди шуни назарда тутган. Яқин Шарқ минтақасини барпо этиш бир неча сабабларга кўра АҚШнинг стратегик ғоясидир. Бу сабабларнинг энг муҳими яҳудий вужудини сиёсий жиҳатдан, АҚШ стратегик мувозанатни сақлаб туришга ҳаракат қиладиган минтақанинг бир қисмига айлантиришдир. Яҳудий вужудига қўшимча АҚШ Эрон ва Туркияни ҳам Яқин Шарқ минтақасининг бир қисмига айлантиришга ва уларнинг ҳар бирига муҳим рол беришга ҳаракат қилади. АҚШ Ироқни босиб олгандан кейин қилинган Бейкер Гамилтон ҳисоботида Яқин Шарқ лойиҳаси доирасида Эрон ва Туркия муҳим рол ўйнаганлиги айтилади. Айниқса, Эрон 1979 йилги инқилобдан бери минтақада ягона ўйинчига айланди. Бу эса дунёдаги биринчи давлатга ўзига хос сиёсати билан ажралиб туришида юк бўлди. Шу каби Европа

Иттифоқига қўшила олмаган Туркия ҳам минтақада ягона бўлиб қолди. Шунинг учун АҚШ янги Яқин Шарқни барпо этишга ҳаракат қилмоқда. Унда яҳудий вужуди, Эрон ва Туркия билан бир қаторда Осиё ва Шимолий Африкадаги араб давлатлари бўлади. Эрон ва яҳудий вужуди орасида бўлиб ўтган икки чекланган операция икки давлатни (Исроил ва Фаластин), барпо этилиши кўзланаётган минтақанинг бир қисмига айлантиришнинг дебочаси бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, яҳудий вужуди ва Ҳамас орасида бўлаётган музокараларга Туркияни аралаштиришга уриниш ҳам янги Яқин Шарқни барпо этишдаги АҚШ лойиҳасидир. Бунга Яқин Шарқдаги миллий стратегик мувозанатнинг муҳимлигини ҳам илова қилиш лозим. Модомики, яҳудий вужуди каби оммавий қирғин қуролига эга биргина давлат мавжуд экан, бундай мувозанатнинг табиий шаклда вужудга келиши асло мумкин эмас. Шунинг учун АҚШ Эроннинг ядровий қувватга эга бўлиши учун уни ҳимоя қилишга доимо интилиб келди. Яҳудий вужудини унинг ядровий иншоотларига зарба беришдан ҳамиша қайтариб келди. Мана шунда стратегик мувозанат мавжудлиги сабабли минтақада ўз нуфузини кенгайтириш учун ядро қуролидан фойдаланиш имконияти йўқолади. АҚШ Ҳиндистондан кейин Покистонга ядро қуролига эга бўлиш имкониятини яратганда ҳам шундай бўлган.

Хуллас, АҚШ бугунги кунда Яқин Шарқда олиб бораётган сиёсий ҳаракатларида минтақада ўзининг мутлақ гегемонлигини таъминлайдиган, Британия каби бошқа ҳар қандай давлатнинг нуфузига йўл қўймайдиган, Яқин Шарқнинг сиёсий харитаси ҳақидаги ўзининг аниқ тасаввурига биноан иш юритади. У ўзи хоҳлаган минтақани яратиш учун астойдил ҳаракат қилди. Муаммоларни бирма-бир ечишга интилди. Жумладан, у 1979 йили Британия нуфузини Эрондан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Эрон жумҳуриятида ўз нуфузини яратди. Ироқни босиб олди ва ундан ҳам узоқ йиллик Британ нуфузини сиқиб чиқарди. Қирол Фаҳд, ундан кейин Салмон ва ўғли тахтга келганидан кейин Саудияда ҳам ўз нуфузини мустаҳкамлади. Сурия халқининг ҳамият ва шавкати синдиришга ҳисса қўшди. Бу 1973 йилги урушдан кейин Киссенжер ҳисоботида қайд этилганидек, яҳудий вужудини тан олиш олдидаги енгиб бўлмас тўсиқ эди. У Британиянинг кучли

таъсирига эга бўлган Форс кўрфази давлатларида ҳарбий базалар очишга эришди. Минтақадаги энг катта ер майдонига эга бўлган Судан давлатини бўлиб юборишга интилди. Бугун у Шимолий Африкада ўз нуфузини ёйиш ва у ердан Британия ва Франция нуфузини сиқиб чиқариш учун қаттиқ ҳаракат қилмоқда. Бу муаммоларни бирма-бир ҳал қилиш янги Яқин Шарқ минтақасини барпо этиш учун ўта зарур ва муҳимдир. Эҳтимол, АҚШ ғазода бўлаётган уруш янги минтақани барпо этиш операциясидаги бошқа муаммони ҳал қилишга олиб келишини кўра бошлади. Бу эса, унинг воқеалар ривожига соат сайин сиёсий ва ҳарбий қизиқишини орттиради. Шунинг учун АҚШ сиёсатчилари минтақани уруш бошланганидан буён бир кун бўлса ҳам, тарк этишмади.

7 – Кейин нима бўлади?

Мақола бошланганидан буён воқеалар ривожининг энг муҳим, энг нозик ва энг таъсирчан омилига тўхтаб ўтилмади. Бу минтақа халқлари иймон келтирган, минтақада илдиз отган ҳамда воқелардан таъсирланувчи эмас, балки уларга ўз таъсирини ўтказувчи эътиқодий мафкура сифатидаги Ислом омилидир. Шундай муҳим омилни мақоланинг ниҳоясида қайд этилишининг сабаби шундаки, биз сиёсий ҳаракатлар ҳамда улардан келиб чиққан ва халқаро режаларга қарши ҳарбий ҳаракатлар араб, турк, Эрон халқларининг бу мабдага иймон келтириши билангина амалга ошмаслигини тушунтириб ўтишни хоҳладик. Шунингдек, воқеа ва ҳодисалар ривожига фақатгина Ислом мабдаси ягона ҳукмрон бўлиши шартлигини ва бир томондан воқеалар ривожини бошқаришга бўлган қудратга эга бўлиши, иккинчи томондан ўзига хос режа ва хатти-ҳаракатларни янгилаб туриш лозимлигини баён қилмоқчи бўлдик. Зеро, 1924 йил Исломиий Халифалик ағдарилгандан бошлаб то бугунгача минтақада юз бераётган ҳодисалар мутлақо Ислом мабдасидан ва унинг тутган ўрнидан узоқлашган ҳолда рўй бермоқда. Шунга қарамай, исломий қадриятлар, Аллоҳга ва Ислом ақидасига мутлақ иймон келтиришдан келиб чиқадиган қийматлар Уммат орасидаги шахсларда – айниқса, уларга уфқлар торайиб, дунё тор бўлиб қолган пайтларда – аниқ ва яққол кўриниб турибди. Ғазо урушида аниқ намоён бўлган сабр мусулмонлар қаршисида кофирларни даҳшатга солди. Темирларни эритиб юборадиган

кучли ирода кўфр лашкарларини ҳайратга солди. Сиёсий жиҳатдан ҳамда АҚШ ва унинг малайлари режаларига қарши туриш жиҳатидан олганда эса, мавзу умуман бошқачадир. Гарчи, минтақада кучли шаклда ҳаракат қилувчи тўлқинлар мавжуд бўлса ҳам, шунингдек, Ислонни мукамал низоми ва аниқ тариқати билан биргаликда асл мабда сифатида ҳаётга қайтаришга интилаётган кучли ва саботли тўлқин мавжуд бўлса ҳам Ислоннинг куллий ақида ва мукамал мабда сифатида бугунги ишларга ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлиб қолмоқда. Ушбу кучли ва саботли тўлқин ҳақида гапирар эканмиз, бундан ислоний ҳаётни қайта бошлаш ва сиёсий Халифалик низомини қайта барпо этиш учун қилинаётган фаолиятни назарда тутяпмиз. Зеро, Халифалик низомини Росулulloҳ ﷺ рофиқул аълога риҳлат қилишларидан олдин кенг қамровли, аниқ, кучли ва таъсирчан низом сифатида қолдириб кетганлар. Дарҳақиқат, у зот бу ҳақда шундай дейдилар:

«تَرَكْتُكُمْ عَلَى الْبَيْضَاءِ لِيَأْخُذَ بِهَا كُنْهَارُهَا لَا يَبْرِيغُ عَنْهَا بَعْدِي إِلَّا هَالِكٌ»

«Мен сизларни тунлари худди кундузидек оппоқ йўлда қолдирдим. Мендан сўнг бу йўлдан фақат ҳалокатга гирифтор бўлган одамгина тойилади». Яна дедилар:

«وَسَتَكُونُ خُلَفَاءَ فَتَكْتُمُونَ»

«Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади». Яна бундай дедилар:

«مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النَّبِيِّ»

«Сўнгра пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади».

Росулulloҳ ﷺ ҳукм юритиш борасида кўрсатиб берган ҳамда муслмонлар Абу Бакр Сиддиқдан бошланиб, муслмонларнинг охириги халифаси билан ниҳоясига етган Халифалик низоми уфқларда кўрина бошлади. Унинг нури қоронғи зулматлар орасидан порлай бошлади. Шубҳасиз, Ислонни, пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни иккинчи бор намоён бўлиши мезон ва ўлчовларни бутунлай ўзгартириб юборади. Натижада, Фаластинда яҳудий вужудини тан олиш супуриб ташланади ва у денгизлар қарига улоқтирилади. Британия ва Франция ўрнатган, АҚШ қайта тартибга солган чегаралар янги тарих харитасидан бутунлай ўчирилади. «Жаҳон Банки» ва Ғарбнинг

бошқа мустамлака қўролларига таяниш ва яна жуда кўп нарсалар ёдгорликка айланади. Яҳудий вужудининг қолиши ёки йўқ бўлиб кетиши АҚШ ва унинг ҳамтовоқларининг ташвиши бўлмай қолади. Балки уларнинг энг катта ташвиши муслмон қўшинларини фатҳ жиҳодидан тўсиш бўлиб қолади. Бу жиҳод анчадан бери тўхтаб қолган эди. Лекин анави тоғутлар бунни асло унутишмайди.

Албатта Ислоннинг ҳоқимиятга ва муслмонларнинг ишларини бошқаришга қайтиши барча муслмонларнинг талабига айланди. Айниқса, бу талаб муслмонлар ўзларининг кучли ҳимоячисини йўқотиб, бунинг оқибатида бошларига тушган мусибатларнинг шоҳиди бўлганларида янада кучайди. Шу аснода, Уммат орасида Аллоҳнинг раҳмати билан «Ҳизб ут-Таҳрир» жамоаси пайдо бўлди. Бу жамоа Росулulloҳ ﷺнинг байроқларини юқори кўтарди. Пайғамбарлик минҳожини асосидаги халифалик байроғини кўтарди. Ёрдамсиз қўйганлар бу жамоага зарар етказа олмайди. Ҳукмдорларнинг зулми ва мунофиқларнинг тараддуди бу жамоани ўз йўлидан тўса олмайди. Аксинча, у адолатсизлик, қамоқ, тазйиқ ва қатлга очиқдан очиқ қарши юради. Бу жамоа босиб ўтган ва 1953 йилдан бошлаб юриб келаётган йўлида фақат пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифаликни эълон қилиши қолди, холос. Бунини тез орада амалга ошишини Аллоҳдан сўраб қоламиз ва бу Аллоҳга қийин эмас.

﴿وَيَمَكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكِرِينَ﴾

«(Яҳудидилар) макр қилишди. Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ «маккорроқдир»» [Оли Имрон 54] □

ҲАЗОДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ҲОДИСАЛАР ҒАРБ ОЛАМИНИ ЛАРЗАГА СОЛИБ, ҚАЛҚИТИБ ЮБОРДИ

Ислом Абу Халил – Ўзбекистон

Бугун Ғарб оламида яқин келажакда улкан ғалаёнлар сабабли туб ўзгаришларга олиб борадиган бир учқун пайдо бўлганини кўриш мумкин. Унга бундай умид учқунини Ҳазо бермоқда десак муболаға бўлмайди. Ҳақиқатдан, Америка ва Европадан анча узоқда, кичкинагина ер майдонига эга ва аҳолиси бир неча миллиондан ошмайдиган бу жой, ҳозирда дунёга гегемонлик қилаётган ушбу йирик куч марказларини эсанкиратиб қўйди. Зеро, уларнинг муборак Фаластин борасидаги жирканч сиёсатларига ўз халқлари қарши чиқмоқда. Ғарб жамиятлари яқин ўтмишда бу қадар кенг қамровли намоишларни бошдан кечирмаган эди.

Эътиборли томони шуки, бундай кенг қамровдаги норозилик кайфияти одатда Ғарбга хос бўлган демократик қадриятлар, яшаш шароитлари ёки бошқа нарсалар устида эмас, балки муборак Фаластин заминиде юз бераётган ғайриинсоний қатли ом, ақл бовар қилмас даражадаги шафқатсизликларга қарши қўзғалмоқда. Тўғри, бу ўринда демократик қадриятларнинг ҳам ўрни бордек кўринади, бироқ Ғарб халқлари бу сафар кўпроқ ўзларининг инсоний бурчларини бажариш учун кўчага чиқмоқдалар, дейиш ўринлироқ. Зотан, уларнинг демократияга бўлган ишончи Ҳазо воқеалари фониде аввалгидан ҳам пастлаб кетгани кузатиляпти.

Масалан, Жамоатчилик фикрини ўрганиш институти (Ipsos) чоп этган ва Англия, Франция, Италия, Швеция, Польша, Хорватия ва Америка Қўшма Штатларида ўтказилган «Демократия ҳолати» сўрови шуни кўрсатадики, Ғарб жамиятларида демократиядан норозилик ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Сўровда қатнашган барча мамлакатлардаги одамларнинг қарийб ярми ўз юртларида овоз бериш, ҳокимият тақсимоти, сиёсат функционаллиги ва даромадларни тақсимлаш каби масалаларда демократиянинг ишламаслигидан норози. Иштирокчиларнинг фикрича, охириги 5 йил ичида бу мамлакатларда демократия фаолияти аста-секин ёмонлашган. Хусусан, АҚШ ва Францияда ҳар 10 кишидан 7 нафари сўнгги йилларда демократия ёмонлашганини айтади. Мисол учун, сўнгги 5 йил ичида демократия ёмонлашди, деб

ҳисоблайдиган французлар улуши рекорд даражада юқори бўлиб, 73 %ни ташкил қилади. Сўровнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, барча мамлакатларда одамлар ҳозирги сиёсий тузумни яхшилаш учун туб ўзгаришлар зарур, деб ҳисоблайдилар. Худди шу сўровномада «Мамлакатингизда демократия фаолиятдан қанчалик қониқасиз?», деган саволга берилган жавобларда Британияликларнинг атиги 28 %, италияликларнинг 24 %и ва французларнинг 29 %и вазиятдан қониқиш ҳосил қилган. Бундан ташқари, Ғарб мамлакатларидаги сўровда қатнашган одамларнинг барчаси иқтисодиёт ва молия тузуми бой ва қудратлилар манфаати учун хизмат қилади, деб ўйлайди. Бу кўрсаткич Италияда 72 %, Британияда 71 %, Францияда 69 %, АҚШда 67 %ни ташкил этади. Яъни одамлар ўз давлатларидаги ҳукумат ва давлат раҳбарлари бой ва қудратлиларнинг манфаатларини кўпроқ эътиборга олишади, деб ҳисоблайдилар.

Албатта, шундай оғир аҳволдаги демократия Ғазо воқеалари сабаб қайтиб оёққа тура олмайдиган тарзда зарбага учради. Ҳа, демократия энди қайтиб ўзини ўнглолмайди, у ўзининг сўнги кунларини яшайпти. Чунки демократик қадриятлардан бўлмиш сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқлари қуруқ сафсата эканлиги бугун кўрга ҳам, карга ҳам бирдек равшан бўлиб қолди. Ғазо демократиянинг ҳақиқий башарасини ҳатто сиёсатдан умуман хабари йўқ содда одамлар учун ҳам очиб қўйди. Негаки, лаънати яҳудий вужуди мусулмонларни аёвсиз қирғин қилаётгани, қамал қилиб оч қолдираётгани, айниқса аёллар ва болаларни ўзининг асосий нишонига айлантираётгани демократик қонунлар билан бошқариладиган халқаро ҳамжамият кўз ўнгида содир бўляпти. Шунга қарамай, ҳозиргача бу қирғинга барҳам берадиган бирор таъсирли чора кўрмади. Аксинча, босқинчи яҳудий вужудини Америка, Франция, Британия ва Германиядек йирик давлатлар ҳимоя қилиб келяпти. Айниқса, Америка бу террорчи яҳудий вужудини гўё ота ўзининг тантиқ ўғлининг барча ифлос ишларини яшириб, ҳимоя қилганидек, асраб-авайляпти. Бу ҳам етмаганидек, унинг барча ваҳшийлик ва жиноятларини яширишга ҳаракат қилипти. Бир сўз билан айтганда, гўё у «мен кучлиман ва менинг айтганим бўлади, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу», демоқчи бўлаётгандек!

Дарҳақиқат, Ғарб давлатлари яҳудий вужудини ҳимоя қиламан деб, ўзининг демократиясидан ҳам бутунлай чекинди. Энди у буёғига ўз қадриятларига риоя қилмоқчи эмаслигини бутун дунёга очиқчасига эълон қилиб бўлди. Демак, бундан сўнг халқаро майдонда том маънодаги «ўрмон қонунлари» амал қилишини фараз қилса бўлаверади.

Бироқ, Ғарб жамиятларида ўз ҳукуматларининг бундай зулмкор, ғайриинсоний сиёсати ҳамда жирканч, разил позициясини қабул қилмаган маҳаллий аҳолининг норозилик кайфияти ҳали тингани йўқ. Бу сафар намойишлар Америка ва Европадаги талабалар орасида кучайиб кетди. Апрель ойи ўрталарида Американинг Колумбия университетиде бошланган норозилик акциялари Ель, Техас, Жанубий Калифорния ва Бостон университетларига ҳам кўчди. Маълумотларга кўра, 2500дан ортиқ одам ҳибсга олинган. Полиция намойишларни бостиришда жуда қаттиққўллик қилаётгани акс этган видеолавҳалар тарқалди. Шундан сўнг, норозилик акцияларига Европа университетлари ҳам қўшилди. Финляндия, Дания, Британия, Испания, Швейцария, Австрия, Нидерландия, Франция университетлари талабалари ўз раҳбариятларидан (Исроил) билан ҳар қандай муносабатларни ўзишни талаб қилиб чиқишди.

Шунингдек, машҳур шахслар ҳам Фаластинни кўллаб-қувватловчи баёнотлар беришяпти. Масалан, машҳур америкалик актёр, продюсер ва фаол Марк Руффало яҳудий вужудининг ғазо сектори жанубидаги Рафаҳ шаҳрига қуруқликдан ҳужумини қоралади, (Исроил) бу ҳужум учун геноцидда айбланди. «Саҳрода ёки уйда ўлинг – бу бугунги кунда фаластинликларга берилган танловдир», деди Руффало. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ҳам ғазо секторида давом этаётган ваҳшийлик борасида сукут сақлаётган юлдузларни танқид қилиб, уларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини блокламоқда. Жастин Бибер, Селена Гомес, Зендая, Дрейк, Кардашянлар оиласи ва Тейлор Свифт каби кўплаб машҳур шахслар танқид остига олинди. NBC news хабарига кўра, Фаластин тарафдорлари бир неча ойдан бери машҳур шахсларга босим ўтказиб, уларни ғазо секторидаги тинч аҳолини кўпроқ қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини намоён этишга ундамоқдалар. Блогерлар орасида чуқур

умидсизлик ҳисси май ойи бошида, (Исроил)нинг Рафаҳ шаҳрига ҳужуми билан бир вақтга тўғри келган 2024 йилги Мет Гала (ноёб кийимлар кўрғазмаси)дан кейин қайноқ нуқтага етди. Кўпгина ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари бу кўрғазмани ҳаддан ошиш деб ҳисоблашди.

Яқинда АҚШ армиясида 13 йил хизмат қилган, Яқин Шарқда разведка соҳасида эксперт бўлиб ишлаган Пентагон майори Харрисон Манн ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида, АҚШ (Исроил)нинг Ғазодаги урушини қўллаб-қувватлаётганидан норози эканлигини ифодалаб, истеъфога чиқишини эълон қилди. Албатта, бундан аввал 25 ёшли АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари зобити Аарон Бушнеллнинг дунёни ларзага солган ишини алоҳида қайд этиш лозим. У 24 феврал куни Вашингтондаги (Исроил) элчихонаси олдида оммага ошкора «мен энди геноцид жиноятида иштирок этмайман» дея, бошига бензин қуйиб, ўзига ўт қўйганди. Ўшанда ҳарбий кийим кийиб олган Бушнелл «Фаластинга озодлик» шиорини айтиб ҳайқирган эди.

Бундай мисли кўрилмаган қурбонлик ва Ғарб халқларининг ўз ҳукуматлари сиёсатидан ҳафсалалари пир бўлиб, норозилик билдиришаётганидан айтиш мумкинки, Ғазо ҳодисаси уларнинг зулматга тўла узоқ ва яқин тарихларида улкан доғ бўлиб қолишини англашаётган кўринади. Балки улар ниҳоят демократиянинг ёлғон ва қуруқ сафсатадан иборат ғайриинсоний мафкура эканлигини ҳам тушуниб етаётгандирлар. Зеро, Ғазо воқеалари уларнинг Исломга бўлган муносабатларини ўзгартириб, қизиқишларини орттириб юборди. Иймондан йироқ бўлган бу халқлар, Ғазо муслмонларига бу қадар ирода, шижоат, сабот ва сабр қаердан, дея ҳайратга тушишмоқда. Уларнинг моддий қийматлар ғолиб бўлган жамияти, дунёқараши ва амаллар ўлчовига ҳеч ҳам мос келмайдиган фавқулодда фидоийлик ва ўзаро ардоқни намойиш қилаётган Муборак Фаластин аҳли бундай буюк ва туганмас кучни қаердан олмоқда?! Ажабо, ишидан айрилиб қолса дунё кўзига тор кўринадиган, бўлар-бўлмас нарсаларга ҳам депрессияга тушиб қоладиган, ҳамма нарсаси бор бўлса ҳам келажак хавотиридан кечалари уйқуси қочадиган, музлаткичи озиқ-овқатга лиқ тўла бўлса ҳам ресторанда овқатлана олмаётганидан куюнадиган...

Ғарбликлар учун Ғазо нақд жаҳаннамдек кўринади, албатта. Бироқ мана шу жаҳаннамда ҳам муслмонлар Аллоҳга итоат қилишда сабот ила давом этаётганлари, энг юксак инсоний фазилатларини йўқотмаётгани, мисли йўқ қурбонликлар бераётганларига қарамай, душманга бўйин эгмаётганлари, буларнинг барчаси ғайримусулмон халқлар орасидаги инсофли кишиларнинг ҳам ҳавасини, ҳам ҳайратини оширмақда. Бас, улар алалоқибат Исломни қабул қилиш шарафига эришмоқдалар. Фаластиннинг мағрур ва мард халқи Аллоҳ неъмат қилиб берган Исломни маҳкам ушлаш билангина мана шундай буюк мақомларга чиқаётганларини англаб етмоқдалар.

Ижтимоий тармоқлардаги сон-саноқсиз видеолавҳаларда ғайримусулмонлар Ғазо воқеаларини кузатишлари натижасида Исломни ўрганишга киришганлари ва Қуръон ўқишни бошлаганларини айтишмоқда. Баъзилари ҳатто маълум сура ва оятларни ёд олиб айтиб беришмоқда. Улар Фаластиндаги муслмонлар бошдан кечираётган бу қадар ваҳшийликлардан сўнг ҳам, яшаш ва кураш учун кучни айнан Исломдан олаётганларини англаб етаётганлари ҳақида ҳикоя қилиб беришмоқда. Шунингдек, Ғазо воқеалари таъсирида дунё бўйлаб Исломга кираётган одамлар ҳақидаги хабарлар ҳам тарқалмоқда.

Албатта, бу ишлар ҳаниф динимиз Исломга ақллар ва нафсларни тўла таслим қилиб, қалбларга оромбахш қудратни жойлаб қўйганидаги Аллоҳнинг ҳикматидандир. Зотан, Ғазо воқеаларида мулоҳаза қиладиган барча ақли расо инсонлар учун буюк ибрат бор! Гўё Аллоҳ Таоло бутун инсониятни яқинлашиб келаётган оламшумул ҳодиса – Халифалик давлати учун тайёрлаётгандек...

﴿وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ بِنَصْرِ اللَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ﴾

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир» [Рум 4-5]

Ҳеч шубҳа йўқки, Исломни гўзал тарзда татбиқ қиладиган Халифалик қуёши оламни мунаввар қилгач, ғайримусулмон халқлар ўзларининг нақадар зулм остида эзилаётганларини янада чуқурроқ англаб етадилар. Шунингдек, ўзлари эргашаётган анави демократия инсоннинг ақли ва фитратини

Ғазода содир бўлаётган ҳодисалар Ғарб оламини ларзага солиб, қалқитиб юборди бузувчи, қалбини қорайтирувчи бир заҳардан бошқа нарса эмаслигини ҳам идрок қиладилар. Ана шунда нафақат Ғарб, балки бутун оламда ҳақиқий ғалаён бошланади, яъни ақллар ва қалблар ғалаёни! Ана шунда одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига кириб келадилар!

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ﴿۱﴾ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ﴿۲﴾ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا ﴿۳﴾﴾

«(Эй Муҳаммад), қачон Оллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса ва одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир» [Наср 1-3] □

ҚИЛИЧ ИШЛАТИШ КЕРАК БЎЛГАН ПАЙТДА КЎЗ ЁШЛАРИ ЭНГ ЁМОН ҚУРОЛДИР... ҒАЗО МИСОЛИДА

Юсуф Арслон

Ҳизб ут-Таҳрирнинг Афғонистон
вилоятидаги матбуот бўлими аъзоси

Шоир айтади: Кишининг энг ёмон қуроли – қиличлар билан уруш бошланганда тўкадиган кўз ёшларидир.

Агар одамлар чиройли амал қилсалар ҳукмдорлари ва уламолари томонидан яхшилик, эзгулик ва чиройли ҳол юз беради, агар улар бузғунчилик қилсалар акси бўлади.

Ҳукмдорлар ҳақида мисол қилиб айтадиган бўлсак, салибчилар исломий юртлар, жумладан Қуддусга ҳужум қилишганда, ўша даврдаги сиёсий ва ижтимоий вазият бугунгидан унчалик фарқ қилмас эди. Салжуқийлар амири Қилич Арслон эндигина 17 ёшда бўлиб, салибчиларга қарши жиҳод эълон қилиб, улар билан жанг қилди. Бироқ мусулмон амирлар сиёсий рақобат ва бўлинишлар билан банд бўлишди. Салибчилар Босфор бўғозидан ўтишганида, уларнинг ишғолига қарши курашга шай турган Қилич Арслонга дуч келишди. Аммо мусулмонлар орасида салибчиларга қарши у билан бирлашиш ўрнига, вазиятдан фойдаланиб, унга қарши курашишга интилаётганлар ҳам бор эди. Ўшалардан бири Донишманд эди. Лекин бу хиёнат Арслоннинг қарорини қайтара олмади. Қилич Арслон Донишманд билан музокара олиб боришга ва кейин салибчиларга қарши курашишга қарор қилди. Бу эса босқинчилар билан музокара олиб бораётган ва биродарларига қарши курашаётган бугунги ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ Арслоннинг муваффақият қозонишига олиб келди.

Ўша пайтда халифа Мустансир Биллаҳ дабдабалар, бадий ва шеърый изланишлар билан банд эди. У худди шунга ўхшаш унвонларга эга бўлган бугунги ҳукмдорларга ўхшаб, юмшоқ ва эҳтиёткор одам сифатида кўринишдан завқланар эди. Бироқ бугунги ҳукмдорлар ўзларининг юмшоқликларида бошқалардан ўтиб кетишди. Уларнинг бепарволиги ва мўътадиллиги ғайриисломий ақидалардан таъсирланди ва бу мўътадиллик ва ўртачалик ниқоби остида рўй берди. Улар ўзларининг омон қолишини таъминлаш учун шариат аҳкомларини татбиқ қилишни тўхтатишди, илмоний-

секуляристардан «сиёсий зийраклик» мақтовини олишга ва экстремизм ёрлиғидан қочишга ҳаракат қилишди.

Бугунги кунда мусулмонлар миллий чегаралар ва ғайриисломий ақидалар сабабли бўлинганидек ва турли мамлакатларга парчаланиб кетганидек, Аббосий Халифалик бўлишига қарамай исломий юртлар бир неча амирликларга бўлиниб кетган эди. Бунда халифа рамздан бошқа нарса эмас эди. Шом юртларида бир неча амирлар бўлиб, улардан баъзилари ўз омонлигини таъминлаш учун салибчилар билан ҳамкорлик қилишди. Худди исломий юртларни кўплаб давлатларга бўлиб ташлаган, Ҳазода болалар, аёллар ва эркаклар уларнинг кўз ўнгида қирғин қилинаётган бир вақтда, шахсий манфаатлари учун мустамлакачиларга бош эгган бугунги ҳукмдорлар каби.

Яғи Саян Антакияда салибчиларга қарши курашди. Лекин Исломий Уммат кичик гуруҳларга бўлиниб кетди. Сурияда бир-бирининг қонига ташна икки ака-ука Ҳалаб амири Ризвон ва Дамашқ амири Дукак ҳукмронлик қилар эди. Мосул эса Кербоға бошчилиги остида эди. Лекин бу амирлар манфаат ва омон қолишларининг кафолати баҳонасида салибчиларга қарши туришмади, салибчиларга қарши эълон қилинган жиҳодни қўллаб-қувватлашмади. Улар салибчилардан ўзларини ҳимоя қилишса ёки бетарафлик қилиб, хушомадгўйлик қилишса, бу уларнинг омон қолишлари учун фойдали бўлади деб ўйлашди. Аммо мужоҳидларнинг фронт чизиғи бузилгач, салибчилар бошқа амирликларни ҳам ютиб юборишди ва уларнинг сиёсий мавжудлиги йўқ қилинди.

Ҳар қандай сабаб билан фитна уруғини сепадиган ва кофирлар билан муроса қиладиганлар устидан тарих қаттиқ ҳукм чиқаради ва Аллоҳнинг ҳукми янада қаттиқроқ бўлади. Қилич Арслон Кичик Осиё (Анадолу)да салибчиларга қарши якка ўзи жанг қилаётганда, бир қанча мусулмон амирлар кузатиб туришарди. Салибчилар ҳужуми даврида Фаластин Фотимийлар ҳукмронлиги остида бўлиб, салибчилар Қилич Арслонни мағлубиятга учратган пайтда Фотимийлар уларни табриклар, мактуб юборди. Ибн Асир шундай ёзади: «Султонлар бўлиниб кетганлиги учун салибчилар юртларимизни босиб олишди».

Уламоларга келсак, ҳукмдорлар фисқу фасод билан шуғулланиб, фитна авж олаётган пайтда уламоларнинг золимларга қарши сўзлари ва қадамлари қаттиқроқ бўлиши керак. Чунки уламоларнинг вазифаси ҳукмдорларни муҳосаба қилиш ва одамларни тўғри йўлга етаклашдан иборат. Лекин ўша даврдаги баъзи уламолар сарой аҳлидан бўлса, яна кўплари сўфийликка мойил эди. Улар худди бугунгидек Ислом фақат намоз, рўза ва зикрдан иборат деб билишарди. Ўшанда фақат сарой уламолари халққа кўрсатилиб, ҳақиқий уламолар ёлғизланиб, таъқибга учраган эди. Ўша пайтдаги сўфийлар кўпроқ ибодатга эътибор қаратган бўлса, бугунги уламолар Ислом номидан билиб ёки билмай ўз манфаатларига эришиш, хоин ҳукмдорларнинг омон қолишини таъминлаш ва парчаланишни чуқурлаштириш учун жамиятга секуляристик ва бузуқ талқинларни таклиф қилишмоқда.

Ливанлик насроний ёзувчи Амин Маълүф Аббосийлар Халифалигида қозилик қилган ва солиҳ уламолардан бўлган Абу Саъд Ҳаравийни ўта содиқлик сифатида эслайди. Абу Саъд салибчиларнинг даҳшати ҳамда мусулмонларнинг хорлиги ва хўрланишини кўргач, рамазонда одамлар намоз ўқиш учун масжидга йиғилганда минбарга чиқди. Абу Саъд минбарда ўзини оғиз очаётган қилиб кўрсатди. Одамлар бу ишдан ғазабланиб, унга яқинлашишди. Шунда у, ўтиринглар ва сўзимни тингланглар, нега бировнинг оғиз очишидан ғазабланасиз-у, минглаб мусулмонларнинг ўлдирилиши ва муқаддас жойларнинг топталишидан ғазабланмайсиз? – деди. Ҳа, Абу Саъд Ҳаравий худди бугунги кундаги каби Аллоҳнинг чегаралари бузилишидан кўра кўпроқ шахсий ёки миллий муаммолар безовта қиладиган одамларнинг ҳис-туйғуларини қўзғади.

Бу манзарадан сўнг Ҳаравий тўзиган, боши очиқ ва сочини олдирган ҳолда, бошқалар ҳамроҳлигида халифанинг саройига кирди. Бу манзара норозиликка ишора қиларди. У халифага бундай деди: кўряпман, иймон ҳимоячилари заифлашган, ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз ўлдириляётган бир вақтда хотиржам ўтиришни қандай қабул қиласиз?! Ахир қанчалаган гўзал қизлар (салибчилардан кўрқиб) юзларини қўллари билан яширмоқдалар. Сизлар олийжаноб эдингиз, лекин бугун сизлар бу давлатга таслим бўласизми?!

Одамлар Ҳаравийнинг бу сўзлари ва қаттиқ танбеҳини эшитиб йиғлаб юборишди. Аммо Ҳаравий уларнинг кўз ёшлари ва таъзияларига эътибор бермади. Чунки у ўзи хитоб қилаётган киши куч ва қуввати йўқ оддий шахс эмас, балки ҳоким эканлигини билар эди. Шунингдек, у Ақсо ва бошқа исломий юртларни озод қилиш учун заифларнинг кўз ёшлари, зоҳидларнинг дуоси ёки мухлисларнинг тасаллиси эмас, балки қўшинларнинг ҳаракатланиши кераклигини биларди. Шунинг учун Ҳаравий сарой аъёнларига қилган нутқини шундай яқунлади:

Кишининг энг ёмон қуроли – қиличлар билан уруш бошланганда тўкадиган кўз ёшларидир.

Ҳа, босиб олинган ерлар учун ягона ҳақиқий ечим қилич яланғочлаб, Ақсо дарвозалари томон метиндек юришдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ мусулмонларнинг яҳудийларга қарши туришига ваъда қилганда дипломатия ва музокара ҳақида гапирмаган, балки жанг ва жиҳод ҳақида гапирган. Пайғамбаримиз ﷺ ва саҳобалар билган жиҳод Исломий давлат олиб борадиган жангдан бошқа нарса бўлмаган. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дейди:

«لَا تَقَوْمُ السَّاعَةَ حَتَّى تَقَاتِلُوا الْيَهُودَ، حَتَّى يَقُولَ الْحَجْرُ وَرَاءَهُ الْيَهُودِيُّ: يَا مُسْلِمُ، هَذَا يَهُودِيٌّ وَرَائِي فَأَقْتُلْهُ»

«То сизлар яҳудийларга қарши жанг қилмагунингизча, то ортида яҳудий яшириниб олган тош ҳам эй мусулмон, мана ортимда яҳудий яшириниб турибди, кел уни ўлдир, демагунича қиёмат қоим бўлмайди».

Лекин Исломий Уммат, айниқса уламолар ўз вазибалари оғирлигини тушуниши керак. Исломнинг сурати ва ечимлари ноаниқ бўлиб қолган ҳар бир даврда солиҳ уламолар огоҳлантириш, маъруфга буюриш, мункардан қайтариш ва ҳукмдорларни муҳосаба қилишдаги барча қийинчиликларни қабул қилиб, олға силжийдилар. Дарҳақиқат, тарихда ё кўрқоқлик қилган ёки Исломни ғайрисиёсий изоҳлаган, шу билан фитнага кириб қолган сарой уламоларини кўрдик. Улар на Ислом аҳкомларини моддий чоралар билан ҳимоя қила олишди, на ўз қисматларини ўзгартира олишди.

Тарихда Қуддус салибчилар томонидан тахминан 40 кун қамалда қолгани қайд этилган. Ҳижрий 492 йил 22 шаъбонда қамал тугаб, салибчилар Қуддусга кириб, уйма-уй қирғинларни давом эттиришди. Шаҳар деворлари ичида бирорта ҳам муслмон қолмади. Минглаб муслмонлар уйлари остоналарида ёки масжидлар атрофида ўлдирилди. Ҳалок бўлганлар орасида кўплаб имомлар, уламолар ҳамда ўз юртларини ташлаб Қуддусда яшаш учун келган сўфийлар ҳам бор эди.

Пайғамбарлар меросхўри бўлмиш уламолар фақат илми мерос олганларини ҳамда ҳақиқий илм Аллоҳдан қўрқишни уйғотишини ва дунёвий қўрқувдан халос қилишини тушунишлари керак. Ҳақиқатни айтаётганда тиллар қалтирамаслиги керак. Уламолар бир томондан масжидга қаттиқ боғланган, иккинчи томондан ҳукмдорларнинг ноҳақликларига ҳеч қачон жим турмаган Саид ибн Мусайяб каби сиймолар тарихини ўқишлари керак. Халифа Абдулмалик ибн Марвон ундан ўз ўғлига байъат беришини талаб қилганда, Саид ибн Мусайяб буни хато ҳисоблаб, рад этган эди. Уни ўлдириш, дарралаш ва қувғин қилиш билан қўрқитганида Аллоҳнинг розилиги йўлида сабот билан турди. Бугунги кун уламолари Ҳажжож олдида ўлимга дучор бўлиб, рост гапирган ва холиқи билан учрашишдан умидвор бўлган Саид ибн Жубайрни эслашлари керак. Улар Абу Жаъфар Мансурни очикчасига муҳосаба қилган, қозиларнинг хатоларини танқид қилган ва ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан қатъий позицияни эгаллаган имом Абу Ҳанифани эслашлари керак. У зиндон ва машаққатларга қарамай сабот билан турган эди. Шунингдек, имом Жаъфар Содиқ ва имом Молик ибн Анаслар халифа Мансурга қарши чиқишди. Имом Шофейй ўз жамиятидаги сиёсий ва ижтимоий воқеаларга бефарқ бўлмади ва Аббосий халифаларни муҳосаба қилди. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақиқатни гапиргани учун Маъмуннинг савалашига чидади. Ибн Таймия ҳам мўғуллар босқинида қийинчиликларга чидаган ҳолда муслмонларга ўз рисолатларини эслатган.

Шунинг учун уламолар билишлари керакки, ҳар бир даврнинг мусибатлари ҳар хил бўлади. Бугунги мусибат Халифаликнинг йўқлиги ва қўшинлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилишларидир. Ўтмиш уламолари узлуксиз Халифалик ва

Қилич ишлатиш керак бўлган пайтда кўз ёшлари энг ёмон қуролдир... Ҳазо мисолида жиҳодга эга эдилар. Лекин бугун биз ҳар иккисига муҳтожмиз. Шунинг учун уламоларнинг вазифаси одамлар ва ҳукмдорларни иккинчи рошид Халифаликни барпо этишга даъват қилишдир, ҳукмдорларнинг маҳкамаларидан ёрдам сўрашга эмас.

«وَمَنْ اتَّبَعَ السُّلْطَانَ أَفْتَتَنَ»

«Ким султонга эргашса, фитналанеди». Ҳазода биродарларимиз кўз ўнгимизда қирғин қилинса, Умматнинг мусибати янада кучаяди. Шунинг учун уламолар мусулмонларга ўз рисолатларини эслатиб туришлари, ҳокимият эгаларини бирликка ва жиҳодга чақиришлари, ҳукмдорларнинг хиёнатини фош этишлари, золимларга қарши чиқишлари ва маломатдан қўрқмасликлари керак. Росулulloҳ ﷺ айтади:

«إِذَا رَأَيْتُمْ أُمَّتِي تَهَابُ الظَّالِمَ أَنْ تَقُولَ لَهُ: إِنَّكَ أَنْتَ ظَالِمٌ، فَقَدْ تُودِعَ مِنْهُمْ»

«Агар Умматимнинг золимдан қўрқиб, унга «Албатта сен золимсан» деб айта олмаётганини кўрсангиз, Аллоҳ уларни (ёрдамсиз) тарк этади». Аҳмад ривояти. □

АНТИСЕМИТИЗМ ВА УНИНГ ФАЛАСТИН МАСАЛАСИГА АЛОҚАСИ (2)

Юсуф Сорисий
Муборак Фаластин замини

1 – Антисемитизмга қарши қонунлар

Иккинчи Жаҳон урушидан олдин яҳудийларга душманлик ва антисемитизмга қарши халқаро қонунлар мавжуд эмас эди. Бироқ, уруш тугаб, холокост ва яҳудийларга нисбатан нацистлар амалга оширган геноцид фош қилинган, давлатлар томонидан антисемитизмга, диний ва этник камситишларга қарши курашиш, шунингдек, уларнинг яна қайта такрорланмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилади.

1945 йилда уруш тугаганидан кейин Германиянинг Нюрнберг шаҳрида нацистлар амалдорларини содир этган жиноятлари, жумладан, холокост учун жиноий жавобгарликка тортиш бўйича халқаро ҳарбий трибунал ташкил этилди. Шунингдек, халқаро жиноий суд жараёнларининг ҳуқуқий асослари белгиланди. Бу эса геноцид ва инсониятга қарши жиноятларнинг ҳуқуқий тушунчаси шаклланишига ҳисса қўшди.

Кейинги йилларда давлатлар антисемитизмга қарши кураш, диний ёки этник нафратни тарғиб қилганлик учун жазо чораларини қўллаш ва антисемитизмдан ҳимояни кучайтириш бўйича қонунлар қабул қила бошлади. БМТ камситиш ва нафрат қўзғаш хавфидан огоҳлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. У бу кўринишга қарши кураш учун самарали чора кўришни ҳамда холокост жиноятлари қайта такрорланишига йўл қўймасликни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун халқаро миқёсда ҳаракат қилишни талаб қилди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин антисемитизмга ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоқадор бир қанча халқаро резолюциялар қабул қилинди. Масалан:

1. 96-резолюция (1946): БМТ Бош Ассамблеяси нацистлар содир этган уруш жиноятлари ва геноцид ортидан Халқаро жиноят судининг низом лойиҳасини ўрганиш ва тайёрлаш бўйича қўмита негизлаган ушбу резолюцияни ўзининг биринчи сессиясида қабул қилди.

2. 181-резолуция (1947): Британиянинг Фаластиндаги мандати тугашидан бир оз олдин Фаластинни яҳудий ва араб давлатига бўлинишини қўллаб-қувватлаган бу резолуция Бош Ассамблея томонидан чиқарилди. Бу резолуция антисемитизмга бевосита алоқадор бўлмасда, Фаластинда яҳудийлар учун миллий ватан бўлиши тан олинишида унинг таъсири муҳим бўлди.

3. 260-резолуция (1948): Ушбу резолуцияда Бош Ассамблея «геноцид жинояти» таърифини эълон қилди. Бу инсониятга қарши жиноятлар таърифини кенгайтиришда ташланган муҳим қадам ҳисобланади.

4. 60/7-резолуция (2005): Бош Ассамблея чиқарган бу резолуцияда 27 январь холокостни хотиралаш куни деб белгиланди. Шунингдек, унда ирқчилик, нафрат қўзғаш, диний ва этник камситишнинг барча турларига қарши кураш таъкидланди.

2 – Холокостни инкор қилганларни жазолаш

Холокост натижасида қабул қилинган қонунларда ҳеч кимнинг холокостни инкор қилишга, уни ёки унда ўлдирилганлар сонини шубҳа остига қўйишга ҳақли эмаслиги белгиланди. Бир қатор давлатлар томонидан холокостни инкор қилиш жазоланишга лойиқ жиноят деб ҳисобланди. Улар бунга «тарихий фактларни ҳимоя қилиш», «бу воқеалар XX асрда юз берган фожиавий тарихнинг бир қисмидир», «диний ва этник низоларни қўзғатувчиларга қарши туриб, ижтимоий тинчлик ва барқарорликни сақлаш лозим», «холокост қурбонларини ва уларнинг оилаларини тан олиш орқали инсон шаънини ҳимоя қилиш керак» каби баҳоналарни келтиришди.

Холокостни инкор қилишни жиноят деб ҳисоблаган бир қатор давлатларда бу тарихий воқеани инкор қилганларга нисбатан суд жараёнлари бўлиб ўтди. Давлатларнинг холокостни инкор қилиш бўйича қабул қилган қонунлари бир-бириникидан фарқ қилади. Масалан, Канада каби давлатларда холокостни инкор қилиш камситишни ва нафрат қўзғашни тарғиб қилиш ҳисобланади. Германия, Франция, Австрия, Польша ва Норвегия каби давлатлар буни жиноят деб ҳисоблайди. Антисемитизмга ва холокостни инкор этишга қарши қонунлар кўзланган мақсадларидан ошиб ўтиб кетди.

Бу қонунлар Америка ва Европа давлатлари яҳудийларни шунчаки танқид қилишга ёки уларга қарши чиқишга уринганларга кўтарадиган қўпол таёққа айланиб қолди. Яҳудий давлати ташкил топганидан кейин, у шу соябон остига киритилди. Шундай қилиб, уни танқид қилиш ҳам антисемитик ҳаракатга ва қонун билан жазоланадиган жиноятга айланди. Масалан, Америкада яҳудий вужуди байроғини ёқиш жиноят ҳисобланади, Америка байроғини ёқишга эса жазо белгиланмаган.

3 – Холокостнинг Фаластинда яҳудий вужуди барпо этилишига таъсири

Фаластинда яҳудийлар давлатининг барпо этилишида холокост ва антисемитизм қонунларининг таъсири кучли бўлди. Бир томондан, холокост яҳудийлар ва сионистик ҳаракатни хавфсиз миллий ватан барпо этишга ундаган кучли туртки бўлган бўлса, бошқа томондан, яҳудий давлатини барпо этиш ғоясини халқаро қўллаб-қувватлаш кучайди. Воқеалар жамоатчилик фикрига кучли таъсир кўрсатди ва яҳудийларнинг миллий давлатга эга бўлиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш кучайди. БМТ 1947 йилда Фаластинни бўлиш тўғрисида қарор қабул қилиши бунинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди. Чунки бу қарор яҳудий давлати барпо этилишига эшик очди.

Британия 1917 йилда Фаластинни босиб олганидан кейин Бальфур декларациясини қабул қилди ва яҳудийларнинг Фаластинга кўчиб ўтишига рухсат берди. Ўша пайтда яҳудийларнинг қочқинларга тўла кемаларда Фаластин соҳилларига етиб келган ноқонуний миграцияси ҳам содир бўлди. Бироқ, «Хагана» тўдаси каби баъзи қуролланган яҳудий тўдалари 1930 йиллар ўрталарида яҳудийлар миграцияси учун йўлақларни пайдо қилиш мақсадида Британия кучларига қарши операцияларни ўтказди. Иккинчи Жаҳон уруши тугаганидан кейин кўп яҳудийлар, жумладан, холокостдан қутулиб қолганлар Фаластинга кўчиб ўтишди. Миграцияга қўйилган чекловлар бекор қилиниши ва мустақилликка эришиш мақсадида Британияга босимни кучайтириш учун яҳудийларнинг Британия кучларига қарши ҳужумлари кучайди. 1948 йил 15 майда Британия мандати

тугаганини эълон қилишидан бир кун олдин Девид Бен Гурион (Исроил) давлати барпо этилганини эълон қилди.

Шундай қилиб, (Исроил) давлати барпо бўлишини, биринчи навбатда, Британия, Америка ва халқаро кучлар иродасининг натижаси, шунингдек, сионистик ҳаракатнинг саъй-ҳаракати, антисемитизм ва холокостнинг жамоатчилик фикрига таъсири самараси деб ҳисоблаш мумкин.

Ислом Уммати ва Фаластин аҳлининг ҳақиқий душмани Европа ва Америкадир. Яҳудий вужуди Европанинг ижод маҳсули бўлиб, уни улар сунъий равишда пайдо қилган, ҳимоя қилган, ҳар бир босқичда қўллаб-қувватлаган ва ҳамон қўллаб-қувватламоқда. Улар яҳудий вужудини пайдо қилишдан иккита мақсадни кўзлашган: биринчиси очиқ кўриниб турган мақсад бўлиб, бу асрлар давомида Европада мавжуд бўлган яҳудий муаммосидан халос бўлишдир. Иккинчи яширин мақсад эса, муслмон юртларни бўлиб турадиган ёт вужудни ўрнатиб, муслмонларни у билан машғул қилиб қўйиш ҳамда уларни тарқоқ ҳолда қолдириб, бошқа душман орқали ҳақиқий душманларидан узоқлаштиришдир. Бу уларнинг уйғонишига ва бирлашишига тўсиқ бўлиб, уларни заиф ҳолда қолдиради. Шундай қилиб, муслмонларни Халифаликни қайта барпо қилишдан чалғитади ва унга тўсқинлик қилади.

4 – Яҳудий давлатига ҳужум қилганларга қарши антисемитизмдан баҳона сифатида фойдаланиш

Яҳудий вужуди Европа ва Американинг ёрдами билан ташкил этилиб, 1948 йилда Фаластин заминининг қарийб 78 %ини, 1967 йилда қолган қисмини босиб олганидан кейин, холокостга, антисемитизмга, тарихий ва диний ҳуқуққа таяниб, ўзининг мавжуд бўлиб туриши қонунийлигини ва жиноий қилмишларини оқлашда давом этмоқда. У ўзига душман бўлган, уни танқид қилган ёки Фаластин аҳлига хайрихоҳ позицияни эгаллаганларни антисемитизмда айблашга ҳаракат қилмоқда.

Улар ўзларини ҳимоя қилиш, шунингдек, яҳудий вужудини танқид қилиш ёки унга қарши салбий позиция эгаллашнинг олдини олиш учун антисемитизм ва яҳудий вужудига душманлик ўртасини атайлаб чалкаштиришган. Антисемитизм тушунчаси билан яҳудий вужудининг жиноий сиёсати ва

ҳаракатлари ўртасини ажратувчи чегаранинг йўқлиги халқаро жамоатчилик фикрида қасддан чалкашликларни келтириб чиқаради. Бу чалкашлик Аллоҳ Таолонинг Қуръонда яҳудийлар ҳақида

﴿وَلْيَلْبِسُوا عَلَيْهِمْ دِينَهُمْ﴾

«Ўз динларини чалкаштириб юборишлари учун» [Анъом 137] деган сўзларига ўхшайди. (Исроил)нинг Хитойни Ғазо урушига нисбатан тутган позицияси учун антисемитизмда айблаши кулгили. Чунки Хитой антисемитизм масаласидан жуда йироқ. Аммо бу (антисемитизм) яҳудийларни танқид қилганларга қарши улар доим илиб келадиган илмоқдир.

Ўз навбатида, (N+1) онлайн адабий журналида яҳудий ёзувчилари антисемитизм билан (Исроил) давлатига қаратилган ҳар қандай танқиднинг тенглаштирилишини рад этишларини билдиришди. Уларнинг таъкидлашича, антисемитизм тушунчаси ҳозиргача «(Исроил)ни жавобгарликдан ҳимоя қилиш, босқинчилик ҳақиқатини яшириш ва Фаластин мустақиллигини инкор этиш» учун ишлатилган. Айни шу тушунча бугунги кунда «(Исроил)нинг Ғазони бомбардимон қилишини оқлаш ва халқаро ҳамжамият ичидаги танқидларни ўчириш» учун ишлатилмоқда. (Манба: Ал-Жазира нет, 2023 йил 7 декабр).

Биз буни Америка каби баъзи давлатларнинг ҳаракатларида ҳам яққол кўрамиз. Масалан, антисемитизмни кузатиш ва унга қарши кураш бўйича махсус вакил Дебора Липштадт «Америка АҚШ, Хитой ва бутун дунёдаги антисемитик кўринишлар ва риторикани қоралайди», деди. АҚШ давлат департаменти таърифига кўра, антисемитизм (Исроил)нинг қонунийлигини тан олишдан бош тортиш, уни минтақадаги диний ва сиёсий кескинликлар учун жавобгар деб билиш, яҳудийларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рад этиш ёки уларга қарши ҳужумлар сони бўйича эълон қилинган маълумотларни шубҳа остига олишни англатади.

5 – Холокост учун товон тўлашда Европа мантиқи

Европа ҳукмдорларининг капиталистик фикрлари ва ҳаётга Дарвинча қарашлари ирқчилик, этник устунлик ва миллатчиликни уларнинг томирида оқадиган қилиб қўйди.

Чунки ирқчилик сабабларига кўра ўз юртларида яҳудийларни ўлдирганлар улардир. Кейин Фаластинни қурбон қилиш орқали мусулмонларга қарши каттароқ жиноятни содир этиб, қурбон бўлган яҳудийлар учун товон тўлашди.

Бу – бузуқ ҳазоратнинг сохта қадриятлари, зўравонлиги ва давом этаётган зулмини ифодалайди. «Фаластинга эга бўлмаганлар уни унга лойиқ бўлмаганларга берди», деган машҳур ибора бор. Чунки Ғарб ҳақиқий жиноятчини жазолаш, қурбонлар учун товон тўлаб, хатосини ювиш ўрнига, ўзига тегишли бўлмаган Фаластинни жиноятлари учун товон сифатида топшириб қурбон қилди. Шундай қилиб, унинг жинояти мураккаб ва икки томонлама бўлди. Бу сохта ҳазорат эгалари томонидан бундай ишнинг содир бўлиши ажабланарли эмас. Прагматик меъёрга эга бўлган Ғарбни ҳақиқат ташвишлантирмайди, у учун адолат ҳеч қандай қийматга эга эмас ва унинг учун муҳими фақат манфаат. Шунинг учун Фаластин аҳлининг ўз ери ва юртига бўлган ҳуқуқини эътиборга олмайди. Фаластинни яҳудийларга тўлов сифатида тақдим қилиш уларга зарар келтирмас экан, нега улар бунга қилишмасин?!

6 – Яҳудийларнинг Ғазодаги шафқатсиз хатти-ҳаракатлари ва унинг холокостга алоқаси

Яҳудий вужуди 2023 йил 7 октябрдан кейинги Ғазо урушида ўч олиш, оммавий қирғин қилиш ва кўчириш каби шафқатсиз ишларни амалга оширди ва ҳамон бу ишларни давом эттирмоқда. Нацистлар амалга оширган геноцидга ўхшаш бундай хатти-ҳаракатни бошқаларга, айниқса, мусулмонларга нисбатан ирқчилик, нафрат ва душманлик билан тўла касал қалбдангина келиб чиқишини тушуниш мумкин. Уларнинг бўлиб ўтган воқеалардан кейинги барча хатти-ҳаракатлари жирканч ирқчилик характерини акс эттиради. Гўёки яҳудийлар нацист душманларининг хатти-ҳаракатига тақлид қилганга ўхшайди. Чунки улар қурбон бўлганларидан кейин жаллодга айланиб, ўзларидан кўра кучсизроқ бўлганлар устидан ҳукмронлик қилиш учун фурсатдан фойдалана бошлашди. Масалан, уларнинг мудофаа вазири Ғазо аҳлини инсон қиёфасидаги ҳайвонлар деб сифатлади. Нетаняху эса ўзларининг ўзгартирилган китобларидан Амолиқларни, яъни Ғазо аҳлини геноцид қилиш зарурлиги ҳақида иқтибос

келтирди. Бу иқтибос ғазони йўқ қилиш, уни ер юзидан ўчириб ташлаш ва аҳолисини Мисрга кўчириб юборишга чақираётган барча ирқчи ўнг қанот сиёсий доиралар томонидан қайта-қайта такрорланди.

Бутун дунё геноцид ва ирқчиликни кўрганидан сўнг, ғазо аҳлига нисбатан яҳудий вужуди амалга оширган геноцидни тўхтатиш учун, Жанубий Африка Гаагадаги халқаро судга шикоят қилди. Бу ҳолат яҳудий вужудини қаттиқ ғазаблантирди ва у ўзини ҳимоя қилиш учун судга келишга мажбур бўлди. Яҳудий вужуди адвокатларига 87 ёшли холокостдан омон қолган, асли литвалик Аарон Барак бошчилик қилди. У илгари яҳудий вужуди олий суди раиси бўлган. Бу билан яҳудий вужуди унинг нацизм холокостига дучор бўлганини ва айни холокостнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун халқаро қонун қабул қилинганини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Яъни у «Ғазога қарши амалга оширилаётган ишларни геноцид деб айблашга қандай журъат қилиясизлар, буни яҳудийларга ва (Исроил)га нисбатан шунчаки айтишдан ҳам уялишингиз керак», демоқчи бўлди. Нетаняху 2024 йил 11 январда шундай деди: «Биз террорчиларга ва ёлғонга қарши курашяпмиз. Биз бугун остин-устун бўлган дунёни кўрдик. Чунки (Исроил) геноцидга қарши курашаётган бир пайтда геноцидни содир этганликда айбланди».

7 – Антисемитизм атамаси бўйича бизнинг позициямиз

Антисемитизм атамаси муайян ҳудуд, яъни Европага ҳамда муайян сана, яъни XX асрга хос атамадир. Бу муаммони Европа доирасидан бошқада тушуниш мумкин эмас.

Ирқчилик Европа тарихи ва капиталистик ғарб ҳазорати маҳсулидир. Антисемитизм соф Европа маҳсули бўлиб, мусулмонлар, араблар ва бошқа халқларнинг унга алоқаси йўқ. Араблар ва мусулмонлар ҳақида гап кетганда антисемитизм тушунчаси ҳеч қандай маънога эга эмас. Бу даъво араблар ва семитларга қаратилса – уларни антисемитлар деб тушуниш мумкин бўлмагани учун – бу ноаниқлик ва чалкашликни келтириб чиқаради. Чунки улар асли семит халқларидир. Европа контекстидаги семитизмдан, бутун семит халқларига эмас, балки фақат яҳудийларга душманлик тушунилади. Чунки семитлар Европа тарихининг бир қисми эмас.

Ислом ирқ ва рангга қараб камситишни ҳаром қилган. Араблар араб бўлмаган ажамлардан устун эмас ва устунлик фақат тақво билан бўлади. Исломда аҳли китобларга нисбатан бошқа кофир халқларникидан фарқ қилувчи алоҳида қараш мавжуд. Чунки Ислом аҳли китобларнинг таомларини ейишга ва уларнинг аёлларига уйланишга рухсат берган. Мадинаи Мунавварада биринчи Ислом давлати барпо бўлганидан бошлаб, то бугунги кунга қадар яҳудийлар Марокаш, Миср, Яман, Ироқ, Сурия ва Фаластин каби мусулмон юртларда зиммий фуқаролар сифатида яшаб келишган. Бу юртларда яҳудийларга нисбатан қирғин ва холокост муаммоси бўлмаган. Аксинча, мусулмонлар Андалусдан қувилганларида яҳудийлар улар билан бирга Марокашга ва Усмоний давлат пойтахтига туташ ҳудудларга боришган. Афсуски, улар Усмоний давлатга қарши фитна уюштиришди ва Халифаликни қулатишда энг муҳим қурооллардан бири бўлишди, айниқса, дўнма яҳудийлари. Халифаликни қулатган Мустафо Камол – Аллоҳ уни лаънатласин – айна шу дўнма яҳудийларидандир.

Шунинг учун араблар ва мусулмонлар орасида антисемитизм тушунчаси мавжуд эмас. Чунки уларда на яҳудийларга ва на бошқаларга қарши ирқчилик бор. Шунинг учун бу яҳудийларнинг ҳеч бири сионистик ҳаракатни қўллаб-қувватламади. Шу боис, асли семит бўлган араб ёки мусулмонга, ирқчилик ва миллатчилик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, сен антисемитсан деб айтилиши мумкин эмас. Қандай қилиб инсон ўзига, ўзининг келиб чиқиши ва ирқига душман бўлиши мумкин?! Наҳотки, арабларни антисемитлар деб айтаётганлар ўз айбловларидаги очиқ зиддиятни кўришмаётган бўлса?!

Шунинг учун мусулмонларнинг бу атамага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар буни тан олмайдилар ва у билан машғул бўлмайдилар. Бу бизнинг ҳазоратимиз ва тарихимизда ҳеч қандай маънога эга эмас. У бизни қизиқтирмайди ва бизга бирон бир масъулиятни юкламайди. Аммо Фаластин заминини босиб олган бу вужудга нисбатан тутган позициямизга келсак, бу позиция бизнинг еримизга келиб уни босиб олган ва бизга қарши уруш қилган ҳар қандай кофирга нисбатан тутган позициямиз билан бир хил. Шунинг учун унга қарши уришиш ҳамда олдин солибчи ва мўғул-татарларни қувиб чиққанамиз

каби уни ҳам еримиздан қувиб чиқишимиз вожибдир. Шу боис, босқинчи вужудга нисбатан тутган позициямизнинг антисемитизм тушунчасига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Хулоса

Яҳудийлар Фаластин заминида ўзларининг тарихий ва диний ҳуқуқлари борлигини даъво қилишади. Тарихий ҳуқуқ даъвосининг биз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Чунки Фаластин ҳимоя қилиниши керак бўлган ҳамда Ислом диёри ва Ислом давлатининг бир қисми бўлиши керак бўлган исломий хирожий ердир. Тарих ҳеч кимга бировнинг мулки бўлган ерга эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди. Чунки тарих ерга эга бўлишнинг шаръий сабабларидан эмас. Асл ҳукмга кўра, ер ўз эгасининг қўлида қолади ва унга эгалик қилиш ҳуқуқи фақат шаръий сабаб билангина бекор қилинади. Ким бировнинг ерини босиб олса, тарихий ҳуқуқ ёки бошқа баҳоналар билан ерга ҳақли бўла олмайди. Яҳудийларнинг Фаластин заминини 1948 йилда эгаларидан тортиб олиши уруш, қирғин ва мажбурлаш орқали бўлди. Бу эса, уларнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқини исботламайди. Аксинча, улар қаердан келишган бўлса, ўша жойга чиқариб юборилишлари керак.

Аммо Қуддус заминидаги диний ҳуқуққа келсак, бу саййидимиз Мусо عليه السلام даврида, Аллоҳ уларга муқаддас заминга киришни буюрганида бўлган. Лекин улар Мусо عليه السلام га

﴿فَأَذْهَبَ أَنْتَ وَرَبُّكَ فَقَتَلَا إِنَّا هَاهُنَا قَاعِدُونَ﴾

«Бас, боргин, сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан уришаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб кутамиз»

[Моида 24]

деб айтишди. Шунда Аллоҳ улар учун бу заминни 40 йилга ҳаром қилди. Саййидимиз Довуд, Сулаймон ва улардан бошқалар ҳукмронлиги тугаганидан кейин бу ҳуқуқ якунига етди. Сўнгра исломий фатҳ туфайли бу замин Исломий заминга айланди ва Ақсо масжиди Исро сурасидаги Раббоний қарор билан муслмонларники бўлди.

Америка ва Европа душмандир. Касалликнинг илдизи ҳам улар. Чунки Иккинчи Жаҳон урушида нацистлар ва уларнинг иттифоқчилари устидан ғалабага эришганидан кейин адолатсиз халқаро тизимни яратганлар ўшалардир.

Антисемитларни жазолайдиган қонунларни ишлаб чиққанлар ҳам улар. Улар урушдан кейин холокост қурбонлари бўлган яҳудийларга ҳамдарад бўлган халқаро жамоатчилик фикрини яратишди ва антисемитизмга қарши кураш бўйича қатъий қарорлар қабул қилишди. Улар ва сионистик ҳаракат Фаластинда яҳудийлар давлати барпо этилишини қўллаб-қувватлаш учун холокостдан ва антисемитизмдан фойдаланишди. Кейин яҳудий вужуди ҳам ўзининг омон қолиши ва ғазо аҳлига қарши тажовузкор сиёсатини давом эттириши учун шундан фойдаланди. Яҳудий вужуди ўзига душман бўлган, унинг тажовузкор сиёсатини танқид қилган ёки Фаластин аҳлига хайрихоҳ позицияни эгаллаган ҳар қандай одамни антисемит қилишга уринмоқда.

Биз ғазога қарши сўнги урушда шуни кузатдикки, яҳудий вужуди, европаликлар ва америкаликлар ғазо аҳлига қарши содир этилган жиноят ва геноцидларни ҳамда уларнинг кўчирилишларини ҳимоя қилиш учун шу антисемитизмдан фойдаланишди. Улар ўзларини нима қилсак ҳам биз жавобгарликдан ва танқиддан устунмиз ва Аллоҳ томонидан танланган халқмиз деб ҳисоблашади. Шунинг учун уларга душманлик қилиш ва уларнинг ҳар қандай ишига қарши чиқиш шафқатсиз қонунлар ва халқаро жамоатчилик фикри билан тақиқланган. Аммо яҳудийларнинг ғазодаги жиноятларидан кейин халқаро жамоатчилик фикридаги бу сохта тасаввур тарқала бошлади ва Аллоҳнинг изни ила, йўқ бўлиш арафасида турибди.

Хулоса ўрнида айтаемизки, биз яҳудий вужудига ишора қилишда (Исроил) давлати деган номни ишлатмаймиз. Чунки бу номни ишлатиш уларнинг давлатини тан олишнинг бир туридир. Фаластинни босиб олган вужуд учун энг муносиб ном яҳудий давлатидир. Бироқ, миллатчиларнинг, бизнинг яҳудийлар билан бўлган урушимиз диний уруш эмас, балки сионистлар билан бўлган урушдир, деган даъво билан бу номни ишлатишдан қочишларига келсак, биз буни тан олмаймиз. Чунки бизга қарши уруш қилиб еримизни босиб олганлар буни яҳудийлик дини ёндашувидан келиб чиқиб ёки Фаластин заминида давлат барпо қилиш ҳуқуқига эгалликни даъво қилган миллатчилик ёндашувидан келиб чиқиб қилади. Яҳудий вужудининг сифатида ушбу икки ёндашув мавжуд.

Шунинг учун яҳудий вужуди деган ном у учун энг муносиб номдир. Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин. □

ИККИ ҲАРАМ ЗАМИНИ ХАВФ ОСТИДА!

Жандал Салоҳ – Жанин

Бугунги кунда ақли расо инсонга сир эмаски, яҳудийлар ва салибчилар икки ҳарам юрти учун жуда ёвуз ишларни тайёрлашмоқда. Лекин ушбу юрт аҳли бу ишлардан ҳайратланарли даражада ғафлатда қолмоқда.

«Довюрак айиқ» деб аталаётган Муҳаммад ибн Салмоннинг хатти-ҳаракатларини кўпчилик кузатувчилар ва мамлакат аҳолиси ўсмирнинг ўз кучи ва имкониятидан туйғуланиб қилаётган шунчаки бир довдираши деб ўйлаяпти. Улар ҳамма муаммо бу мамлакатга ўзининг аҳмоқона ҳаракатлари билан бир ўспирин ҳокимнинг етакчилиги қилаётганидандир, дейишяпти. Аслида эса, валлоҳу аълам, бу нотўғри. Биз гўдакларча қилиқлар қилаётган ўспирин ҳукмдорга эмас, балки хавфли режага дуч келмоқдамиз...

Шубҳасиз, Муҳаммад ибн Салмоннинг ҳокимиятга келиши ва барча ишлар тизгинини қўлга олиши Американинг қарори билан бўлди. Бунга ёзувчи Майкл Вольф ўзининг «Олов ва ғазаб» номли китобида фош этди. У ўз китобида Ибн Салмонни валиаҳд шаҳзода лавозимига кўтариш орқали Саудия Арабистонидаги қонсиз ички тўнтаришни режалаштиришда президент Дональд Трампнинг роли ҳақида гапирди. Бу эса, Муҳаммад ибн Салмоннинг келиши қасддан режали бўлганини ва Америка маъмурияти у орқали узоқ муддатли мақсадларга эга бўлмоқчи эканлигини яққол кўрсатмоқда. Ҳеч ким Американи муҳим бир минтақада йўлланмасиз аҳмоқ бир ўспиринни қўйиб қўяди, деб ўйламасин. Бундай эмаслиги Ибн Салмон бажараётган схеманинг моҳиятидан кўриниб турибди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати диққат билан ўрганилган, олдиндан тайёрланган ҳамда Америка ва яҳудий хавфсизлик ва разведка хизматлари билан олдиндан келишилган ишлардир.

Ибн Салмоннинг яҳудийлар билан алоқаси ҳеч кимга сир бўлмади қолди ва биз бу алоқанинг ҳақиқатини исботламоқчи ёки ким биландир бу борада баҳслашмоқчи эмасмиз. Зотан, «Ақсо Тўфони»дан кейинги давр мобайнида у амалга ошираётган сиёсий ва иқтисодий ҳаракатлар ва яҳудий вужудини моддий техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани энди яширин эмас. Ҳатто бугунги кунда Оли Сауд ҳукмдорлари ҳам яҳудийлар билан алоқаларини яширмайдиган бўлиб

қолишган. Ҳатто «Исроил»нинг The Jerusalem Post газетаси ҳам Оли Сауд билан яҳудийлар ўртасидаги муносабатнинг нақадар чуқур ва мустақкамлигидан ҳайрон қолди. Айниқса, Муҳаммад ибн Салмон «Яҳудий мероси маркази» асосчиси билан учрашувда «(Исроил)ни яҳудийларнинг ўзларидан ҳам қаттиқроқ севишини» таъкидлади. Ибн Салмондан «яҳудийлар ва насронийлар ҳақида фикрингиз қандай? – деб сўраганда «иккаласини ҳам жуда яхши кўраман», деди. Яҳудий бу яхши кўришнинг сабабини сўраган эди, Ибн Салмон «чунки менинг волидам ўшалардан бири», деб жавоб берди. Марказ муассиси ундан «бу билан нима демоқчисиз?!», деб сўраганди, «чунки менинг мураббиям асли эфиопиялик экстремист «евангелист» яҳудийлардан бўлган», деб жавоб берди. (The Jerusalem Post газетасининг йиллик конференцияси, 2019 йил 22 июн).

Шунинг учун Саудия Арабистонининг Ҷазо аҳлини тор-мор этаётган ва Масжидул Ақсони таҳқирлаётган яҳудий армиясини қўллаб-қувватлаш учун 2000 км. узунликдаги озиқ-овқат линиясини қуриб битказилишида иштирок этиши ажабланарли эмас. Нетаняхунинг 2020 йилдан бери Саудияга яширинча қатнаётгани, бу қатновлардан 2020 йил 22 ноябрдагиси фош бўлгани ҳам ажабланарли ҳол эмас! Яҳудийларнинг туризм вазири Хаим Кацнинг Саудияга ўз делегацияси билан бўзчининг моноксидек қатнаётгани ҳам ажабланарли ҳол эмас! Икки ҳарам юртида Муҳаммад ибн Салмон даврида раввин Якоб Герцог бошқараётган «Хабат» ҳаракатининг очилгани ҳам ҳайратланарли иш эмас! Саудияда яшовчи яҳудийларнинг мулкларини ҳисоб-китоб қилиш учун пойтахт Риёзда «Diarna» жамияти қароргоҳининг 15 йилдан бери фаолият қилаётгани ҳам, раввин Роби Ҳарзуқ ва иброҳимия масалалари бўйича бўлим раиси Рафаэл Нигелларнинг қатор зиёратлари ҳам ҳайратланадиган ҳол эмас! Қадрли ўқувчи, ҳаж зиёрати ташкилий ишларини «Исроил»нинг «OFER» хавфсизлик хизмати назорат қилаётганидан ҳам ҳайратланманг, бу кабилар рўйхати узун.

Мен бу ерда Сауд оиласи билан яҳудийлар ўртасидаги алоқанинг нақадар чуқурлигини англаб етишингиз учунгина шу ҳақида қисқача сўз юритмоқчиман. Қаршимизда ўсмирнинг инжиқликлари эмас, балки яҳудийларнинг аниқ иштирокида

Америка маъмурияти олдиндан тайёрлаган режа асосидаги ҳаракатлар турибди.

Муваффақиятсиз давлат тушунчаси:

Гапни лўнда қилиб айтганда, Муҳаммад ибн Салмон қасддан олиб келинди, бундан мақсад икки ҳарам юртини «муваффақиятсиз давлат» деган тушунчага олиб келишдир. Бу икки ҳарам юрти аҳолисини озиқ-овқат ва иқтисодий ночор аҳволга олиб келиш ва халқ ғалаёнлари орқали амалга оширилади.

Муваффақиятсиз давлат тушунчаси халқаро ва глобал миқёсда қонунлаштирилган хавфли сиёсий тушунчалардан биридир. Қонунлаштирилган деганда, бу муваффақиятсиз давлат билан шуғулланиш учун халқаро қонунлар ишлаб чиқилганини англатади. Яъни икки муқаддас масжидлар юртини (муваффақиятсиз давлат) деб эълон қилиш БМТга уни бевосита бошқариш ҳуқуқини беради.

Муваффақиятсиз давлат атамаси тўқсонинчи йиллар бошларида АҚШнинг БМТдаги вакиласи сўзлаган нутқда пайдо бўлди. Қўшма Штатлар чиқарган ва аниқ таърифи бўлмаган барча тушунчалар каби, бу ҳам англаш қийин мавҳум тушунча. Масалан, терроризм тушунчаси, гендер тушунчаси, хотин-қизларга имконият яратиш тушунчаси, демократияни ёйиш тушунчаси ва ҳоказо каби. Бу халқаро ҳуқуқ матнларини қўллаб-қувватлаш ва тасдиқлаш билан ушбу давлат ишларига аралашишга, унинг суверенитети ва ваколатларини белгилашга ҳамда хавфсизлик хизматларини, армияни, суверен институтларини Халқаро Жиноят суди статутининг 34-моддаси ва БМТ низомининг 4-моддасига мувофиқ ташкил этишга йўл очади. Биз икки ҳарам юртида содир бўлаётган воқеаларни айнан шунга қараб кетаётганини кўряпмиз.

Икки ҳарам юрти бўлинадими?

Ушбу бўлиниш ҳақида сўз юритганимизда кўпчиликнинг фикрига Бернард Луис келади. Бироқ 1982 йилдан шу кунгача бўлишга оид ўнлаб лойиҳалар юқори даражадаги экспертлар томонидан АҚШ конгрессига таклиф этилган. Ғарб оммавий ахборот воситалари асосий эътиборни Бернард Луисга қаратишади, гарчи у энг муҳим шахс бўлмаса ҳам. Эҳтимол, бундан эътиборни чалғитиш ёки лойиҳанинг хаёлий эканлиги ҳақида ёлғон тасаввурни пайдо қилиш кўзланган. Бироқ бу

борадаги режалар жуда кўп, ҳатто муаллифи шубҳали бўлган даражада қоронғи лойиҳалар мавжуд. Улар билан танишиш ёки хабарларини текшириш осон эмас. Масалан:

- Ральф Питерснинг «Қон чегараси» номли режаси (2006 йил). Бу режа уч асосга асосланган: «Исроил»нинг ҳукмронлиги, нефть манбаларига эгалик қилиш ва курдлар хавфсизлиги.

- Бенгурий режаси (1957 йил). Уни мисрлик стратегия бўйича эксперт генерал-майор Ҳассом Сувайлим айтиб ўтган. У яҳудийларнинг 18 йил давом этган Ливан уруши пайтида қабул қилинган. Унда Ливанни бир неча «картон» давлатчаларга бўлиш, Байрут эса халқаро васийлик остида бўлиши таклиф қилинган.

- Овед Йиноннинг режаси (1982 йил). У шу даражада номаълум кимсаки, унинг фақат бир дона суратини топасиз. У Ликуд партиясининг кўплаб стратегияларининг муҳим муфаккири бўлиб, унинг режаси 1982 йил «Кивуним» журналида нашр қилинган.

- Жеффри Голдбергнинг «Харита» деб аталган режаси (The Atlantic, 2008 йил). Яҳудий армиясида хизмат қилган бу кимса ўз режасини машҳур «The Atlantic» номли журнал саҳифаларида эълон қилган. Унинг бу режаси АҚШ сенатининг Ироқни бўлишга оид (бажарилиши мажбурий бўлмаган) режани қабул қилиши даврига тўғри келган.

- Бу ерда Бернард Луиснинг машҳур режаси ҳам бор.

- Сиёсий тадқиқотчи доктор Ёсир Нажм ҳатто юқори даражали шахсларнинг 15га яқин режаларини санаб ўтган.

Нима бўлганда ҳам, ушбу эълон қилинган режаларнинг барчаси татбиқ қилинмаган, улар оммавий ахборот воситаларида қўлланиб, жамоатчиликнинг муайян реакциясини қўзғатиш учун мўлжалланган.

Аммо разведка ва стратегик экспертлар Конгрессга тақдим этиш учун курашаётган бу жуда кўп сонли бўлиниш режалари бизга Америка ҳақиқатдан ҳам минтақани тақсимлашни хоҳлаётгани ҳақида аниқ тасаввур беради. Айниқса бизда Жанубий Судан ва курд ҳудудлари каби амалий мисоллар мавжуд. Аммо биз Америкадек кучли бир давлат режа тузишда, ўз режаларини газета ва журналларда чоп этадиган шахсларга – ҳатто улар юқори лавозимли кишилар бўлса ҳам –

суянмаслигига аминмиз. Айниқса, бўлиш сиёсати Яқин Шарқ сингари жуда муҳим минтақа билан боғлиқ бўлган бир пайтда. Бундан ташқари, шундоқ ҳам Америка қўлида экспертлар, сиёсатчилар, олимлар ва стратеглар каби бутун бир армия бор. Бироқ, қатъий айта оламизки, эълон қилинмаган ва бўлиш фитнасининг умумий линияси доирасига кирган бир режа албатта бор.

Икки ҳарам юрти бўлинишга бўйсунмайди... Бироқ!

Бугунги кунда икки ҳарам юрти ҳолатида, агар сиз бўлиш режаларини ёки эълон қилинган бўлиш лойиҳаларини ўрганиб чиқсангиз, уларнинг барчаси муҳим бир масалага ишора қилаётганига гувоҳ бўласиз. Яъни экспертлар ва разведка хизматларининг шайтонлари Миср ва икки ҳарам юртини бўлиш қийин деб ҳисоблашади. Чунки бу юртларнинг демографик ва диний шароитлари бўлиш операциясига мос келмайди. Масалан Судан давлати Дарфур, марказ ва жанубий минтақаларга бўлингани ёки Ироқ сунний, шиа ва курдларга бўлингани каби.

Мамлакатда демографик уйғунлик ва мафкуравий тотувлик мавжуд экан, бўлиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун Миср ва икки ҳарам юрти бўлиниши қийин, лекин уларни мутлақо бўлинмайди деб бўлмайди.

Бугунги кунда сиёсий майдонда инкор этиб бўлмайдиган нарсалардан бири шуки, Америка – унинг ташқи сиёсати ҳам буни яққол кўрсатиб турибди – ўзи мақсад қилган бирор минтақада низолар ва тартибсизликлар келтириб чиқариш орқали ўз нуфузини ёяди, кун тартибини татбиқ қилади ва ҳукмронлигини ўрнатади.

Буларга Иккинчи жаҳон уруши ва Европани қайта тиклашдан тортиб, Эрон-Ироқ урушигача, сўнг Кўрфаз уруши ва нефть манбаларига ҳукмронлик қилиш, Ироқни босиб олиш, Сурия қўзғолони ва бошқа араб давлатлари қўзғолонларини тартибсиз аҳволга келтириш, шу орқали бутун минтақани қайта тузиш... кабилар мисол бўлади.

Ҳатто Эрон-Ироқ уруши тугаш арафасига келганда АҚШ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Бжезинский биринчи Форс кўрфази уруши тугамай туриб, дарҳол иккинчи Форс кўрфази урушини келтириб чиқариш зарурлигини, шунда Америка

Сайкс-Пико чегаралари бўйича «хато»ларни тузатиши мумкинлигини айтган эди.

Шунинг учун икки ҳарам юртида диний ва демографик уйғунлик мавжуд бўлгани сабабли этник ва тоифачилик низоларини келтириб чиқаришнинг иложи бўлмаган бир пайтда, Америка икки ҳарам юртини бўлишга эришиш мақсадида Ироқ ҳолатидан бошқача турли услубларни ишга солмоқда. Бу эса Ироқ, Сурия, Ливия, Яман ва Суданда қилганидек ички қуролли низолар келтириб чиқариш ўрнига, «муваффақиятсиз давлат» қонунидан фойдаланишдир.

Америка икки ҳарам юртида мазҳабпарастлик ва тоифачилик низолари қўзғай олмагани учун бошқа ечим топганига гувоҳ бўляпмиз.

Мамлакатни ичкаридан парчалаш:

Сиз икки ҳарам юртидаги сиёсий ва хавфсизлик вазиятига яхшилаб назар ташласангиз, мамлакат ичкарисининг чор атрофида кризислар мавжуд эканига гувоҳ бўласиз. Бу кризисларни тобора кучайтириш – мамлакатни «муваффақиятсиз давлат» тушунчасига олиб боришга қаратилган қасддан қилинган жараён дир. Бу унинг маълум бир қисмларини, масалан шарқий ёки жанубий минтақани ажратиб олиш ё икки ҳарам шарифни байналмилаллаштириш ёки нефть манбалари минтақаларини хусусийлаштириш ёхуд Наждни Ҳижоз ва Тихомадан ажратиш... имконини беради.

Яна бир тез назар ташлашда биз Ибн Салмоннинг бир неча ойда Яманга ҳарбий жиҳатдан аралашишга ваъда берганига гувоҳ бўламиз, аммо бир неча йил ўтди ҳамки, Саудия армияси ҳамон жанубий чегарада қолмоқда. Кейин, Саудия Ҳусийларнинг қатор учувчисиз самолётларини юборишлари олдида ҳам, стратегик нефть заводларининг ёниши олдида ҳам ҳеч нарса қилолмай ўз обрўсини йўқотди. Ҳатто унинг расмий армияси мамлакат ва унинг халқи олдида ўз ҳайбатини йўқотди ва кўпчилик олдида кулги бўлди.

Кейин биз, шунингдек, кўнгил очар тадбирлар ҳайъати ва аёллар учун янги қонунлар ижтимоий вазиятни ҳимоя ҳолатидан итоатсиз ва қулаган ҳолатга қандай ўзгартирганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, «миллий байрам», «женадрия сайли» (фольклор байрами) каби оммавий тадбирлар уюштирилганини, бемаъни нарсаларга жуда катта

пул сарфланаётганини кўряпмиз. Масалан, гольф майдони ва «формула 1» мусобақаси (умумий қиймати 3 миллиард доллар), «Ньюкасл Юнайтед» футбол клубини сотиб олиш, Роналду билан шартнома имзолаш ва одамлар ризқини юз миллионлаб арзимас нарсаларга сарфлаш каби. Буларнинг барчаси билан икки ҳарам қироллари аҳоли устидан (инқилобий) таъсирини синаб кўришяпти. Қирол Холид даврида ҳам худди шундай ишлар «Ихвон» ҳаракатининг шаклланишига сабаб бўлди, кейин эса «Жуҳаймон Утайбий кризиси (ҳужумлари)» содир бўлди. Буларнинг барчаси мамлакатни жунбушга келтириб, исён чиқаришга қаратилган ҳаракатлардир.

Шунингдек «Неом» лойиҳаси, шу билан бирга, Кушнер стратегияси ва унинг Тель-Авивдаги офиси билан ҳамкорлик қилиш, яҳудийларнинг орага киришлари ва уларнинг мулкларини ҳимоя қилиш «Diarna» муассасасининг фош бўлиши, кейин соҳил шаҳри «Линия» лойиҳасининг фош бўлиши ҳамда Саудиянинг «Неом» лойиҳаси билан Тавротда айтилган Наум мамлакати ўртасидаги шубҳали боғлиқлик, унинг ҳудудларининг Сифр Таквин (яҳудийларнинг даъвосича Мусо ﷺ га нозил қилинган беш китобнинг биринчиси)да зикр қилиниши ва харитаси 1917 йил Нью-Йоркда «Hashashar» журналида чоп этилиши ва ҳоказо. Бу харита Ағора, яъни яҳудийларнинг тангасидаги хаританинг ўзидир. Бундан ташқари, биз Муҳаммад Исо ва унинг Саудия мамлакатига масонлик ғояларини сиздиришига бўлган ҳаракатларини ҳали унутмадик.

Қолаверса, қабилалар шайхларини таҳқирланиши инқироzi ва асосан икки ҳарам юртидаги энг катта ҳисобланган Утайба қабиласи амири шайх Файсал ибн Султон ибн Ҳамиднинг қамоққа олиниши ва якка камерада сақлаш билан хорланиши, кейин бадавий қабилаларнинг, асосан, Ҳувайтот қабиласининг кўчирилиши, кейин бир неча шаҳарларда уй-жойларни мусодара қилиш ва бузиб ташлаш, асосан, Жидда шаҳридаги уйларни вайрон этиш инқироzi каби.

Ҳижоз ва Тиҳома минтақасидаги Бен Ладенлар оиласи, Нувайсир, Холид Зайнал ва Муҳаммад ибн Ҳусайн Амудий каби минтақада энг йирик ҳисобланган савдогарларни йўқ қилиш учун қутурган кампаниянинг бошланиши. Кейин Ҳижоз

қабилалари мувофиқлаштирувчиси шайх Абдуллоҳ Туркийнинг қамоққа олиниши ва якка камерада сақлаш билан хорланиши.

Сўнг амирлар, йирик тужжорлар ва уламоларни, ҳатто икки ҳарам шайхи Солиҳ оли Толиб каби имом-хатибларни зўравонлик билан ҳибсга олиш ҳолатлари каби.

Буларга узоқдан юзаки қараган кишига аҳмоқ ҳукмдор айиқ каби ўз нодонлиги туфайли мамлакатни вайрон қиляпти деган хаёл келади. Бироқ, юқорида айтганимиздек, воқелик бундан бир мунча мураккаб.

Муҳаммад ибн Салмон мамлакатни хонавайрон қилиш учун қасддан режалаштирилган тарзда астойдил ҳаракат қиляпти. Аммо бу Ироқдаги каби услубда эмас, балки бу давлатнинг ўз-ўзидан қулашига олиб келадиган ички бузишдир. Шунда унинг бўлиниши табиий иш бўлади. Ўз навбатида, бу ҳол мамлакат аҳли, хусусан, мамлакат катталари, оқсоқоллари ва армия раҳбарлари зиммасига шошилиш чора кўриш вазифасини юклайди.

Икки ҳарам юрти аҳли шуни яхши билсинларки, мамлакат фожиали ва кенг миқёсда рўй берадиган ички таназзулга юз тутмоқда. Таназзулга тушиши биланоқ мамлакатнинг амалда қарор берувчиси Америка бўлади ва у юртни ўзи истаган «Янги Яқин Шарқ» лойиҳасига мос янгича услубда қуради. Бу иш осон бўлмайди. Балки армия қулаши фонида (Америка) ўз малайлари орқали қабилаларни ўзаро курашга ундаш билан мамлакатни бошбошдоқлик ҳолатига олиб келади. Оқибатда икки ҳарам юрти жоҳилиятдаги қабилавий ҳолатга олиб келинади. Айни тартибсизлик орқали Америка нефть манбалари, таъминот линиялари ва асосий транспорт йўлларини ўзи учун хавфсиз ҳолатга олиб келади. Мамлакатни эса хавфсизлиги бузилган, иқтисод издан чиққан, қашшоқ ва очлик ҳолатига олиб келади.

Бугун тақдим этиш мумкин бўлган ягона насиҳатимиз шуки, режа борасида Американи ортда қолдирмоғимиз лозим. Ислом булоғи ва илк Ислом давлатининг марказий нуқтаси бўлган ва ҳамон мусулмонлар туйғуларининг қибласи бўлиб турган ушбу икки ҳарам юрти қайтадан ўз аслига, рошид Ислом давлатига қайтмоғи лозим. Ислом давлатигина мусулмонларга қайта етакчилик қилиб, давлат ишларини тартибли ҳолатга

келтиради ва бутун оламини бошқариш сари ҳаракатга келади, инша Аллоҳ.

Кўрфаз аҳли бу борада бепарволик қилиши жоиз эмас. Чунки сизлар етакчилик ва исломий инсоний куч маркази бўлгансиз. Дунёдаги энг кучли ўнта қабила (Утайба қабиласи, Анза қабиласи, Ғомид қабиласи, Заҳрон қабиласи, Қаҳтон қабиласи, Давосир қабиласи, Шамр қабиласи, Мутайр қабиласи, Жаҳина қабиласи ва Бану Тамим қабилалари) сизнинг юртингизда. Бу қабилалар пуштунлар каби олам даражасида инсоний кучда тенги йўқдир. Улар жанговар қабилалар бўлиб, сони кўп, аммо ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган Хитой, Япония ва Россия халқлари каби эмаслар. Аксинча, икки ҳарам юрти қабилалари ҳар бирининг қўлидан қилич тушмайдиган, жанговар ва тажрибали қабилалардир.

Бас, мана шундай қабилалар икки ҳарам заминининг Оли Сауддек бир «жосус қабила» қўлида парчаланишини кўриб, жоҳилият даврига қайтишини томоша қилиб, қўл қовуштириб туришлари мумкин эмас, бу ақлга ҳам, динга ҳам, эр кишилар ўлчовига ҳам асло тўғри келмайди.

Икки ҳарам юрти бўлиниш ва яширин сиёсий келишувлар сари кетмоқда, бу келишувлар ҳозир ҳам амалда мавжуд. Масала вақт масаласи. Чунки вазият портлаб, Америка кириб келиши ва аввалдан тайёрлаган ўз малайлари ёрдамида ичкарига ўзининг режасини зўрлаб тиқиштириши турган гап.

Яқин кунларда Исломий Уммат етакчилигида икки ҳарам юртида уйғониш бўлишини ва Аллоҳ йўлида жиҳод байроғини (рошид Халифалик роясини) кўтариб, рошидинлар замони янгиланишини кўрамизми? Ёки Америка Ироқ, Сурия, Судан ва Ливиядан кейин (Аллоҳ сақласин) бу юртни парчалашга муваффақ бўлиб, бу икки ҳарам юртини ўша ботқоқда топамизми? Ҳа, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида кўтарилган аввалги уйғонишдан бошқа уйғонишни кўрамизми. Ўшанда уйғонишни Оли Сауд, Оли Шайх уламолари ва уларнинг тарафдорлари йўқ қилган эди. Ўша уйғонишда таклиф қилинган нарсалар Умматда унинг қўзғолонлари маркази – рубубият ва улўҳият тавҳиди билан бир қаторда ҳоқимият тавҳиди – борасида умид уйғотган эди. Ҳоқимият тавҳиди уларнинг наздида Халифалик давлатини барпо қилишдан бошқа нарсани англамасди.

Шоядки, биз Росулulloҳ ﷺнинг

«إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ غَرِيبًا كَمَا بَدَأَ، وَهُوَ يَأْرِزُ بَيْنَ الْمَسْجِدَيْنِ كَمَا تَأْرِزُ الْحَبَّةُ إِلَى جُحْرِهَا»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди, яна бошлангандагидек ғариб бўлиб қайтади. Ислом худди илон ўз инига қайтганидек яна икки масжидга қайтади», деган башоратлари олдида турибмиз. Ушбу ҳадисни имом Муслим ўз саҳиҳида Ибн Умар رضي الله عنهнинг ҳадисидан чиқарган.

Аллоҳим, икки ҳарам юртини ҳифзи ҳимоянгда асра, уни кофирларнинг макри ва хоинларнинг қўлдан бой беришидан қутқар, уни қайта Ислом ва мусулмонлар қалъасига айлантир. □

**Ироқ парламенти гомосексуалликни жиноят дея қарор
чиқармоқда**

**«Хьюман Райтс Вотч» бу қарорга қарши чиқаётган бўлса,
Америка ва Британия қарорни хавф деб ҳисобламоқда**

2024 йил 25 апрелда Ироқ парламенти янги қонун қабул қилди. Унинг амалдаги таҳририда илгаригидек ўлим ва умрбод қамоқ жазоси ўрнига қонунбузарларга нисбатан турли муддатларга қамоқ жазоси назарда тутилган. Ушбу қонун «бузуқликка қарши қонун»га киритилган тузатишлар доирасида қабул қилинган. Унга кўра, бир жинсдаги шахсларнинг жинсий алоқа қилганликлари учун 10 йилдан 15 йилгача қамоқ жазоси, ўз жинсини ўзгартириш учун жарроҳлик амалиёти қилган ёки қилдирган шахслар (яъни қасддан жинс ўзгартириш билан шуғулланганлар) учун 1 йилдан 3 йилгача қамоқ жазоси белгиланди. Қонун, шунингдек, «гомосексуализм» деб аталган нарсага тарғиб қилувчи ҳар қандай ташкилотни тақиқлайди ва унга 7 йилдан кам бўлмаган қамоқ ва 10 миллион динар (7600 доллар) жарима жазоси белгилайди. Ушбу қонун эълон қилинганидан бир кун ўтиб, АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Мэттью Миллер «бу қонун Ироқ жамиятидаги энг заиф шахсларга таҳдиддир, бу сўз эркинлигига тўсқинлик қилишда ишлатилиши мумкин», деб баёнот берди. Ушбу қонунни Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Кэмерон бу «хавф ва хавотир уйғотувчи» қонун деди. 2024 йил 27 апрелда «Хьюман Райтс Вотч» ташкилоти ҳам қонунни «дарҳол бекор қилиш»га чақирди. «Бу қонун Ироқда зўравонлик ва камситишни кучайтиради ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, жумладан сўз эркинлиги, уюшмалар тузиш, шахсий дахлсизлик, тенглик кабиларга путур етказди, ҳамда гей, лесбиянка ва трансгендерларнинг (ЛГБТ) камситилмаслик ҳуқуқларини бузади», деди.

Ал-Ваъй: Гарчи Ироқ парламентининг бу қонунни қабул қилишдан мақсади гомосексуализм жиноятлари учун ўлим ва умрбод қамоқ жазосини маълум муддатга қамаш жазосига енгиллаштириш бўлган эса-да, бироқ икки ёвузлик ўчоғи (АҚШ ва Британия бошчилигидаги жиноятчи илмоний кофир Ғарб ва у пайдо қилган бадбўй ташкилотлар, жумладан

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни даъво қиладиган Хьюман Ратс Вотч каби сохта ташкилотлар дунёда разиллик ва ахлоқий бузуқликни тарқатишда ягона позицияни эгалламоқда.		
«Исроил»нинг Ғазодаги омадсизлиги АҚШнинг Вьетнамдаги омадсизлигига ўхшайди		
<p>Гарчи (Исроил) ичкарасидагилар Ғазо уруши иккинчи мустақиллик урушимиздир, деган фикрга келишишган эса-да, бироқ бу келишув ҳозирги уруш услубини мутлақо ноўрин деб ҳисоблаш даражасига етди. Чунки Ғазо секторидаги уруш бошлангандан бери (Исроил) босқинчи армияси ўлдирганини даъво қилган жангарилар сонига ҳар куни янгиланишлар бўлди. Босқинчилар шунча тоннелларни вайрон қилишди, жангариларнинг инфратузилмасига зарар етказишди, бироқ бу рақамлар улар даъво қилган «мутлақ ғалаба» сари йўлни равон қилолмаяпти. Бар-Илан университетининг Яқин Шарқ бўйича профессори шарқшунос Эҳуд Баланга бундай деди: «Зоҳиран олганда ва оммавий ахборот воситалари, жумладан яҳудий армияси матбуот хизматлари тақдим этаётган хабарларга қараганда, Исроил армияси ўз мақсадларига эришиш йўлида эмасдек. Чунки у эълон қилган рақамлар «тўлиқ ғалаба»га эришиш учун тўғри йўл бўлмаса керак. Чунки ҳарбийлар тилида бу усул «жасадларни санаш», дейилади ва бу босқичда душманнинг ҳалок бўлганлари сони унинг янги кадрларни ёллаш ва тайёрлаш лаёқатидан кўра кўпроқ бўлади. Жанговар муваффақиятнинг ўлчови душман кучларини қанчалик йўқ қилинганида. Чунки ҳар бир босқичнинг охирида амалда босиб олинган ерларнигина эмас, душманни ва вайрон қилинган нишонларни санаш лозим». Эҳудни таъкидлашча, бу «жасадларни санаш», деган гапни фақат Исроил ўйлаб топмаган, балки америкаликлар ҳам Қувайт уруши пайтида «жасадларни санаш»ни жанговар ютуқларга ўлчов қилиб олишган ва Вьетнам урушида бу атама энг юқори чўққига чиққан. Жасадлар сони, тасдиқланган ўлдириш ва ўлдириш нисбати урушнинг энг машҳур ибораларига айланган. Бироқ, шунга қарамай, АҚШнинг ўша пайтдаги асл муваффақиятсизликлари сабабли бу йўл мақсадга олиб</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>бормаган. Шунинг учун «Исроил»нинг бу қўрқувидан кўриниб турибдики, босқинчи армиянинг Ҳазодаги бирор ҳудуддан чиқиб кетиши ҳарбий бўшлиқни пайдо қилмоқда ва қаршилиқ ҳаракатидагиларнинг аксари ҳарбий кийим киймаганликлари улардан қанча жангчи ўлдирилганини аниқлаш қийинчилигини туғдирмоқда.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Яҳудийлар қаршисида бир жангчи гуруҳ турибди, холос. Ҳали Уммат жиҳодга чиқса нима қилишаркин?! Аллоҳнинг мадади ила, эртага яҳудийлардан ўч олиш қандай бўлишини кўриб қўйишади. Унда жасадларини санашга ҳам улгурмай қолишади.</p>		
<p>Исроиллик ёзувчи: Ҳазо уруши Америкада Ислом обрўсини ошириб юборди</p>		
<p>Бар-Илан университетининг АҚШ ва Ислом масалалари бўйича эксперти «исроиллик» ёзувчи Элад бен Дэвид Ҳазо секторига қилинган тажовузлар Ҳарбда мисли кўрилмаган антисионистик баёнотлар қўзғаганини айтди. Унинг «Israel today» сайтига айтишича, мусулмонларнинг фаластинликлар учун кураши нафақат Ислом ва мусулмонларнинг Ҳарбдаги мавқеини мустаҳкамлади, балки уларни адолат учун, таъбир жоиз бўлса, зулм ва ноҳақликка қарши фаол курашаётганлар сифатида ижобий таснифламоқда. У яна қуйидагиларни таъкидлади: Ўтган йилнинг 7 октябри АҚШда Ислом мақомини мустаҳкамлаши мумкин бўлган бурилиш нуқтаси бўлди. Намойишлар шунини кўрсатмоқдаки, асосан кўплаб талабалар Фаластин мусулмонларининг Ҳазо йўлидаги курашига қизиқишяпти. Бу эса ёш америкаликлар орасида кучли акс садо бермоқда. Шунингдек, исломий воизлар Қўшма Штатлардаги нуфузли университетларга таклиф қилинмоқда ва бу ғайратли талабаларда адолат туйғусини уйғотиб, уларнинг ҳозирда «тарихнинг ўнг томонида» эканликларини таъкидламоқда. Ушбу даъватчилардан айримлари, айниқса, ижтимоий тармоқда жуда машҳур бўлмоқда ва бу уларнинг ўз даъватларини америкаликларга, миллионлаб кузатувчиларга етказиш имконини бермоқда. Уруш бошланганидан бери интернет тармоғида Исломни қабул қилиш воқеалари ҳам кенг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>тарқалди. Исломга янги кирганларнинг айтишича, улар Ғазодаги азоб-уқубат ва қийинчиликларни кўриб, Исломнинг фаластинлик мазлумлар озодлиги йўлида курашувчи дин эканини англаганлар. Ўз навбатида, бу Исломни қабул қилишларига илҳом берган. Ёзувчининг айтишича, тобора кучайиб бораётган исломлашув ҳодисаси АҚШни Исломни қабул қилиш бўйича Ғарбдаги етакчи давлатга айлантирган. Бугунги кунда Қўшма Штатларда христиан дини ва яҳудий динидан кейин учинчи энг катта дин Ислом ҳисобланади. Бу кетишда яқин ўн йилликда Ислом дини иккинчи энг катта динга айланиши турган гап. Мусулмон бўлганларнинг аксарияти америкалик насронийлар, оқ танлилар ва афроамерикаликлардир. Бу ҳақиқат Исроил ва дунёдаги энг йирик яҳудий диаспораси учун, айниқса, 7 октябрдан кейинги даврда катта геосиёсий оқибатларга олиб келади.</p> <p>Ал-Ваъй: Ислом дини 7 октябрдан олдин ҳам энг тез ёйилаётган дин эди. Аллоҳнинг изни ила, келажак ҳам Исломникидир. Унинг барча динлардан ғолиб бўлиши аломатларидан бири у яҳудий вужудини йўқ қилаётганидир.</p>		
<p>Моди ўзининг «илоҳийлиги» билан тарафдорларини алдамоқда ҳамда Ислом ва мусулмонларга нафрат қўзғамоқда</p>		
<p>Гардиан газетаси май ойи охиридаги сонида «Гардианнинг Ҳиндистон сайловларига оид қарашлари: Нарендра Модининг нафрат тарқатишдаги жасорати» сарлавҳали бош мақола чоп этди. Унда шундай таъкидланади: «Ҳиндистон бош вазири ўзининг илоҳийлигига одамларни рағбатлантирмоқда. Бу эса ўз издошларини гўё худонинг мақсади қўрқув ва нафратни тарқатиш эканлигига ишонишга олиб келади». Газета мақолада таъкидлаганидек «Ҳиндистон сайлов қоидалари китобида ҳеч бир партия ёки номзод мавжуд тафовутларни кучайтирадиган, ўзаро нафрат уйғотадиган, ёки турли мазҳаб ва жамоалар ўртасида диний ёки тилга оид муаммо келтириб чиқарадиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас». Кейин газета «Бирор кимса бу ҳақда Нарендра Модига айтмадими?» дея қораловчи саволни ўртага ташлади. Бу билан газета «Модининг Ҳиндистондаги 200 миллион мусулмонни аксар</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>ҳиндулар учун реал таҳдид қилиб тасвирлаётганига» ишора қилди. Унинг Бхаратия Жаната партияси олиб бораётган сиёсий стратегия ҳинд цивилизацияси қаршисидаги таҳдидларни ва мусулмонларга қарши бирлашган ҳинду халқига эҳтиёж борлигини таъкидлашдан иборат. Шунга қарамай, Моди ушбу ҳинд миллатчилигига энди ўзини Аллоҳ томонидан юборилган деган даъвони қўшяпти. Унинг асосий рақиби Раҳул Ганди «бундай даъво қилган ҳар қандай кимса психиатрга кўриниши керак», деди. Газетага кўра, ўн йил олдин Моди иш ўринлари масаласи унинг устувор йўналиши бўлишига ваъда берган. Бироқ ишсизлик даражаси деярли ўзгаргани йўқ. Ўсиш мевалари Бхаратия Жаната партиясини қўллаётган бойларнинг чўнтагига тушмоқда. Ҳозиргача Ҳиндистонда тенгсизлик қайд этилган юқори даража Моди даврида бўлди, бу ажабланарли эмас. Аммо Ҳиндистон учун асосий муаммо шундаки, илоҳликни даъво қилаётган Моди хавф ва ғазабни сиёсий кучга айлантира олишга устаси фаранг.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Моди ва тарафдорлари позициясидаги яна бир асосий нарса, уларнинг Ислом ва мусулмонларга душманликда «Исроил» билан жуда ўхшашликларидир. Маълумки, Моди Нетаняху билан қалин дўст ва ҳамфикр. Бугун Ҳиндистон ва «Исроил» Ҳиндистондаги қашшоқ ишчи кучининг фаластинлик ишчилар ўрнини эгаллашларини ишташяпти. Чунки фаластинликлар ишғол қилинган ҳудудларда энди ишлаш учун рўхсатнома олишдан маҳрум бўлганлар.</p>		
<p>«Исроил» ҳисоботи: ҳарбий хизмат учун қидирувга берилганларнинг 10 фоизи ақлий ва руҳий хасталикдан азият чекканлар эканини даъво қилишмоқда</p>		
<p>Едиот ахронот газетасининг маълум қилишича, қатор «исроиллик» аскарлар ақлий ва руҳий хасталик даъвоси билан ҳарбий хизматдан қочмоқда. Улар бу ишда психиатр ва адвокатлар билан тил бириктириб, пора эвазига ўзларига психик хаста деган ташхис қўйдириб олишмоқда. Суриштирувга кўра, ҳарбий хизматга ёки резервга яроқли 18 ёшли ўсмирлардан минглаби топилган ва улар психиатрлардан ёлғондан ақлий носоғломлик ҳужжати тайёрлаб олишган. Бунга</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>қўшимча, бу ишга уруш пайтида пул ишлаб олиш учун бир қатор адвокатлар ҳам аралашган. Коррупцияга қарши кураш хизматининг юқори лавозимли бир расмийси бундай дейди: «Ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган йигитларнинг 10 фоизи тиббий ва ақлий сабабларга кўра эканлигини маълум қилди. Табиий савол туғилади: наҳотки аҳолининг 10 фоизи шундай бўлса?! Йўқ, албатта. Биз дуч келадиган қийинчилик далилга эришишда. Чунки бизда психиатрнинг гўёки ҳақиқий фикрига қарши ҳеч қандай далил йўқ. Агар биз барча муаммоларни текширмоқчи бўлсак, ҳалокатга учраймиз».</p> <p>Пора олаётган шифокор ва адвокатлар ҳақида босқинчи «Исроил» армиясидаги ҳарбий қисм қўмондонларидан бири «Улар касбий этика қўмиталаридан лицензиясини олиб қўймагунча, мен улар билан қаттиқ курашаман», дейди. У ҳарбий жавобгарни хизматдан озод қилиш учун чиқарилган ҳар бир қарорни текшириш учун яҳудий армиясида инспекторлар етишмаслигини тан олди. Сўнг ҳарбий сафарбар этилганларнинг ақлий ва руҳий касалликлари ҳақидаги даъво аризаларини ўрганиш учун психиатрия шифокори Моти Маркка мурожаат қилганини айтиб, «Улар ёлғон гапиришаётганини эътироф этишади, ҳатто баъзилари ўтмишда уларни синаб кўрганларида ёлғон гапиришган, айримлари буни очиқ айтишдан уялишмайди. Мен бундайларга қарши – то касбий этика қўмитаси уларнинг лицензияларини бекор қилмагунча – шафқатсиз курашаман», деди. Босқинчи армия раҳбарлари харидим номи билан танилган ультра ортодокс яҳудийларни армияга жадал ёллашда уларнинг армия сафига қўшилиши учун мўлжалланган синовларни ўзгартириш, янги ўқув базаларини яратиш ва хизмат қилиш қоидаларини харидимларга мослаштириш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиш зарурлигини таъкидлади. «Исроил» телерадио корпорацияси мудофаа вазири Йоав Галант ўз идораси ходимларига харидимлар билан боғлиқ ҳарбий хизматга чақириш қонун бўйича бош вазирлик билан ҳамкорлик қилмасликни буюрганини айтган. Шуниси эътиборлики, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш тўлқини, асосан, «Исроил» олий суди қарори чиққандан кейин кучайди. Қарорда харидимлар билан Таврот</p>		

диний мактаби талабаларини (Исроил) армиясига чақирувдан озод қилиш ҳақидаги қонун бекор қилиниши айтилган.

Ал-Ваъй: Яҳудийлар қўрқоқ ва ҳаётни – ҳар қанча разил ҳаёт бўлмасин – яхши кўрадиган қавмдир. Улар маккор, фитначи ва ёлғончи халқ... Ҳаргиз жанговар халқ эмас... Уларни кутиб турган кун эса яқиндир. □

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

АЛЛОҲНИНГ ГУВОҲЛИГИГА КЎРА, ЯҲУДИЙЛАРНИНГ ҲЕЧ ҚАЧОН
ЙЎҚОЛМАЙДИГАН, ЎЗИГА ХОС СИФАТЛАРИ

• Улар Ислом ва мусулмонларга энг ашаддий душмандир, мусулмонларга зарар етказишга ҳам энг қаттиқ улар уринишади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدَاوَةً لِلَّذِينَ ءَامَنُوا الْيَهُودَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا﴾

«Иймон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз» [Моида 82]

Ибн Касир ушбу оятнинг тафсирида айтади: «Яҳудийларнинг мўминларга қаттиқ адоват қилишлари сабаби шундаки, уларнинг кофирлиги қайсарлик, инкор, ҳақдан саросимага тушиш, бошқа инсонларга паст назар билан қараш ва илм эгаларини камситишдан иборатдир. Шунинг учун улар кўплаб пайғамбарларни ўлдиришди, ҳатто пайғамбаримиз Мухаммад ﷺ ни ҳам бир неча марта ўлдиришга ҳаракат қилиб, у кишига қарши сеҳр ишлатишди. Шунингдек ўзларига ўхшаш мушрикларни у кишига қарши гижгижлашди, уларга қиёматгача Аллоҳнинг лаънати бўлсин». Саъдий бу оят тафсирида айтади: «Улар одамларнинг Ислом ва мусулмонларга энг қаттиқ душман бўлгани ва уларга нафратлари туфайли ҳаддан ташқари ҳасад, қайсарлик ва кўфр билан уларга зарар етказишга ҳаракат қиладиганлардир».

• Улар тилларида Аллоҳнинг буйруқларига амал қилиши ҳақида айтишади, амалда унинг тескарисини қилишади. Аллоҳ Таоло бу ҳақда бундай дейди:

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الطُّورَ خُذُوا مَا ءَاتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَسْمِعُوا قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأُشْرِبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ فَلْ يُسَمَّا يَا مُرْكُم بِهِ ءَايْمُنُكُمْ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Эсланг (эй Бану Исроил), биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тоғини кўтариб туриб: «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг»,

деганимизда, «Эшитдик ва бўйсунмадик», дейишди. Кофирликлари сабаб кўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиш билан тўлади. Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, иймонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?»»

[Бақара 93]

Саъдийнинг тафсирида шундай келади:

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الطُّورَ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَسْمِعُوا﴾

(Эсланг (эй Бану Исроил), биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тоғини кўтариб туриб: «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг», деганимизда) яъни қабул қилиш, итоат, ижобат билан қулоқ солинг деганимизда «Эшитдик» дейишди. Лекин куфрлари сабабли

﴿وَأَشْرَبُوا فِي قُلُوبِهِمْ﴾

(Кўнгиллари фақат (бузоққа) ибодат қилиш билан тўлади).

﴿قُلْ بئسما يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَانُكُمْ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

(Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, иймонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?»)

Яъни сизлар иймонни даъво қиласиз ва ҳақ динни қабул қилганмиз деб мақтанасиз, лекин Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирдингиз. Аллоҳнинг пайғамбари Мусо сизлардан кетгач, бузоқни илоҳ қилдингиз. Таҳдиддан ва устингизда Тур тоғини кўтаргандан кейингина Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларини қабул қилдингиз. Шунда ҳам фақат тилда қабул қилиб, амалда уни инкор этдингиз. Шундай экан, сизлар даъво қилаётган иймон ва дин қани? Агар сизлар даъво қилаётган иймон шу бўлса, ўз соҳибини туғёнга, Аллоҳнинг элчиларини инкор қилишга ва исёнга чорлайдиган иймон нақадар ёмон иймондир. Тўғри иймон ўз эгасини яхшиликка буюриб, ҳар қандай ёмонликдан қайтаради. Бу билан уларнинг ёлғон ва қарама-қаршиликлари аниқ бўлди.

• Уларнинг Аллоҳ Таолога қарши чиқишлари ҳамда ўзларини бой ва Аллоҳни камбағал деб даъво қилишлари, пайғамбарларни ўлдиришлари. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا وَقَتْلَهُمُ الْأَنْبِيَاءَ﴾

«Албатта Аллоҳ: «Аллоҳ камбағал, бизлар боймиз», деган кимсаларнинг сўзини эшитди. Уларнинг айтган гапларини ва пайғамбарларни ўлдирганларини ёзиб қўюрмиз»

[Оли Имрон 181]

Ибн Касир ушбу оятнинг тафсирида бундай дейди: «Мухаммад ибн Исҳоқ, Мухаммад ибн Абу Мухаммаддан, у Икримадан, у Ибн Аббосдан ривоят қилишича Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه байтул мидрос (яҳудийларнинг дарс оладиган жойи)га, яҳудийлар олдига кирди. У ерда бир қанча яҳудийлар Финҳас деган кишининг атрофида тўпланиб ўтиришган эди. Финҳас уларнинг олим ва билимдонларидан бўлиб, у билан бирга Ашяъ деган яна бир олим бор эди. Абу Бакр Финҳасга: «Ҳолингга вой бўлсин, эй Финҳас! Аллоҳдан қўрқ ва Исломни қабул қил! Аллоҳга қасамки, сен шубҳасиз, Мухаммад Аллоҳнинг элчиси эканлигини, Унинг ҳузуридан ҳақни келтирганини, Таврот ва Инжилда ёзиб қўйилганини биласан», деди. Финҳас Абу Бакрга: «Аллоҳга қасамки, эй Абу Бакр! Биз Аллоҳга муҳтож эмасмиз, У бизга муҳтож; У бизга ялингандек биз Унга ялинмаймиз; биз Ундан боймиз. У биздан бой бўлганида, соҳибингиз ўйлаганидек, биздан қарз сўрамас эди. У сизларни судхўрликдан қайтариб, ўзи бизга беряпти. Агар у бой бўлганида, бизга судхўрлик асосида бермаган бўларди», деди. Бундан Абу Бакр رضي الله عنهнинг жаҳли чиқиб, унинг юзига қаттиқ урди ва «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, биз билан сенинг ўртангда келишув бўлмаганида, бошингни узиб ташлардим, эй Аллоҳнинг душмани!», деди. Сўнг Финҳас Росулulloҳ ﷺнинг олдиларига бориб, «Эй Мухаммад! Қара, биродаринг менга нима қилди!», деди. Росулulloҳ ﷺ Абу Бакрдан **«Сени бундай қилишга нима мажбур қилди?»**, деб сўрадилар. Абу Бакр «Ё Росулulloҳ, Аллоҳнинг душмани оғир сўз айтди. У «Аллоҳ фақир, биз эса боймиз» деб даъво қилди. Бундай дегандан сўнг Аллоҳ учун ғазабланиб, юзига бир урдим», деди. Финҳас «Бундай демадим», деб инкор қилди. Аллоҳ Таоло Финҳасга раддия қилиб, Абу Бакрни тасдиқлаб, оят нозил қилди:

﴿لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ﴾

(Албатта Аллоҳ: «Аллоҳ камбағал, бизлар боймиз», деган кимсаларнинг сўзини эшитди). Ибн Абу Ҳотам ривояти. Аллоҳ Таолонинг:

﴿سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا﴾

(Уларнинг айтган гапларини ёзиб қўйурмиз), деган қавли таҳдид ва қўрқитишдир. Шунинг учун Аллоҳ Таоло уни

﴿وَقَتَلَهُمُ الْآتِيبَاءَ بِغَيْرِ حَقٍّ﴾

(Пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганларини) деган қавли билан боғлади. Яъни бу уларнинг Аллоҳ ҳақидаги гаплари ва Аллоҳнинг элчиларига нисбатан муомалалари бўлиб, Аллоҳ Таоло уларни бу ишлари учун жуда қаттиқ азобга дучор қилади.

• **Аҳд ва ваъдаларни бузиш, тошбағирлик, ёлғончилик, алдов ва хиёнат.** Тарих уларнинг бу хусусиятларига гувоҳдир, чунки улар Пайғамбаримиз ﷺ ни бир неча марта ўлдиришга ҳаракат қилишди ва бу ишлари орқали у киши билан тузган аҳдларини бузишди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فِيمَا نَقَضِهِمْ مِيثَاقَهُمْ لَعَنَّاهُمْ وَجَعَلْنَا قُلُوبَهُمْ قَاسِيَةً يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَن مَّوَاضِعِهَا وَتَسُوا حَظًّا مِّمَّا ذُكِّرُوا بِهِ ۗ وَلَا تَزَالُ تَطَّلِعُ عَلَى خَائِنَةٍ مِّنْهُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَأَصْفَحْ ۗ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Сўнг аҳд-паймонларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик ва тошбағир қилиб қўйдик. Улар (Тавротдаги Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбар бўлишлари ҳақидаги) сўзларини ўз ўринларидан ўзгартиришади, ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан эса (кўп) ҳиссасини унутиб юборишган. (Эй Муҳаммад), сиз мудом улар тарафидан қилинган бирон хиёнат устидан чиқасиз. Магар улардан (Исломни қабул қилган) озчилик кишиларгина хиёнат қилмайдилар, холос. Бас, уларни афв этиб, кечириб юбораверинг. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади» [Моида 13]

Ибн Касир тафсирида шундай келади:

﴿فِيمَا نَقَضِهِمْ مِيثَاقَهُمْ لَعَنَّاهُمْ﴾

(Сўнг аҳд-паймонларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик). Яъни улардан олинган аҳдни бузганлари сабабли уларни лаънатладик, бошқача айтганда, биз уларни ҳақдан ва ҳидоятдан узоқлаштирдик.

﴿وَجَعَلْنَا قُلُوبَهُمْ قَاسِيَةً﴾

(Ва тошбағир қилиб қўйдик). Яъни қалблари қаттиқ ва тошбағир бўлганлари учун панд насиҳатдан ибрат олишмайди.

﴿مُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ﴾

(Улар (Тавротдаги Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбар бўлишлари ҳақидаги) сўзларини ўз ўринларидан ўзгартиришади). Яъни тушунчалари бузилган ва Аллоҳнинг оятларини нотўғри талқин қилишади. Улар Аллоҳнинг Китобини нозил қилингандан бошқача тафсир қилишади, унинг мақсадини бошқа томонга буришади, у ҳақида айтилмаган сўзни айтишади. Бундан Аллоҳ сақласин.

﴿وَدَسُّوا حَظًّا مِمَّا ذُكِّرُوا بِهِ﴾

(Ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан эса (кўп) ҳиссасини унутиб юборишган). Яъни улар ўз истаклари туфайли унга амал қилишни тарк этишди. Ҳасан айтади: Улар динлари ва Аллоҳ юклаган бурчлардан воз кечишди, ҳолбуки амал ўшалар билангина қабул қилинади. Бошқалар айтади: Улар амални тарк этиб, ёмон аҳволга тушиб қолишди. Яъни уларда на соғлом қалб, на тўғри табиат ва на саҳиҳ амал қолди.

﴿وَلَا تَزَالُ تَطَّلِعُ عَلَى خَائِنَةٍ مِنْهُمْ﴾

(Сиз мудом улар тарафидан қилинган бирон хиёнат устидан чиқасиз). Яъни улар сизга ва асҳобларингизга макр ҳийла ва хиёнат қилишади. Мужоҳид ва бошқалар айтади: Яъни бу уларнинг Пайғамбаримиз ﷺ ни ўлдиришга мойиллигидир.

﴿فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاصْفَحْ﴾

(Бас, уларни афв этиб, кечириб юбораверинг). Бу нусрат ва ғалабанинг ўзидир.

• Одамларга тажовуз қилиш, уларнинг молларини ноҳақ истеъмол қилиш, Аллоҳ Таолога осий бўлиш ва ўз ораларидаги мункардан бир-бирини қайтармаслик. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴿٦٠﴾ كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ﴾

«Бану Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Исо ибн Марям тилида лаънатлангандир. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир. Улар бир-бирларини қилган мункар ишларидан қайтармас эди. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!» [Моида 78-79]

Ибн Касир ушбу оят тафсирида бундай дейди: Сўнг Аллоҳ Таоло ўз замонида нимага суюнганлари ҳақида уларнинг аҳволларини баён қилди ва шунинг учун ҳам бундай деди:

﴿كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ﴾

(Улар бир-бирларини қилган мункар ишларидан қайтармас эди. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!). Яъни уларнинг ҳеч бири ҳеч кимни гуноҳ ва ҳаром ишлардан қайтармас эди. Сўнг Аллоҳ Таоло улар қилган ишлардан огоҳлантириб, уларни айблайтиди:

﴿لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ﴾

(Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!). Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَمَّا وَقَعَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ فِي الْمَعَاصِي، نَهَتْهُمْ عُلَمَاؤُهُمْ فَلَمْ يَنْتَهُوا، فَجَالَسُوهُمْ فِي مَجَالِسِهِمْ - قَالَ يَزِيدُ: وَأَخْسَبُهُ قَالَ: وَأَسْوَاقِهِمْ - وَوَاكَلُوهُمْ وَشَارَبُوهُمْ. فَضَرَبَ اللَّهُ قُلُوبَ بَعْضِهِمْ بِبَعْضٍ، وَلَعَنَهُمْ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ»

«Бану Исроил маъсият қилишга киришгач, уларнинг уламолари уларни қайтаришди, лекин улар тийилишмади. Шунда уламолар уларнинг мажлисларида улар билан аралашиб юраверишди. Язид айтади: менимча «ва бозорларида», деб ҳам айтдилар. Натижада Аллоҳ улардан айримларининг қалбларини айримлари сабабли муҳрлади ва уларни Довуд ва Исо ибн Марям тилида лаънатлади. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузларидир». Росулulloҳ ﷺ бу сўзларни айтар эканлар ёнбошлаб олган эдилар. Сўнг ўтирдиларда

«لَا وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ حَتَّى تَأْطُرُوهُمْ عَلَى الْحَقِّ أَطْرًا»

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта сизлар уларни ҳаққа буйсундирасизлар», дедилар.

• Яҳудийларнинг хос сифатларидан яна бири Аллоҳ уларга илмни етказишни буюришига қарамай уни яширишларидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشْتَرُونَ بِهِ تَمَنَّا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)дан иборат бўлган нарсани (Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбарлигини) беркитадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдиришади. Уларга қиёмат кунда Аллоҳ сўзламайди, боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир»

[Бақара 174]

Қуртубий ушбу оят тафсирида айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ﴾

(Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)дан иборат бўлган нарсани беркитадиган кимсалар). Яъни яҳудий уламолари Тавротда Муҳаммад ﷺнинг сифатлари ва рисолатининг тўғрилиги ҳақидаги Аллоҳ нозил қилган нарсани яширишди.

﴿وَيَشْتَرُونَ بِهِ﴾

(Ва уни сотадиган). Яъни яшириш сабабли деганидир.

﴿تَمَنَّا قَلِيلًا﴾

(Озгина қийматга). Яъни пора олиш маъносида. Озгина деганининг маъноси унинг муддати оз ва оқибати ёмондир. Баъзилар айтади: Улар оладиган пора арзимаган озгина нарса эди.

﴿فِي بُطُونِهِمْ﴾

(Қоринларини). Яъни қоринни зикр этилишидан мақсад уларнинг очкўзлигига ишорадир. Чунки улар ўз охиратларини ҳеч бир аҳамияти бўлмаган таом эвазига сотишди.

﴿وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ﴾

(Уларга қиёмат кунда Аллоҳ сўзламайди). Яъни уларга ғазабланади ва улардан рози бўлмайди.

﴿وَلَا يُزَكِّيهِمْ﴾

(Ва уларни (гуноҳларидан) покламайди). Яъни уларнинг ифлос амалларини ислоҳ қилмайди, шу сабабли уларни покламайди, деганидир.

• **Ҳасад, ерда бузғунчилик қилиш, фаҳш тарқатиш ва яшашга бўлган иштиёқ.** Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَتَجِدَنَّهُمْ أَحْرَصَ النَّاسِ عَلَى حَيَاتِهِ وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا يَوَدُّ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرَ أَلْفَ سَنَةٍ وَمَا هُوَ بِمُزَحِّزِهِ مِنَ الْعَذَابِ أَنْ يُعَمَّرَ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ﴾

«Уларнинг ҳатто мушриклардан ҳам ҳаётга (яшашга) очкўз кишилар эканини кўрасиз, уларнинг айримлари минг йил умр кўришни исташади. Ҳолбуки, узун умр уни азобдан узоқлаштирмайди. Ахир Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчидир» [Бақара 96]

Саъдийнинг тафсирида шундай келади: Улар ҳар қандай одамдан кўра, ҳатто элчилар ва китобларга ишонмайдиган мушриклардан ҳам кўра яшашга очкўзроқдир. Уларнинг дунёга бўлган муҳаббатининг кучлилиги ҳақида Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿يَوَدُّ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرَ أَلْفَ سَنَةٍ﴾

(Уларнинг айримлари минг йил умр кўришни исташади). Бу очкўзликнинг энг чўққиси бўлиб, улар жуда қийин бўлган ишни орзу қилишади. Ҳолбуки, улар минг йил яшашса ҳам бунга қаноат қилишмайди ҳамда бу уларни азобдан асло қутқара олмайди.

﴿وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ﴾

(Ахир Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчидир). Аллоҳнинг мана бу сўзлари уларнинг амалларига яраша жазоланишларига қаратилган таҳдиддир. □

ЯХУДИЙЛАРНИНГ СУННАТДА АЙТИЛГАН ХУСУСИЯТЛАРИ

- Улар ғазабга дучор бўлганлардир:

Пайғамбаримиз ﷺ Аллоҳ Таолонинг:

﴿صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ﴾

«Ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш-тўғри йўлга»

[Фотиҳа 7]

қавли ҳақида:

﴿الْيَهُودُ مَغْضُوبٌ عَلَيْهِمْ، وَالنَّصَارَى ضَالَّةٌ﴾

«Ғазабга дучор бўлган бу яҳудийлар, ҳақ йўлдан тойганлар насронийлардир» дедилар. Термизий ривояти.

- Улар дин борасида ҳийла-найранг қиладиган ва ҳаромни ҳалол қилишга интиладиган лаънати инсонлардир:

Умар ибн Хаттоб ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

﴿لَعَنَ اللَّهُ الْيَهُودَ حَرَمَتْ عَلَيْهِمُ الشُّحُومُ أَنْ يَأْكُلُوهَا، فَجَمَلُوهَا فَبَاغَوْهَا فَأَكَلُوا أَمَانَهَا﴾

«Аллоҳ яҳудийларни лаънатлади, уларга ҳайвонларнинг ёғи ҳаром қилинган эди, улар ёғни эритиб сотиб, унинг пулини ейишди». Муттафақун алайҳ.

- Ҳасад: Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

﴿مَا حَسَدَتْكُمْ الْيَهُودُ عَلَى شَيْءٍ، مَا حَسَدَتْكُمْ عَلَى السَّلَامِ وَالتَّامِينِ﴾

«Яҳудийлар сизларга саломлашиш ва омин дейишда ҳасад қилганидек ҳеч нарсада ҳасад қилишмади». Ибн Можа ўзининг сунанида ривоят қилган. Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

﴿مَا حَسَدَتْكُمْ الْيَهُودُ عَلَى آمِنٍ فَأَكْتَبُوا مِنْ قَوْلِ آمِنٍ﴾

«Яҳудийлар сизларга омин дейишда ҳасад қилгандек ҳеч нарсада ҳасад қилишмади, шундай экан, оминни кўп айтинглар». Ибн Можа ўз сунанида ривоят қилган.

• Ёмон хулқ-атвор:

Бухорий ва Муслим ривоят қилади:

«أَنَّ الْيَهُودَ اتُّوا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالُوا: أَلَسَامُ عَلَيْكَ، قَالَ: وَعَلَيْكُمْ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ: أَلَسَامُ عَلَيْكُمْ، وَلَعَنَكُمْ اللَّهُ وَعَصَبَ عَلَيْكُمْ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَهَلًا يَا عَائِشَةُ، عَلَيْكَ بِالرَّفْقِ، وَإِيَّاكَ وَالْعُنْفَ، أَوْ الْفُحْشَ، قَالَتْ: أَوْ لَمْ تَسْمَعْ مَا قَالُوا؟! قَالَ: أَوْ لَمْ تَسْمَعِي مَا قُلْتُ؟ رَدَدْتُ عَلَيْهِمْ، فَيُسْتَجَابُ لِي فِيهِمْ، وَلَا يُسْتَجَابُ لَهُمْ فِي»

«Яҳудийлар Росулulloҳ ﷺ ҳузурига келиб, ассаму алайка (сенга ўлим бўлсин), дейишган эди, Росулulloҳ ﷺ, сизларга ҳам, дедилар. Оиша رضي الله عنها «ассаму алайкум (сизларга ўлим бўлсин), Аллоҳнинг лаънати ва ғазаби ёғилсин, деди. Шунда, Росулulloҳ ﷺ, сабр қил, эй Оиша, мулоим бўл, зўравонлик ва фаҳшдан сақлан, дедилар. Оиша رضي الله عنها, улар айтган сўзни эшитмадингизми? – деган эди, Росулulloҳ ﷺ, мен айтган сўзни эшитмадингми? Мен уларга ўзларининг сўзини қайтардим. Мен айтган сўз ижобат қилинади, лекин уларнинг мен ҳақимда айтганлари ижобат қилинмайди, дедилар». Бу ҳадис Ислому ва муслмонларнинг ғайримусулмонларга нисбатан қандай хулқ атворда бўлишини кўрсатади. Шунингдек, у яҳудийларнинг хулқ атвори ёмонлиги, бошқаларга нисбатан ёмонликни яшириши, ўзларини бошқалардан ақлли ҳисоблаши ва ҳийла-найрангларига ҳамда сўзларни мўлжалланган маънодан унинг аксини англатадиган қилиб ўзгартиришларига далолат қилади.

Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ нинг иккита қўпол кўйлаги бор эди. Агар Росулulloҳ ﷺ узоқроқ ўтириб терлаб қолсалар кўйлаги у кишига оғир келар эди. Шунда Шомдан фалончи яҳудийнинг пахтадан тўқилган кийимлари келиб қолди. Оиша رضي الله عنها айтади:

Росуллоҳ ﷺ га, яҳудийга одам юбориб, озгина муддатга кийим сотиб олинг, дедим. Росулulloҳ ﷺ унга одам юборган эди, яҳудий, у менинг молим ёки пулимни олиб кетишни хоҳлаяпти, деди (яъни молимни олиб, пулини бермасликни хоҳлаяпти деди). Шунда Росулulloҳ ﷺ

«كَذَّبَ، قَدْ عَلِمَ أَنِّي مِنْ أَتْقَاهُمْ وَأَدَاهُمْ لِلْأَمَانَةِ»

«Ёлғон айтибди, у (ўзларининг китобидан) мен барчадан кўра Аллоҳдан кўрқувчи роқ ва омонатгўйроқ эканимни билади», деди. Термизий ва Насоий ривояти.

• **Макр-ҳийла ва алдов**

Ибн Аббос رضي الله عنه айтади: Каъб ибн Асад, Ибн Сурия ва Шос ибн Қайс бир-бирларига «кетдик, Муҳаммаднинг олдига борамиз, шояд уни динидан чалғита олсак», дейишди. Кейин у кишининг олдига бориб, эй Муҳаммад, биз яҳудийларнинг олимлари, зодагонлари ва аслзодалари эканимизни биласан. Агар биз сенга эргашсак, яҳудийлар ҳам бизга эргашади ва бизга қарши чиқишмайди. Биз билан баъзи қавмлар ўртасида хусумат бор, шунга сени ҳакам қилсакда сен уларга қарши бизнинг фойдамизга ҳукм қилсанг, шунда сенга иймон келтириб, тасдиқлар эдик, дейишди. Росулulloҳ ﷺ бундан бош тортдилар, шунда қуйидаги оят нозил бўлди:

﴿وَأَن أَحْكَمَ بَيْنَهُمْ يَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرُهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавоий нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида 49]

Ибн Ҳишом Сийратда Ибн Исҳоқдан ривоят қилган, Ибн Жарир ўзининг тафсирида келтирган.

Абу Мусо Ашъарий айтади: Яҳудийлар Росулulloҳ ﷺ нинг (Ярҳамукумуллоҳ) дейишини умид қилиб, у

кишининг ҳузурида акса уришар эди. Лекин Росулulloҳ ﷺ уларга

«يَهْدِيكُمْ اللَّهُ وَيُصْلِحْ بَالِكُمْ»

«Аллоҳ сизни ҳидоят қилсин ва аҳволингизни ислоҳ қилсин», дер эдилар. Термизий ва Абу Довуд ривояти.

• **Улар Аллоҳ Таолонинг сўзларини ўзгартиришади:**

Росулulloҳ ﷺ зино қилган яҳудий эркак ва аёлни тошбўрон қилдилар. Яҳудийлар у иккисини Росулulloҳ ﷺ олдига олиб келиб, бу иккиси зино қилишди дейишганида, Росулulloҳ ﷺ улар ҳақида Тавротда нима дейилган? – дедилар. Яҳудийлар, уларни дарралаймиз ва шарманда қиламиз, дейишди. Шунда Росулulloҳ ﷺ, Аллоҳга қасамки, алдаяпсиз, Тавротда тошбўрон ояти бор, агар ростгўй бўлсангиз, Тавротни олиб келиб ўқинг, дедилар. Абдуллоҳ ибн Салом ҳам, Аллоҳга қасамки, алдаяпсиз, унда тошбўрон ояти бор, деди. Шунда улар Тавротни олиб келиб очишди. Улардан Ибн Сурия исмли бир кўзли киши келиб, қўли билан тошбўрон оятини яшириб, ундан олдинги ва кейинги оятларини ўқий бошлади. Абдуллоҳ Ибн Салом унга, қўлингизни ол деган эди, у қўлини олди ва тошбўрон ояти кўринди. Шунда яҳудийлар, ҳа, эй Муҳаммад унда тошбўрон ояти бор, дейишди. Росулulloҳ ﷺ у иккисини тошбўрон қилишга буюрдилар ва улар тошбўрон қилинди. Ибн Умар айтади: Ўша кунни тошбўрон қилганлар орасида мен ҳам бор эдим.

• **Улар ёлғон ва тўхмат билан ажралиб туради:**

Анас ибн Молик ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Салом Исломни қабул қилгач, Росулulloҳ ﷺ га, эй Аллоҳнинг Росули албатта яҳудийлар тўхматчи қавмдир. Менинг Исломга кирганимни билмасларидан олдин, улардан мен ҳақимда сўранг, деди. Яҳудийлар келгач, Росулulloҳ ﷺ улардан, Абдуллоҳ ибн Салом ичингизда қандай киши? – деб сўрадилар. Улар, у ичимизда энг яхшимиз ва энг яхшимизнинг ўғли, энг афзалимиз ва энг афзалимизнинг ўғли, дейишди. Росулulloҳ ﷺ, Абдуллоҳ ибн Салом

Исломга кирса нима деган бўлар эдингиз, дедилар. Улар, бундан Аллоҳ сақласин, дейишди. Росулulloҳ ﷺ сўзларини такрорлаган эдилар, улар яна шундай жавоб қайтаришди. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом уларнинг олдига чиқиб, ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Росулulloҳ, деди. Улар, у энг ёмонимиз ва энг ёмонимизнинг ўғли, деб уни камсита бошлашди. Шунда у, эй Аллоҳнинг Росули, мен қўрқаётган нарса шу эди, деди. Бухорий ривояти.

• **Дажжолга эргашишлари:**

Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«يَتَّبِعُ الدَّجَالَ مِنْ يَهُودِ أَصْبَهَانَ سَبْعُونَ أَلْفًا عَلَيْهِمُ الطَّبَالِسَةُ»

«Дажжолга Исфаҳон яҳудийларидан етмиш мингтаси эргашади, уларнинг эгнида таёласа (эгнига ташлаб олинадиган кийим) бўлади». Муслим ривояти. Росулulloҳ ﷺ Дажжол ҳақида, у яҳудий, деганлар. Муслим ривояти.

ЯШИРИН ҲАМКОРЛИК... БОСҚИНЧИ БИЛАН САУДИЯ ЎРТАСИДА ЎНЛАБ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БЎЛИБ КЕЛГАН ЯҚИНЛАШУВНИНГ БАЪЗИ МУҲИМ БОСҚИЧЛАРИ

Ҳазо секторига қарши (Исроил) бошлаган қонли уруш билан бир пайтда босқинчи (Исроил) ва Саудия ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш келишуви ҳақидаги гап-сўзлар давом этмоқда. Қўшма Штатлар икки томон ўртасида воситачи ролини ўйнамоқда. Israel Today газетаси нашр қилган ҳисоботда келишича, бу алоқалар муносабатларни нормаллаштириш келишувига эришиш учун икки томон сарфлаган савб-ҳаракатлардан анча олдин бошланган ва томонлар ўнлаб йиллардан бери яширин ҳамкорлик қилишган. Зоҳиран бу икки мамлакат бир-бирига ашаддий душмандек бўлиб кўринадиган ва Саудия расмийлари ўнлаб йиллар давомида яҳудийлар ҳақида ифвогарона даъволарни илгари суриб келди. Аммо ёпиқ эшиклар ортидаги ҳақиқат бошқача. Ҳисоботда ҳамкорликнинг илдизлари 1948 йилга бориб тақалиши қайд этилган. Икки давлат ўртасидаги яширин муносабатларнинг белгилари ўтган асрнинг 60-йилларида, Яманда фуқаролар уруши бошланганида кўринди. Ўшанда Риёз ўз ҳаво ҳудудини Яман ҳукумат кучларига ёрдам ташлаган (Исроил) самолётлари учун бемалол очиб берди... Ҳисоботда келишича, Саудия расмийлари охири-оқибат (Исроил) бу ерда доимий қолишини англаб етди. Саудия қироли 1977 йилда (Исроил)ни энди ҳеч ким харитадан ўчиришга уринмаётганини тан олди... Ҳисоботда қайд этилишича, Кўрфаз урушида саудияликлар билан исроилликлар бир томонда бўлди ва иккаласи ҳам Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн томонидан нишонга олинди... Кейинчалик Мадрид тинчлик конференциясида ҳар икки томон биринчи марта бир хонада ўтирди... Газетада билдирилишича, 2006 йил (Исроил) билан Ливандаги Ҳизбуллоҳ ўртасида уруш бошланиб, Эрон томонидан қўллаб-қувватланган Ҳизбуллоҳнинг кўпчилик тасаввур қилганидан кўра кучлироқ эканлиги кўринди. Бу эса, Саудия ва (Исроил)нинг ҳар иккисини битта хавфли қайиққа солиб қўйди. Чунки улар тўғридан-тўғри Техроннинг таҳдидига учрашди... Абраҳам келишувига келсак, бу ҳақда ҳисоботда айтилишича, (Исроил) фаластинликлар билан муаммоларини ҳал қилиб олганидан кейин, улар ҳам (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш ниятида бўлиши мумкинлиги ҳақида ишоралар бор... Саудияликлар 2023 йилда босқинчи билан муносабатларни нормаллаштиришга тайёр эканликларини эълон қилишди. Бу эса, икки давлатнинг ўз муносабатларини расмий муносабатга айлантиришга яқинлашаётганини кўрсатади. Аммо 7 октябрдаги ва ундан кейинги воқеалар Саудия Арабистони билан муносабатларни нормаллаштириш келишувига эришишга қаратилган савб-ҳаракатларга тўсқинлик қилди... Газета ўз ҳисоботини «Бу – Саудия-(Исроил) муносабатлари илгари маълум бўлганидан ҳам чуқурроқ илдизларга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади», деб яқунлайди.

Ал-Ваъй: Газета ҳисоботининг якуний хулосаси Сауд оиласининг келиб чиқиши яҳудийлигини кўрсатадими?! Мусулмонлар ҳокимлари ҳақида бундай хулосага келиш ажабланарли эмас. (Исроил)нинг собиқ бош вазири Голда Маер ўз хотираларида «Араблар бир кун келиб, (Исроил) фарзандларини уларнинг юртлари бошқарувига олиб келганимиздан ҳайрон қолишади», демаганмиди?! □

АМЕРИКАНИНГ RAND КОРПОРАЦИЯСИ: ҚЎШМА ШТАТЛАР ҚҶШИ СЎНМОҚДАМИ?

Таниқли америкалик журналист Дэвид Игнатиус Washington Post газетасида нашр этилган мақоласида АҚШ мудофаа вазирлиги (Пентагон) топшириғи билан RAND корпорацияси томонидан олиб борилган чуқур тадқиқот Қўшма Штатларнинг жарликка қулаш сари кетаётган бўлиши мумкинлигини ва бундан камдан-кам йирик давлатларгина омон қолишини тасдиқлаганини маълум қилди. «RAND тадқиқоти Қўшма Штатларда ушбу қулашдан омон қолиш ва унинг хавфлари олдини олиш учун кўплаб воситалар мавжудлигини тасдиқлаган. Аммо муаммо шундаки, ҳалигача бу муаммо ва уни қандай ҳал қилиш улар томонидан оммавий тарзда тан олинмаган», деб қўшимча қилади Игнатиус. Унинг таъкидлашича, «Миллий мобиллик (ҳаракатчанлик)нинг қайта тикланадиган манбалари» номили, бош муаллифи Майкл Ж. Мазар бўлган бу тадқиқот АҚШнинг Хитойга нисбатан рақобатбардош позициясини баҳолаш учун Пентагон топшириғи билан тайёрланган ҳисоботлар силсиласининг бир қисмидир. Игнатиус RAND ҳисоботини «портловчи» деб таърифлади ва бу ҳисобот «Қўшма Штатлар обрўсининг нисбатан пасайишига олиб келган сабаблар ҳақида саволни ўртага ташлайди, деди. Унинг сўзларига кўра, тадқиқот шуни кўрсатадики, «йирик давлатлар ички омиллар туфайли етакчиликдан тойилса, улар камдан-кам ҳолларда бу тенденцияни ортга қайтаради ва тарих динамикасини ўзгартиради. Тадқиқот кенг қамровли миллий таназзулнинг сабабларига ойдинлик киритиб, уларнинг орасида ҳашамат ва таназзулга мойиллик, технология билан ҳамқадам бўлмаслик, қотиб қолган бюрократия, фуқаролик фазилатларининг йўқолиши, ҳаддан ташқари ҳарбий экспанция ва зулмнинг кучайиши, шунингдек, худбин ва ўзаро курашаётган элитанинг мавжудлиги, атроф муҳитни ҳимоя қилишга қарама-қарши амалиётлар каби сабаблар борлигини айтади. Тадқиқотга кўра, «муаммолар бизга таъсир кўрсатишидан олдин уларни ҳал қилиш учун ташаббус кўрсатиш» керак. Тадқиқотга кўра, «муаммони ҳал қилиш» масаласида Қўшма Штатларнинг 2024 йилдаги фаолияти «заиф» деб таснифланади. Игнатиуснинг таъкидлашича, RAND тадқиқоти шунга аниқ далолат қиладики, омма манфаати ва мамлакат тикланиши учун ҳаракат қилмаслик, ислоҳот воситаларидан фойдаланмаслик, бошқарувни ҳаммага мос келадиган ислоҳот моделини татбиқ қиладиган янги етакчиларга топширмаслик Қўшма Штатларнинг яқин келажакда чўкишини англайди.

Ал-Ваъй: Бу мақола давлатнинг ожизлигига ишора қилишдан кўра кўпроқ Ғарб ҳазоратининг ожизлигига, шунингдек, Америка Европани қувиб етганига ва у каби қарий бошлаганига ишора қилади. Америка халқи бошдан кечириётган руҳий бўшлиқ, фикрий таназзул, қадриятларнинг йўқолиши, манфаатпарастликка асосланган худбинларча фикрлашнинг ҳукмронлиги, ҳашаматга берилиш ва ирқий камситишни қўзғаш ҳолатини ҳеч ким эътиборсиз қолдира олмайди. Ғарб ҳазорати емирилиш жараёнида ва бу жараён уларнинг давлатини ичкаридан емирилишига олиб келади. Ҳа, бу мақола Ғарб ҳазоратининг, структураси улкан бўлишига қарамай, устунлари мўртлигини кўпроқ ёритади. Устунлар мўртлиги ва структуранинг улканлиги комбинацияси Ғарб ҳазоратининг қулашини шов-шувли қулашга айлантиради. □